



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ХОДИМЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

4.2  
МОДУЛ

МАШГУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

# ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ХОДИМЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**МАШГУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ  
МЕТОДИКАСИ**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Малака тоифа  
йўналиши:**

**Мактабгача таълим муассасасининг  
мусиқа раҳбарлари**

**Тингловчилар  
контингенти:**

**Мактабгача таълим муассасасининг  
мусиқа раҳбарлари**

**Тошкент-2018**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган мусиқа раҳбарларининг малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

**Тузувчилар:** Уалиева Г.И. - Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази “Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси

Режаметова Н.И.- Низомий номидаги ТДПУ “Мусиқий таълим” кафедраси ўқитувчиси

**Тақризчилар:** Л.Р.Миржалолова - Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази “Мактабгача, бошлангич ва маҳсус таълим методикаси” кафедраси мудири, п.ф.н., доқент

Шарифбоева Г. – Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 346-сонли МТМ мусиқа раҳбари.

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган

## **МУНДАРИЖА**

I.Ишчи дастур .....	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган таълимметодлари.....	15
III. Назарий машғулотматериаллари .....	19
IV. Амалий машғулотматериаллари.....	61
V. Кўчма машғулот материаллари.....	128
VI. Кейслар банки.....	143
VII. Мустакил таълим мавзулари.....	148
VIII. Глоссарий .....	151
IX. Адабиётлар рўйхати.....	160

## ИШЧИ ДАСТУР

## **Кириш**

Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатдан янга даражага кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади, шунингдек ўкув-тарбия жараёнида таълимнинг инновақион шакллари ва усулларини қўллашга кўмаклашади.

Мамлакатимизда айни пайтда вужудга келган шарт-шароитлар малака оширишнинг шакли, мазмуни ва уни амалга ошириш механизмларини қайта кўриб чиқишини ва бу жараёнга тегишли ўзгартиришларни киритишни тақозо этмоқда. Хусусан, шу кунларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун тарбиячиларининг малакасини ошириш мазмуни ва шаклларини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли, 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони, 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори, шунингдек Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 1-мҳсонли “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ҳамда “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўкув дастурини амалда жорий этиш, шу асосда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни назарда тутади.

“Машғулотларни ўтказиш методикаси” модулнинг ишчи ўкув дастури мактабгача таълим муассасасининг мусиқа раҳбарларималакасини ошириш курсининг ўкув дастури асосида тузилган бўлиб, у мусиқа раҳбарларига замонавий методлари мазмуни ва моҳиятини очиб беради.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** мактабгача таълим муассасалари мусиқа раҳбарларининг машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишга оид касбий билим ва кўникмаларини малака талаблари асосида чукурлаштириш, янгилаш ва таълим-тарбия жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш.

## **Модулнинг вазифалари:**

- мактабгача таълим муассаси мусиқа раҳбарларининг замонавий педагогик технологиялари ва методлари ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- мактабгача таълиммуассаси мусиқа раҳбарларида машғулотларниташкил этиш методикалари, самарали методларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **Тингловчи:**

- мусиқа машғулотларини ўтказишга замонавий ёндашувлар ва инновацияларни;
- мусиқа машғулоти ишланмаларини ишлаб чиқишига қўйилган замонавий талабларни **билиши**;
- мусиқа машғулотлари жараёнида интеграция ва инновациялардан фойдаланиш;
- мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг фаоллигини оширишига хизмат қиласиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- мусиқа машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишида жаҳон тажрибаларидан фойдаланиш **кўникмаларига**;
- турли ёш гурухларида мусиқа машғулотларини режалаштириш;
- турли ёш гурухларида интеграллаштирилган мусиқа машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- мусиқа машғулотларида ахборот технологияларини қўллаш **малакаларига**;
- замонавий талаблар асосида мусиқа машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- мусиқа машғулотининг дидактик таъминотини такомиллаштириш **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Машғулотларини ўтказиш методикаси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилади.

Маърузаларда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модулмазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси”, “Таълим жараёнида педагогик дастурий воситалар”, “Мактабгача ёшдаги болалар физиологияси ва гигиенаси асослари”, “Мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва педагогик хусусиятлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тарбиячиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг услугбий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Мазкур модул “Ўзбекистон таълим-тарбия жараёнларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Мактабгача ёшдаги болаларнинг физиологик ва педагогик хусусиятлари” блокларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услугбий жиҳатларини мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятлари очиб берилади.

### **Модулнинг таълимдаги ўрни**

Тингловчиларга мактабгача таълим муассасалари мусиқа машғулотларини ўtkазиш методикасини ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти**  
**4.2. Машғулотларни ўтказиш методикаси**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Ҳаммаси	Жами ўкув юкламаси	Жумладан			Мустақил тальлим
				назарий	амалий	кўчма машғулот	
1.	Тарбияланувчиларнинг мусиқий қобилиятини шаклантиришга қаратилган йиллик (кунлик, ойлик) иш режасини ишлаб чиқишида кўйиладиган талаблар	6	4	4		-	2
2.	Байрам тадбирлари сценарийсини ишлаб чиқиши ва ўтказишга кўйиладиган талаблар	4	4	4		-	-
3.	Мусиқа машғулотларида тарбияланувчилар фаолиятини тўғри ташкил этиш методикаси	6	6	2	4	-	-
4.	Мусиқа машғулотларда педагогик ҳамкорликни ташкил этиш	4	4		4		-
5.	МТМлари қисқа мудатли гурухлари болалари билан ишлаш методикаси	6	6	2	4	-	-
6.	Мактабгача ёшдаги болаларни мусиқий ва театр фаолияти билан таништириш	6	6		6		
7.	Мактабгача ёшдаги болаларни фольклор билан таништириш услублари	6	6		6	-	
8.	Мусиқа машғулотларида компьютер дастурларидан фойдаланиш	6	6	2	4		
9.	Мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш ва диагностик таҳлил қилиш	4	4			4	
10.	Илғор педагогларни иш тажрибаларидан ўрганиш ва амалиётда кўллаш	6	4			4	2
<b>Жами</b>		<b>54</b>	<b>50</b>	<b>14</b>	<b>28</b>	<b>8</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1- мавзу:** Тарбияланувчиларнинг мусиқий қобилиятини шаклантириш ва ривожлантиришга қаратилган йиллик (кунлик, ойлик) иш режасини ишлаб чиқишида қўйиладиган талаблар (*4 соат назарий ва 2 маустақил таълим*).

Тарбияланувчилардамусиқа тинглаш, хонандалик ҳамда чолғу асбобларида ижрочилик маҳоратини шаклантириш. Кичик, ўрта ва катта гурухларда мусиқий фаолият турларига бўлган талаблар. Тарбияланувчиларнинг мусиқий қобилиятини шаклантириш ва ривожлантиришга қаратилган йиллик (кунлик, ойлик) иш режасини ишлаб чиқишига қўйиладиган талаблар.

**2-мавзу:** Байрам тадбирлари сценарийсини ишлаб чиқиш ва ўтказишга қўйиладиган (*4 соат назарий*).

Машғулотларда фасллар, байрам ва тадбирларга оид мусиқа асарлари устида ишлаш. Байрам ва тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқиш ва ўтказиш бўйича мусиқа раҳбари олдида турган вазифалар ҳамда уларга қўйиладиган талаблар.

**3-мавзу:** Мусиқа машғулотларида тарбияланувчилар фаолиятини тўғри ташкил этиш методикаси(*2 соат назарий ва 4 соат амалий*).

Мусиқий фаолият турлари.Болаларни тинглаш, куйлаш, мусиқий ритмик ҳаракатларни бажаришга,чолғу асбоблар билан таништириш ва уларга жўр бўлишга ўргатиш, машғулотда мусиқий дидактик ўйинлардан фойдаланиш. Машғулотнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари ва уларнинг давлат талабларига мослиги.

**4-мавзу:**Мусиқа машғулотларда педагогик ҳамкорликни ташкил этиш (*4 соат амалий*).

Мусиқа машғулотларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, мусиқий тарбия ишларини олиб боришда ота-она, психолог, тарбиячилар, жисмоний тарбия йўриқчиси ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорлик ишлари.

**5-мавзу:** МТМда қисқа мудатли гурухларда болаларга куйлаш қўниумасини шаклантириш методикаси(*2 соат назарий ва 2 соат амалий*).

Мактабгача таълим муассасалариқисқа мудатли гурухлари учун машғулот режасини тузиш ва вазифаларни белгилаб олиш. Кичик,ўрта вакатта,қисқа мудатли гурухларда болалар билан ишлаш методикаси.

**6-мавзу.** Мактабгача таълим муассасаларида болаларини мусиқий ва театр фаолияти билан таништириш (*6 соат амалий*).

Театр фаолиятида болаларнинг бадиий ва ижодий қобилияларини ривожлантириш. Амалий машқларнинг мазмуни. Мактабгача ёшдаги болаларининг мусиқий ва театр фаолиятини режалаштириш. Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш.

**7-мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларни фольклор билан таништириш услублари(*бсоат амалий*).**

Фольклор, ўзбек мусиқасининг маҳалий услублари ҳақида тушунча.Матабгача таълим муассасаларида мусиқа машғулотларида фольклор билан таништириш ва ўргатиш услублари.Мусиқа машғулотларида болалар ёшига мос қўшиқ, миллий ўйинлардан фойдаланиш.

**8- мавзу: Мусиқа машғулотларида компьютер дастурларидан фойдаланиш(*2 соат назарий ва 4 соат амалий*).**

Компьютерда амалий дастурлар ёрдамида тайёрланган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар. Мусиқа машғулотларида электрон ўқув адабиётлари, ўргатувчи тизимлар, мультимедиа, Sibelius,Audacity вабошқа дастуридан мусиқа машғулотларида кенг фойдаланиш

**9-мавзу: Мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш ва диагностик таҳлил қилиш(*4 соат кўчма*).**

Мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини режалаштириш. Мусиқа машғулотларида болаларни ўзлаштириш ва ривожланишини диагностик таҳлил қилиш

**10- мавзу: Илғор педагогларни иш тажрибаларидан ўрганиш ва амалиётда қўллаш(*4 соат кўчма ва 2 соат мустақил таълим* ).**

Мусиқа машғулотларида илғор педагогларни иш тажрибаси билан танишиш. Мусиқ машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш. Мусиқа машғулотлари жараёнида фойдаланиладиган метод ва технологиялар билан таништириш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, тингловчиларга мусиқа фаолиятларга бўлган кўнкмани янада ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сұхбатлари (күрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича маълумотлар тақдим қилиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **Фойдаланиш тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари**

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маъruzаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017. – 102б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 80 б.

6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

8. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори. 2017 йил.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сонли «Давлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисида”ги Низоми.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони.

6. “Мактабгача таълим Концепцияси”. Т.: 2008

7.“Билимдон” дастури. Т.: 2014

8. Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”. Т.: 2018

9.“Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўкув дастури. Т.: 2018.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Mishael Pilhofer and Holly Day “Music Theory for dummies” Indiana USA 2007. Wiley Publishing Inc.

2. Cat’rine Sadolin. Complete vocal technique. 2012.  
[www.Completevocalinstitute.com](http://www.Completevocalinstitute.com)

3. Сайидаҳмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.– 172 б.

4. Толипов. Ў.Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.– 163 б.

5. Уразова. М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.

6. American popular music. Larri Star & Christop’er Waterman. Oxford Universite Press. Inc. 2007.

7. Қаҳхаров Н.В. Вокал асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. Иқтисод-молия. 2008. 314 б.

8. Мирзаева Н.А.Хонандалик услубиёти асослари. Махрузалар матни. Тошкент. 2008. 48 б.

9. Кадыров Р. Музыкальная педагогика.- Ташкент:ЎзДК,2013.

10. Rejametova N.O’zbek xalq cholq’u asboblarini chalishni o’rgatish metodikasi.- Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2014.

11. Мурадова З. Детская песня в творчестве композиторов Узбекистана. -Ташкент: Baktriapress, 2015.

12. Ишмухамедов Р., М.Юлдашев “Таълим ва тарбияда инновақион педагогик технологиялар.-Т.: “Ниҳол”, 2013й.269бет.
13. Сергеев И.С.. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие.-СПб.:Питер.-316 стр.- (Серия «Учебное пособие»). 2004.
14. «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Тошкент, 2002 й.
15. Намозова Д.Т., Носиров Д.Т. “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий таълим методикаси” Кўкон: 2006 й.
16. Гогоберидзе А.Г. Теория и методика музыкального воспитания детей дошкольного возраста: А. Г. Гогоберидзе, В.А.Деркунская. — М.: Издательский центр «Академия», 2005. — 320 с
17. Шарипова Г.«Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа ўқитиши методикаси». «Чўлпон» Т.: 2007.
18. Зимина А.Н. Основы музыкального воспитания и развития детей младшего возраста.- М., 2000
19. Радынова О. Настроения, чувства в музыке. М;2009
20. Зацепина М.Б. “Музыкальное воспитание в детском саду.” Москва.: “Мозайка – Синтез”, 2008.
21. Панжиев Қ. Б., Уалиева Г.И., Режаметова Н.И., МТМ мусиқа раҳбарлари учун ЎУМ -Т.-2017

### **Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).
2. Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази:[www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz)
3. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: [www.giu.uz](http://www.giu.uz)
4. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
5. Мактабгача таълим вазирлиги: [www.mtv.uz](http://www.mtv.uz).
6. Республика болалар кутубхонаси: [www.kitob.uz](http://www.kitob.uz).
7. «Мактабгача таълим» журнали: [www.jlmt.uz](http://www.jlmt.uz).

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

## **«Интерфаол усуллар» ҳақида**

Интерфаол усули ҳамкорликда фаолият олиб бориш маънасини англатади. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш учун турли интерфаол усуллар мавжуд. Жумладан:

1. «Доира» усули
2. «Аквариум» усули
3. «Музёарлар»
4. «Гурухларга бўлиниш»
5. «Ақлий ҳужум»
6. «Ким қаерда?»
7. «Мозаика»
8. «Тез ёрдам»
9. «Тўхтаб ўқиши»
10. «Тармоқлар» (Кластер)
11. «Суратли диктант»
12. «Чигил ёзди» ўйинлари
13. «Занжир»
14. «Энержайзерлар»
15. «Ҳамма ҳаммага ўргатади»
16. «Баҳс-мунозара»
17. «Континиум» ва ҳ.к.

Уларнинг айримларини машғулот жараёнларида қўллашни сизга тавсия этамиз.

### **«Доира» усули**

Бунда болалар доира шаклида ўтириб, турли Машқларни бажарадилар. Бу усулнинг болаларни қатор қилиб ўtkазиш усулидан қулай томони шундаки, ҳеч бир бола ўзини ажратилганлигини, яъни кимдир орқада, кимдир олдинда эканлигини сезмайди. Ҳар бир бола тарбиячи назари ва эътиборидан четланиб қолмайди. Ҳамма ўзини «тенг» хис қилади.

### **«Аквариум» усули**

Бу усулда бир нечта бола доира ичида турли вазифаларни бажаришади. Ўртадаги бу болалар «Аквариум» ичидаги балиқчалар кабидир. Уларнинг ҳар бир ҳаракати доира атрофида ўтирган болалар томонидан Аниқ кузатиб борилади.

### **«Музёарлар» усули**

Мақсад: Иштирокчиларни ўзаро танишувлари учун эркин муҳитни яратиш. «Музёарлар» бошқача танишувлар деб аталади. Бу машғулот

қисқача қилиб айтганда, болаларнинг ўзларини тутишларига, бир-бирлари билан танишишига ва гурухда ўзаро ишонч мухитини яратишга кўмаклашади. Уларни иштирок этишга ва ўзаро қўллаб-қувватлашга давъат этади. Таълим жараёнида сиз бундай Машқларнинг Янги турларини яратишингиз мумкин. Биз сизларга айримларини тавсия этамиз.

### «Гуруҳларга бўлинниш» усули

Бу усулда болалар турли топшириқларни бажариш жараёнида ҳамкорликда ишлашга, яхши ўзлаштирган бола паст ўзлаштирган болалар Билан биргаликда ишлашга ўрганади. Машғулот жараёнида болалар томонидан бирор бир вазифани бажаришда уларни кичик гуруҳларга бўлиб олиш зарур бўлиб қолади. Шунда уларни турли усуллар билан гуруҳларга бўлиш мумкин. Масалан: гуруҳларга бўлинининг оддий усули, икки ўринли биринчи стол атрофида ўтирган болаларнинг иккинчи стол атрофида ўтирган болалар томонига бурилиб ўтириб олиши, учунчи стол атрофидаги болалар эса тўртинчи стол атрофидаги болаларга қараб ўтириб олишади. Шундай қилиб болалар бир нечта гуруҳларга бўлинадилар.

Гурухга бўлинининг бошқа усули: тарбиячи болаларда бир нечта (бу болаларнингтарбиячи томонидан нечта гурухга бўлинини исташига боғлиқ) бир нечта уй ҳайвонларининг болалари номини айтишни сўрайди. Сўнгра шу номлар Билан ҳар бир болани номлаб чиқади. Ҳар бир бола номи айтилган ҳайвонча номини эслаб қолиши керак. Тарбиячи ҳар бир боладан номи айтилган ҳайвончалар товушини чиқариб, ўша гурухини топишини сўрайди. Масалан: «мэ, мэ..», мушукчалар «миёв, миёв..» ва ҳоказо.

Шу усулни «Илк иқтисодий таълим сабоқлари» Машғулотининг «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш» мавзусида ҳам қўллаш мумкин.

Магнит доскасига (ёки стол устига) пахта расми ёпишириллади (қўйилади). Сўнг тарбиячи стол устига турли расмлар қўяди. Бу расмлар ичida пахтага умуман тааллуқли бўлмаган расмлар ҳам бўлиши мумкин. (масалан: атиргул, ручка, пуфак, ниначи, олмахон, совун, ёғ, мато, ип, қофоз, бинт, бўёқлар, лак ..)

Сўнгра тарбиячи болаларга: - «Болалар, стол устига қўйилган расмлар ичидан фақатгина пахтадан олинадиган маҳсулотлар тасвирини ажратиб, пахта атрофига жойлаштиринг», -деб вазифа беради.

Болалар пахта атрофига ундан олинадиган маҳсулотлар расмини йиға бошлайдилар. Пахта атрофидаги расмлар нималарни билдиришини аниқлаб, уларнинг ҳар бири атрофида ҳам худи шундай расмлар териши мумкин. Масалан: «Мато» атрофига, матодан тикилган буюмлар расмини териш

мумкин, яъни ўғил болалар ва қизлар кўйлаги, болалар ва катталар учун турли хилдаги кийим-кечаклар расми.

Бу усул жуда қулай бўлиб, болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга, оз фурсатда кўп маълумот йиғишларига бир-бирлари Билан мунозара уюштирган ҳолда вазифани бажаришга ундейди. Юқоридаги вазифалардан ташқарии бошқача топшириқларни мужассам этган расмлардан ҳам фойдаланиш ҳам мумкин.

**НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-МАВЗУ: ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ МУСИҚИЙ  
ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЙИЛЛИК  
(КУНЛИК, ОЙЛИК) ИШ РЕЖАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА  
ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

**РЕЖА**

- 1.Кичик ёшдаги асосий иш режа
- 2.Ўрта ёшдаги асосий иш режа
- 3.Катта ёшдаги асосий иш режа
- 4.Мактабга тайёрлов ёшдаги асосий иш режа

**1.1.Кичик ёшдаги асосий иш режа**

Мусиқа машғулотларнинг фаолият турлари тавсифи. Мусиқа тинглаш, хонандалик ҳамда чолғу асбобларда ижрочилик маҳоратини шакллантириш ва тарбияланувчиларни ушбу фаолият турларига қизиқтириш кўникмасини шакллантириш борасида тингловчига қўйиладиган талаблар. Кичик гурухларда мусиқий фаолият турларига бўлган талаблар. Ўрта гурухларда мусиқий фаолият турларига бўлган талаблар. Катта гурухларда мусиқий фаолият турларига бўлган талаблар. Тарбияланувчиларнинг мусиқий қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган йиллик (кунлик, ойлик) машғулот режасини ишлаб чиқишида қўйиладиган талаблар

*Мактабгача таълим муассасасида олиб бориладиган мусиқа машғулотларининг намунавий режаси.*

*Режса тузилиши*

- 1.07-01 *Ҳафталик машғулотлар жадвали*
  - 2.07-02 *Иш режаси*
  - 3.07-03 *Байрам эрталиклари скенарийси*
  - 4.07-04 *Кўнгил очиш соатлар режаси*
  - 5.07-05 *Тарбиячи билан ҳамкорликдаги ишлар режаси*
  - 6.07-06 *Болалар билан индивидуал ишлар режаси*
  - 7.07-07 *Малака оширии курсидан кейинги фаолияти юзасидан мусиқа раҳбарининг З йилга мўлжалланган истиқбол режаси ва унинг бажарилиши ҳақида*
- КИЧИК ЁШ (3 - 4 ёш)*

**Мусиқа тинглаш:** Болаларда кичик мусиқий асарни тинглаш кўникмасини падо қилиш. Марш, қўшиқ ва рақс жанрлари ҳақида илк тасаввур пайдо қилиш ва уларни фарқлаш. Мусиқани мазмунан тушунишга ўргатиш:

**Мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажариш:** Тўп бўлиб енгил юриш ва югуришдан секин-аста ҳар тарафга, тўғрига, эркин-сочма, доира бўйлаб

енгил юриш ва югуришга ўргатиш. Болаларни 3-4 содда ва оддий ҳаракатлардан иборат рақсларни тўп бўлиб рақс тушишдан жуфтликда, сочма тарзда, шундан сўнг доирадаги рақслар ижро этишга ўргатиш. Рақс ҳаракатларидан «Коптокни юқорига от», «арқонни торт», «токча», «кўзгуга қара», «хўрозча», «майсанни сила» билан таништириш ва уларни мусиқага мос бажариш.

**Куйлаш:** Чолғу асбоби ва катталарга жўр бўлиб қуйлаш. Табиий овозда зўриқмасдан куйлаш малакаларини шакллантириш. Куйлаш вақтида тўғри нафас олишга, аввал «гулни ҳидлаб», сўнг куйлай бошлишга, ўтирган ёки турган ҳолатда тўғри куйлашга ўргатиш. Кўшиқ мазмунини тушуниб куйлаш билан бир вақтда ҳаракатлар бажаришга ўргатиш.

**Болалар чолғуларида чалишга ўргатиш:** Болалар чолғулари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, карнай, сурнай, ноғора билан таништириш. Металлофон, учбурчак, болғачада чалиш усулларини ўргатиш. Уларни товушидан фарқлай олиш. Кўшиқ, рақс ва ўйинларда чолғуларни жўр қилиш.

**Ўйин:** Мусиқий фаолиятларда олинган билимларни ўйинларда намоён бўлишига эришиш. Доира жўрлигида «Чумчуқлар ва мушук», «Айиқчалар рақси», халқ ўйинларидан «Чори-чамбар», «Чапак чалиш», «Қалдирғоч» кабиларни ўйнаш. Болаларга тушунарли, қизиқарли бўлган воқеабанд ўйинларни ташкил қилиш. Ўйинда мусиқага мос ҳаракатланиш, нутқ, тасаввур ва тафаккурни ривожлантириш, болалар чолғулари, ўйинчоқ ва қўғирчоқлардан фойдаланиш.



Болаларнинг машғулотлардан олган билимларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида «Куйини топ», «Дўстингни овозидан таниб ол», «Халтачада нима бор», «Қайси чолғу яширинган», «Қуш ва қушчалар», «Ўрмонда» каби мусиқавий-дидактич ўйинларни машғулот вақтида ва мустақил фаолиятлари давомида гурух хоналаридаги мусиқа бурчакларида ташкил этиш.

4 ёшли боланинг эгаллаш лозим бўлган билим кўникма ва малакалар  
-Турли ҳил мазмун ва кайфиятдаги мусиқани тинглаш, эслаб қолиш;  
-Тингланган куйларни таниб олиш ва уларнинг бастакори номини билиш.

-Күй, қўшиқ ва рақс ҳақида тушунчага эга бўлиш.

-Карнай, сурнай, най, ноғора, доира каби халқ чолғу асбобларини таниш ва овозидан фарқлаш.

-Қўнғироқча, шиқилдоқлар, доирача, бубен, металлофон, сунайча, болғача, учбурчак каби болалар чолғуларида чалиш усулларини билиш;

-Биргалиқда куйлай олиш;

-Кўшиқ куйлаш билан бир вақтда ҳаракатлар бажара олиш.

-Ҳаракатли ўйинларда фаол иштирок этиш.

-Турли предметлар билан ҳаракатлар бажаришни уддалаш

## **1.2. Ўрта ёшдаги асосий иш режа**

### **ЎРТА ЁШ (4-5 ёши)**

**Мусиқа тинглаш:** Болаларнинг мусиқа тинглашга бўлган иштиёқларини қўллаб қуватлаш ва ривожлантириш. Тингланган асарнинг мазмуни ва ҳарактерини ажратса олиш, бу ҳақида сухбат қуриш ва ўз таъсуротлари билан ўртоқлашишга ўргатиш. Кўй товуш ва оҳанглардан тузилиши ҳақида тасавурга эга бўлиш. Болаларни мусиқий асарнинг 2 ва 3 қисмли шакли билан таништириш, қисмлар ўзгаришини фарқлашга ўргатиш, фортелияно, гижжак, чанг, қонун каби чолғулар билан таништириш, улар ижросидаги куйлардан баҳраманд қилиш.

**Мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажариш:** Мусиқа асарларининг қисмлар ўзгаришига мос ҳаракатларни ўзгартириш, марш, қўшиқ, рақс куйларига мос ҳаракатларни мустақил бажариш, бошловчининг кетидан мусиқага мос юриш, югуриш ва сакраш. Рақс ҳаракатларини мустақил равишда аниқ бажариш, қўл ҳаракатларини эркин ва майин бажаришга ўргатиш. Гурух бўлиб, кичик гурухларга бўлинниб, якка ҳолда ҳаракатланишга ўргатиш, хонанинг бир қисмидан иккинчи қисмига (марказдан бурчакка, ўнгдан чапга ва ҳ.к.) ўтишда ўз ҳаракатларини бошқара олиш, рақс ҳаракатларининг номларини билиш ва аниқ бажариш.

4-5 ҳаракатни кетма-кет, ўзаро бир бирига боғлаб ҳамда мусиқага мослаб ижро эта олиш. Рақсларда кайфиятларни билдирувчи ҳаракатлардан «йўқ», «аразлаш», «ярашиш» ва ҳ.к. ифода этиш, юз, кўз имо-ишорасининг берилган кайфиятга мос бўлишига ўргатиш.

**Қўшиқ айтиш:** Қўшиқнинг сўзларини аниқ ва дона-дона талаффуз этиш, ижрочилик қўнукма ва малакаларини таркиб топтириш, гурух билан биргалиқда куйлаш, ансамбль бўлиб куйлаш ва якка куйлаш қўнукмаларини ҳосил қилиш. Куйлаш вақтида елка, бош ва оёқларни тўғри тутиш ва тўғри нафас олишга ўргатиш. Болаларнинг овозларига шикаст етказмай, секин-аста ривожлантириш. Қўшиқ репертуарини болаларнинг ёшига мос турли мавзудаги қўшиклар билан бойитиб, уларнинг нутқ ва тафакур, теварак

атроф, байрам ва сайллар, урф-одатлар ҳақидаги билимларини бойитиб бориш.

**Болалар чолғуларида чалишга ўргатиши:** Металлофон, ксилофон, доирача, учбурчак, ёғоч қошиқлар, ликобчалар ва турли ясама ўйинчоқ-чолғуларда чалишга ҳамда уларни овозидан фарқлашга ўргатиши. Номусиқий ва мусиқий товушлар ҳақида тушунча бериш ва уларни фарқлашга ўргатиши;

**Ўйин:** Болаларни чаққонлик, зийракликка чорлаш билан бир вақтда мусиқани диққат билан тинглашга ўргатувчи «Рўмолнчани узат», «Тулки ва товуқлар», «Қуёнлар ва айик» ўйинларини ўйнатиши. Давра қўшиқларида мустақил ҳаракатланишига ўргатиши.

Мусиқий-таълимий ўйинлардан «Қўшиғимни давом эттири», «Исмингни қуйлаб бер», «Қайси чолғу яширинган», «Куйини топ» ва ҳ.к. ўтказиши.

5 ёшли бола билиши лозим бўлган билим қўникма ва малакалар:

- болалар чолғуларида ижро этиш усулларини билиш;
- болалар чолғуларини овоз тембридан фарқлай олиш;
- болалар чолғулари оркестрида ижро этиш;
- ўз ҳарқакатларини мусиқа темпига мослай олиш.
- хор бўлиб, ансамаль ва якка куйлай олиш;
- фортелияно, ғижжак, чанг, қонун чолғу асбобларини қўриниши ва овозидан фарқлашномларини билиш.

### 1.3. Катта ёшдаги асосий иш режа *KATTA ЁШ (5-6 ёши)*

#### Мусиқа тинглаш:



Болаларда мусиқа тинглашга иштиёқни қўллаб қувватлаш ва ривожлантиришда давом этиши. Мусиқа асарининг кайфияти, ҳарактерини мустақил фарқлаш, таъсуротлари ҳақида ҳикоя қилишга ўргатиши. Вокал ва чолғу асарларидан баҳраманд қилиш ва бу жанрлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш, уларни фарқлашга ўргатиши. Марш, қўшиқ ва ракс ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Ўзбек халқ қуйлари билан таништириб бориш. Доира ва ноғора садоларидан баҳраманд қилиш, қайроқ, тахта қарсак билан таништириш;

**Мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажариш:** Мусиқанинг темпи, ритми, ҳарактерига мос ифодали ҳаракатланиш. Куй қисмлари алмашишига қараб ҳаракатларни ўзгартира олиш.

Енгил, пружинасимон юриш, югуриш, сакраш, олдинг ва орқага, ёнга қадам ташлаш, олдинга ҳаккалаш, рақс ҳаракатларини сифатли бажаришга ўргатиш. Мусиқа остида қаторларга сафланиш ва машқлар бажариш, қаторлардан доирага шаклига ўтиш, катта ва кичик доиралар ҳосил қилиш, бир нечта кичик доирачаларга бўлинишга ўргатиш. Болаларга ўзбекча рақслар билан бир қаторда турли халқлар рақсларини ўргатиш. Болаларда рақсга оид ижодкорликка ундаш ва унинг намоён бўлишини рағбатлантириш ва қўллаб қувватлаш.

**Қўшиқ куйлаш:** Болаларда ифодали, соф ва табиий овозда куйлашга ўргатиш. Болаларнинг овозининг ёш ҳусусиятларини ҳисобга олиб репертуар танлаш. Тўғри нафас олиш ва куйлаш қўникма ва малакаларини шакллантириш. Кичик ансамбль бўлиб куйлаш, солист билан куйлашга ўргатиш. Куй оҳангини тўғри ижро этилишига эришиш.

**Болалар чолғуларида чалишга ўргатиш:** Доира, ногора, сафойил, кутича, тахта қарсак каби чолғулари ва уларда ижро этиш усуллари билан таништириш, овозидан фарқлашга ўргатиш. Катталарга жўр бўлиб зарбли оркестр ҳосил қилиш. Болаларда чолғучиликка оид ижодкорликни шакллантириш.

**Ўйин:** Қўшиқларни саҳналаштириш, давра қўшиқларида сўз, мусиқа ва ҳаракатларнинг бир-бирига мос бўлишига эришиш. Ўйинларда мусиқа машғулотининг барча бўлимларидан олинган билмимларни мужассам ҳолда намоён этишга ўргатиш. Образли ҳаркатларни бажаришда болаларни умумийликдан мустақил ва якка бажариш сари бошлиш. Болаларда образли тасаввур қилиш, мустақил фикрлаш, ижодкорлик каби ҳусусиятларни шакллантириш ва ривожлантириш.

*6 ёшли бола билиши лозим бўлган билимлар:*

- Мусиқа асарининг шаклини мустақил аниқлай олиш.
- Тингланган асарларнинг номи ва ижодкорларини билиш.
- Мусиқа асарининг мазмунини тушуниш ва кайфиятини фарқлаш;
- Бир октава оралиғида ноталарни билиш, товушқаторини куйлаш.
- Вокал ва чолғу мусиқасини фарқлаш.
- Оркестр, симфония, опера ва балет жанрлари ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш.
- Кўшиқ номи ва бастакорини билиш.
- Мусиқага мос мустақил ҳаракатлана олиш.
- Куй қисмлари ўзгаришига қараб ҳаракатларни ўзгартириш.



-чолғу асбобларини  
фарқлай олиш.

-Болалар чолғуларида  
ижро усулларини билиш.

-Мустақил образлы  
харакатлар ўйлаб топа олиш ва  
бажара олиш.

-Байрам эрталиклари ва  
кўнгил очиш соатларида фаол  
иштирок этиш.

#### **1.4. Мактабга тайёрлов ёшдаги асосий иш режа**

##### *Мактабга тайёрлов даври (6- 7 ёши)*

**Мусиқа тинглаш:** Мусиқа асарининг гўзаллигини идрок этиш, мазмунини тушуниш, ёрқин ифода воситаларини фарқлаш, мусиқанинг 2-3 қисмли шаклини мустақил фарқлай олишга, асарнинг кириш қисми, банд ва нақорат қисми, шунингдек хотимасини фарқлашга ўргатиш. Мусиқа воситасида болаларнинг ички дунёсини бойитиш, уларда эстетик дидни шакллантириш. Ўзбек мумтоз ва замонавий шунингдек, жаҳон мумтоз мусиқаси наъмуналаридан болаларни баҳраманд қилиш. Марш, қўшиқ, рақс жанридаги асарларни мустақил фарқлаш. Асарда берилган образни мусиқий-интонацион ривожланишини кузата олишга ўргатиш. Дутор, рубоб, қонун, танбур каби чолғу асбоблари ижросида куйларни тинглаш ва овозидан фарқлашга ўргатиш. Болаларни жонли ижро билан бир қаторда аудио ва видео тасмаларга ёзилган куй ва қўшиқлар, диафильм, шеърият наъмуналари, бадиий сўздан баҳраманд қилиш. Болаларнинг ёшига мос ва уларга тушунарли мазмундаги опера ва балет асарлари, халқ чолғулари оркестри ва ансамбли иштирокидаги концертлар, санъат музейларига олиб бориш.

**Мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажариш:** Рақс ҳаракатларини аниқ ва мусиқага мос бажариш. Рақслардаги безак элементлари билан танишириш ва уларни бажаришга ўргатиш Юриш, югуриш, сакраш, олдинга ва ёнга ҳаккалаш каби ҳаракатларга оёқ тўпиллатиш, чапак чалиш каби безак элементларини қўшиб бажаришга ўргатиш. Мусиқа остида қаторларга сафланиш, бир қатор бўлиб юриш ва югуриш, катта ва кичик доира қуриш каби ҳаракатларни мустақил бажариш. Давра қўшиқларининг матнига мос ҳаракатларни мусиқага ҳолда мустақил бажариш ва фаол бўлиш.

**Қўшиқ куйлаш:** Болалар овозини шикастланишдан асраб ривожлантириш. Тўғри нафас ва тўқри куйлаш малакаларини

шакллантириш. Болаларнинг ёшхусусиятлари ва овоз диапазонларини хисобга олиб репертуар танлаш, қўшиқ матни ва оҳангини асниқ ифода этиш. Чолғу асбоби жўрлигисиз куйлай олиш. Қўшиқнинг банд ва нақорот қисмларини фарқлай олишга ўргатиш. Болаларда қўшиқ ижрочилиги, чолғучилик ва актёрлик қобилиятларини мужассам ривожлантириш.**Болалар чолғуларида чалишга ўргатиш:**

Жамоа бўлиб ижро этиш малакаларини ивожлантириш билан бирга ансамбль бўлиб ижро этишга ўргатиш. Ижрони баравар бошлаб, биргалиқда яқунлаш. Куйни мустақил ижро этиш қўникмасини ҳосил қилиш. Болаларда чолғучиликка оид ижодкорликни ривожлантириш.

**Ўйин:** Мусиқий ўйинларда куйлаш, ансамбль бўлиб ва якка куйлашни қамраб олиш. Саҳна нутқи, яъний ифодали ва аниқ талаффуз қилишни ва саҳна харакати эркинлигини шакллантириш. Ушбу мақсадда айrim эртакларни саҳналаштириш, мусиқалаштиришга эътибор қаратиш.

Харакатли ўйинлар орқали дикқат-эътибор, чаққонлик ва зийраклик, харакатлрни мусиқага мослаш каби сифатлар билан бирга болаларни жисмоний ривожлантириш. «Оқ теракми, кўк терак», «Дор ўйин», «Бойланди» шулар жумласидандир.

Болаларда мусиқий-таълимий ўйинларга бўлган қизиқишини орттириш. Ушбу ўйинларда болалрнинг мусиқий билимларга ўргатиш, олинган билмиларни мустаҳкамлаш билан бирга ўйинларда зийракликни ивожлантирадиган вазифаларни қўйиш. Мусиқий-таълимий стол ўйинларидан «Мусиқали лото», «Кайфиятлар», «Узун, қисқа таёқчалар», «/адир-будир ноталар», «Ноталарнинг уйчаси» кабиларни, оғқзак ўйинлардан «Денгизми, ирмоқ», «Ўрмонда», «Уч айик», «Бармоқлар», «Нечага санаймиз» ўйинларини ўйнатиш мумкин.

*7 ёшли бола қуидагиларни билиши керак:*

- куйлаш ва харакатланишни мусиқага мослай олади.
- товушларнинг баландлик, тембр, чўзимлилик ҳусусиятларини эшитиш орқали фарқлади.
- маълум рақс ҳаракатларини эгаллайди.
- жамоа бўлиб ва якка рақсга туша олади.
- ўйин, рақс ва машқларда мимик ҳаракатларни акс эттира олади.
- ўзбек халқ чолғу асбобларини кўриниши ва овоз тембрига кўра фарқлади.
- болалар чолғулари ансамбли ва оркестрида ижро этиш малакаларини эгаллайди.
- тингланган ва қуйлаётган куй ва қўшиқларини мазмунини англайди ва баён этади.

-тўрли мусиқий ўйинларни мустақил ташкил эта олади.  
-байрам эрталикларида фаол иштирок этади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

- 1.Мусиқий ўйинларни ўтказиш методикаси;
- 2.Болаларда мусиқий-таълимий ўйинларга бўлган қизиқиши  
орттириш методикаси;
3. 7 ёшли болаларни куйлаш кўникмаси қандай талабга жавоб бериши  
лозим:
- 4.Кичик ёшдаги асосий иш режа
- 5.Ўрта ёшдаги асосий иш режа
- 6.Катта ёшдаги асосий иш режа
- 7.Мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажариш
- 8.Болалар чолғуларида чалишга ўргатиш
- 9.Кўшиқларни саҳналаштириш
10. 6 ёшли бола билиши лозим бўлган билимлар:
- 11.Мактабга тайёрлов ёшдаги асосий иш режа
- 12.Мусиқа тинглаш:
- 13.Мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажариш методикаси
- 14.Болалар овозини шикастланишдан асраб ривожлантириш;
- 15.Болалар чолғуларида чалишга ўргатиш;

## **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАРИ**

- 1.“Болажон” таянч дастури :Тошкент.-2016
- 2.М. Икромова “Давра чорлар болажон”
- 3.М. Икромова”Дўмбоқчалар куйлайди”
- 4.М. Каримов, М. Икромова ”Рақс элементлари орқали болаларни  
жисмоний ривожлантириш”

## **2-МАВЗУ: БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ СҚЕНАРИЙСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЎТКАЗИШГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

### **РЕЖА**

1. Мактабгача таълим муассасасида байрам эрталиклари ва ўйин кулги кечалари.
2. Мусиқали таълими ўйинлардан байрам эрталиклари ва кўнгил очиш соатларида фойдаланиш.



### **2.1.Мактабгача таълим муассасасида байрам эрталиклари ва ўйин кулги кечалари**

Мусиқа машғулотларда фасллар, байрам ва тадбирларга оид мусиқа асарлари устида ишлаш. Байрам ва тадбирлар сқенарийсини ишлаб чиқиш ва ўтказиш

бўйича мусиқа раҳбари олдига турган вазифалар ҳамда уларга қўйиладиган талаблар. Мактабгача таълим муассасаларидағи эрталиклар ва байрамлар давлатимизнинг муҳим воқеалари билан боғлиқ тарзда ташкил этилади. Турли хил байрамларга бағишлиланган эрталикларда болалар мамлакатимизнинг муҳим саналари ва байрамлари билан танишиб борадилар.

Бундай эрталикларда мусиқа асосий ўринда туради. Бундай эрталикларда болалар қўшиқ куйлайдилар, рақсга тушадилар, болалар мусиқий чолғуларида ижро этадилар. Бундай эрталиклар учун атайлаб сқенарийлар ёзилади. Сқенарийлар мавзуси байрам руҳига яқин бўлиши, турли хил шеърлар, куй ва қўшиқлардан ташкил топган бўлиши керак.

Демак, байрам эрталикларидаги репертуар хилма – хил бўлмоғи лозим. Танланадиган репертуарнинг мазмуни байрам мазмуни билан ҳамоҳанг бўлиши муҳим.

Давлатимиз байрамларидан ташқари мактабгача таълим муассасаларида хайрлашув кечалари ҳам ташкил этилади. Бунда асосан, тайёрлов

гурӯхлари болалари иштирок этиб, улар боғча билан ҳайрлашиб мактабга йўлланма оладилар.

Байрам

эрталикларидаги сценарий мусиқий фон остида намойиш этилади. Шунинг учун мусиқа раҳбари ҳар



бир ҳодиса ва ҳолатлар учун мос бўлган мусиқа намуналарини танлаши ўта муҳим шартлардандир. Бундан ташқари кеча ўtkазиладиган залларни ҳам байрам кайфиятига мос жиҳозлаш даркор. Юқоридаги шартларни бажарилиши байрам эрталикларини кўтаринки руҳда ўtkазилишини таъминлайди.

Мавсумий: Ҳосил байрами(Меҳржон); Арча байрами; Наврўз байрами; Гуллар ва қушлар байрами. Ушбу байрамлар ҳалқ оғзаки ижоди намуналар асосида ташкил қилинади. Йилма йил болаларнинг ушбу байрамлар, уларнинг ҳар бири билан боғлиқ бўлган ҳалқимизнинг маданий, миллий анъана ва урф-одатлари ҳақида олган билимлари кенгайиб боради. Ижтимоий-сиёсий: Мустақиллик куни; 21-октябрь - Ўзбек тилига давлат мумтоз мусиқа и берилган кун; 8-декабрь-Конституция куни; 14-январь- Ватан посбонлари куни.

Байрамларни катталар болалар учун тайёрлайдилар. Ҳар бира байрамнинг «оилавий» қисми бўлиб, у гурӯх хонасида, аксарият ҳолларда ота-оналар иштироқида ўтади.

Ҳар бир байрамда:

\* байрам мазмунига мос ўйинлар ташкил қилинади, шеър, қўшиқ ва х.к. айтилади;

\* болалар ва катталар учун кўнгил очиш соатлари ўтказилади;

\* сир тутилган дақиқалар, эсадалик совғалари ташкил қилинади;

Бола мактабгача таълим муассасасига қадам қўйган давридан бошлаб, йилма-йил бир жадвал асосида байрамлар ташкил қилиб борилади. Бу катта мактабгача ёшдаги болаларга:

\*ҳар бир байрамга олдиндан ўзларини тайёрлаб бориш;

\*байрамни ташкил қилиш ва ўтказишида ташаббус кўрсатиш;

\*байрам тадбирида ўзини эркин ва ишонч билан тутиш имконини беради

Катта мактабгача ёшдаги болалар байрамга энди «истеъмолчи» сифатида эмас, балки, меҳмонлар, ота-оналар, кичик ёшдаги болалар учун байрамни «ташкил қилувчилар» сифатида борадилар.

Бу вазиятда болалар ўзларини артистлар, яъни атрофидагиларга қувонч ва лаззат улашиш учун меҳнат қилувчи инсонлардек ҳис қиласидилар. Кичик ёш даврларида улар бу ишни ҳали улдалай олмас эдилар. Катта мактабгача ёшга етиб болалар концерт, спектакль (қўғирчоқ театри ёки ролли и жро), кўнгил очишлар, кўрик-танловлар, сюрпризли чиқишлирни ташкил қила оладилар.

## **2.2.Мусиқали таълимий ўйинлардан байрам эрталиклари ва кўнгил очиш соатларида фойдаланиш.**

Байрам эрталиклари ва кўнгил очишлар болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятга йўналтириш манбайи бўлиб хизмат қиласидилар. Байрам эрталиклари – бу ҳар бир болага ҳурсандчилик олиб келувчи, ҳаяжонга соловчи ва уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қолувчи ҳодисадир.

Байрам эрталиклари сценарийлари ўз ичига турли кўринишдаги фаолиятларни олади. Бунда болалар қўшиқ айтадилар, рақсга тушадилар, шеърлар ёдлайдилар, болалар чолғулари оркестрида ёки якка тарзда чаладилар. Барча ёшдаги болалар билан ўтказиладиган байрам эрталикларида мусиқавий – дидактик ўйинларни ўтказиш мумкин. Бу ўйинлар машғулотлар ва бўш вақтларда ўтказилганлиги сабабли болаларга яхши танишдир. Шунинг учун ҳам уларга янгина кўриниш ва шакл бериб, байрамона безатилган ҳолда ташкил этилиши лозим.

Эрталиқда шунингдек янги, болаларга таниш бўлмаган ўйинни ҳам ўтказиш мумкин. Бундай ўйинларнинг мазмуни болаларга таниш мусиқий материаллар асосида тузилса бас. Кўпгина мусиқавий – дидактик ўйинларни совға ўрнида ҳам киритиш мумкин. Бундай ўйинлар болаларга совғалар ва х.к. тарқатиш билан боғланади. Масалан, масҳарабоз парда ортида турли чолғуларда чалади, болалар чолғуларни ововзидан фарқлаб, номларини айтадилар. Сўнгра, масҳарабоз ушбу чолғу асбобларни барчасини бир вақтда жарангланини тинглаб кўришни таклиф этади ва бу ҳол қандай номланишини болалардан сўрайди. Болалар: «Оркестр» деб жавоб берадилар. Шундан сўнг катта гурухлар тарбияланувчиларидан ташкил топган болалар чолғулари оркестрининг чиқиши тингланади. Ёки, кичик гурухлар тарбияланувчиларининг эрталигига Шумбона (катта гурух боласи) меҳмонга келади. У металлофонда болаларга таниш бир нечта қўшиқлар оҳангини чалади. Кичкинтойлар буни қайси қўшиқ эканини топадилар.

Сўнг, Шумбала ноғорача ёки доира ёки барабан чалиб, чалинаётган чолғу асбоби шаклидаги кичик қутичаларга жойланган совғаларни тарқатади.

Эрталикларга сценарий тузатган вактда, унга барча болаларни жалб



қилиш шартлигини ёдда тутиши лозим. Ҳар бир боланинги фаол иштирок этиши, кейинчалик унинг мустақил фаолияти давомида ўз аксини топади.

Келган меҳмонлар қархисида тортинчоқлик намоён қилувчи болалар, бошловчи таклиф этган мусиқавий-дидактик

ўйинларда фаоллик кўрсатадилар. Табиийки мусиқавий – дидактик ўйинни эрталик мавзусига кўра танлаш ва дастурига мослаштириш лозим. Яъни, ўйин алоҳида чиқишлиар билан боғланиши ва сценарийнинг умумий, яхлитлигини таъминлаши лозим.

Масалан, янги йил байрам эрталигига Қорбобо билан биргаликда ўрмон хайвонлари ҳам меҳмонга келадилар. Қорбобо болаларга ўзи билан қайси ўрмон хайвонларини олиб келганлигини топишни таклиф қилади. Болаларга таниш бўлган, турли ҳайвонлар ҳақидаги қўшиқлар куйи бирин-кетин янграйди. Болалар уларни бирин-кетин таниб оладилар. Ҳар бир тўғри жавобдан сўнг, ўрмон ҳайвонининг кириб келиши кичкинагина саҳна кўриниши сифатида ўтказилади.

Кўнгил очиш ҳам худди эрталик каби муассасага ҳурсандчилик, қувонч олиб келувчи тадбирдир. Ҳар бир кўнгил очиш болаларнинг таассуротларини бойитиши, қувноқ ҳисларни уйғотовувчи бўлиши лозим. Мактабгача таълим муассасасида турли кўринишдаги театр томошалари, диафильмлар ва мультфилмлар томошалари, туғилган кунлар, адабий-мусиқий кечалар, болалар ижодиёти кўриклари, эртакларни саҳналаштириш каби кўнгил очишларни ташкил этиш мумкин.

Кўнгил очишларга шунингдек, турли мусиқавий-дидактик ўйинларни ҳам киритиш мумкин. Болаларнинг ёшларига мос ва улар учун қулай бўлган шакл – ўйин шаклида олган билимларини мустаҳкамлаш, болалар оркестри ижросида ёки грамёзувда тинглаган мусиқани таниб олиш, унинг номи ва басткаорининг исмини айтиш каби топшириқлар асосида дастурда белигалингган мақсад ва вазифаларни амалга оширилишига эришиш мумкин.

Шундай қилиб, кўнгил очишларда мусиқавий-дидактик ўйинларни кўллаш болаларни ижодий жараёнга фаол жалб қилиш имконини беради.

Кўнгил очиш болаларнинг ўқув йили давомида олган билимларининг якуни сифатида ҳам ташкил этилиши мумкин. Масалан, «Мусиқали конкурс» ана шундай тадбир сарасига кириши мумкин. Бундай конкурсни ҳар бир ёш гуруҳи билан ўқув йилининг охирида йил давомида олинган билимларни назорат қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилиши тавсия этилади. Қуйида эътиборингизга ушбу конкурсанни ташкил қилиш ва ўтказиш режасини таклиф этамиз.

### **“Мусиқали конкурс”**

**Тайёргарлик даври:** болалар кўнгил очишгача бўлган даврда икки командага бўлиниб, ўз командаларини номлайдилар, тарбиячи билан биргаликда керакли атрибут ёки кўкрак нишонларини тайёрлайдилар, сардорларни сайлайдилар.

<b>№</b>	<b>Топшириқ мазмуни</b>	<b>1-команда</b>	<b>2 – команда</b>
1	Мусиқа асарини аниқлаш	«Касал қўғирчок» П.Чайковский	
2.	Чолғу асбобини аниқлаш (команда сардорлари учун)	Рубоб	
3	Кўшиқни кириш қисмидан аниқлаш. «Қувноқ соат» дидактик ўйинидан фойдаланиш	«Тинчлик бўлсин» М.Икромова	
4.	Кўшиқни бутун команда билан биргаликда ижро этиш	«Қадим Турон» Н.Норхўжаев	
5	Таниш кўшиқнинг ритмик тасвирини ифодалаш	Ритмик таёқчалар билан	
6	Янги куй ўйлаб топиш	Рақс куйи	
7	Асар ҳарактерини аниқлаш	А.Ливиев «Кичик вальс»	
8	Рақсда ким ўзар	Ҳар икки команададан биттадан вакил рақс тушадилар, рақс ҳаракатлари кўпроқ кўрсатган ва аниқроқ ижро этган вакил ғолиб бўлади	
9	Мусиқа асарининг қисмини аниқлаш (кириш, куплет, нақорат)	М.Дадабоев «Ўзбекистон мустақил»	
10	Кўшиқ композиторини топиш	Д.Омонуллаева «Этикчам»	

11	«Кимнинг оркестри яхшироқ» мусиқавий дидактик ўйини	Болалар ўз истакларига кўра чолғуларни танлайдилар	
12	Таниш қўшиқ ёки айтимни фланелеграфдаги ритмик тасвирга қараб аниқлаш	Фланелеграфда йўғон ва ингичка карточкалар воситасида «Куёним» ва «Читти гул» ўзбек халқ айтимларининг ритмик тасвири ифодаланади	
13	Маълум бир композиторнинг қўшиқ ларини бирма-бир айтиб бериш	М.Икромова	Н.Норхўжаев
14	Ким яхшироқ қўшиқ айтади (сардорлар учун топшириқ)	Истакларига кўра қўшиқлар	

### Тадбирнинг бориши:

Бошловчи ҳар бир команда бир вақтда ёки бирин-кетин у ёки бу топшириқни бажаришни таклиф этади. Юқорида тахминий савол ва топшириқлар берилган. Ҳар бир мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари ва тарбиячи педагоглари ижодий ёндошган ва тарбияланувчиларнинг имокниятларидан келиб чиқсан ҳолда, шунга ўхшаш топишириқларни ўйлаб топишлари мумкин.

Болалар ҳайъат аъзолари билан таништириладилар. Унинг таркибига муассаса раҳбари, методист, тарбиячи ва икки нафар тарбияланувчи киритилиши мумкин. Болаларга икки команда ўзаро беллашиши, ҳар бир тўғри бажарилган шарт ёки тўғри жавоб учун команда биттадан фишка билан тақдирланиши тушунтирилади.

Конкурс якунида ҳар бир команданинг тўплаган фишкалари сонига кўра ғолиб команда аниқланади ва маҳсус шириналлик билан тақдирланади.

Изоҳ: 1) бир тадбир давомида болалар 7-8 топшириқни бажарадилар; 2) агар сардор топшириқни уddyалай олмаса, унинг командасидан бирор иштирокчи ёрдамга келиши мумкин; 3) топшириқлар орасига ўйин-аттракционларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### “Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!” (байрам эрталиги ишланмаси)

**Байрам эрталигининг мақсади:** Болаларни мустақил Ўзбекистон ҳақидаги тасавурларини бойитиш, кичкинтолар қалбида ўз Ватанига, она халқига, шу билан бирга, бутун инсониятга меҳр-муҳаббат уйғотиш.

**Иштирокчилар:** катта ва мактабга тайёрлов гурух тарбияланувчилари

**Керакли жиҳозлар:** Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, шарлар, рангли ленталар, байроқчалар, рангли қоғоз ёки матолар.

**Ўтказиши жойи:** Мактабгача таълим муассаса ҳовлиси.

**Бошловчи:**

— Мустақил диёрмиз, миллат, Ватанмиз.  
Юрт ишқи, халқ, меҳри қалбда намоён.  
Онам - Ўзбекистон, бир жону танмиз,  
Улут Истиқолинг қутлайди жаҳон.

Хурматли меҳмонлар ва касбдошлар! Бугун сизлар билан ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигини тантанали байрам қилиш учун йигилдик. Барчангизни ушбу байрам билан табриклаган ҳолда даврага жажжи кичкитойларни таклиф этаман.

Мусиқа садоси остида болалар қўлларида каптарлар ва шарлар билан кириб келадилар ва мусиқий композицияни намойиш этадилар.

### **Султонали Раҳматовнинг “Ўзбекистон” мусиқаси**

Болалар композицияни ижро этганларидан сўнг белгиланган жойларига  
бориб ярим доира бўлиб турадилар.

**БОЛА:** Ҳар сахар янграган  
Улут Мадҳиям.  
Ҳар сатри хикматга  
Тўлиқ Мадҳиям.  
Энг гўзал қўшиғи  
Озод элимнинг,  
Муқаддас Мадҳиям,  
Қутлуг Мадҳиям.

### **Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси янграйди**

**Бошловчи:** Болажонлар Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат рамзлари бўлмиш – байроқ, герби, мадҳиясига эга.

**Бола:** “Байроқча ”

(М. Аскархўжаева)  
Байроғимизга қаранг — яшил, оқ ва ҳаво ранг  
Мустақилликни ёқлаб турибди у ҳирпираб.  
Юлдузлар ва янги ой байроқка бериб чирой,  
Осмон узра ялтирас, узоқлардан кўринар.

**Бола:** “ Тамға “

(И. Йўлдошева)  
Тамғамизга бир қаранг, товланади ранг—баранг  
Унга беради чирой, тепасидаги ҳилол ой  
Бир томони пахтазор, қуёш нурин сочади

Амударё, Сирдарё, чанқоғингиз босади  
Ўртасида Хумо қуш, бизга омад тилайди.  
Ўзбекистон номини жаҳон ичра тарайди

### **Болалар билан ўйин ўтказилади, байроқни ясаш.**

(тарбиячининг ихтиёрига кўра рангли матолардан ёки рангли қоғозлардан)

**Бошловчи:** Бугун катта байрам Ўзбекистон республикаси ўз мустақиллигига эришган кун. Мустақиллигимиз бугун 26 ёшга тўлган кун. Барчангизни ушбу байрам билан чин қалбимиздан табриклаган ҳолда, байрамга тайёрланган куй қўшиқлар ва шеърлардан баҳраманд бўлинг...марҳамат...

### **Бола: Ўзбекистон**

Ўзбекистон—

Нурли бўстон,

Номинг сенинг—

Тилда достон.

Жаҳон ичра

Ягонасан,

Халқинг улуғ,

Мардонасан.

(Махмуджон Дадабоев)

### **Аваз Мансуровнинг “ВАТАН” қўшиғи ижро этилади**

**Бола: Кенжа авлод қўшиғи**

Лим—лим тўлди баҳт жоми

Етдик дорул замонга

Хумодек “Ўзбек”номи

Канот ёйди жаҳонга.

Истиқлол—Озод ватан

Қуёшига ташаккур!

“Соғ бўл, авлодим!”деган

Юртбошига ташаккур!

(Маъмур Қаҳҳор шеъри)

**Бошловчи:** Президентимиз Ш.М.Мирзиёев жорий йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилдилар. Ҳар бир юртда адолат хукм сурса халқ баҳтиёр бўлади, миллат равнақ топади. Кўриб турибмизки, Президентимиз болаларнинг соғлом, бақувват бўлиб ҳар томонлама комил инсон этиб тарбияланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб беряптилар. Бу ҳам бўлса инсон манфатларини ҳимоя қилишнинг энг олий мезони эканидан далолатdir.

**Бола:** Мен ҳар куни катталардан, телевизордан “Ҳаракатлар стратегияси” деган гапни эшитяпман. Бу нима дегани ўзи, нега шу ҳақида гапиришганда камалакдай рангларни кўрсатишяпти?

**Бошловчи:** Бу жиддий саволингизга жавобимиз шундай. Мана сиз ҳар куни мактабгача таълим муассасасига келасиз, кун тартибига риоя қиласиз, турли ўйинларни ўйнайсиз, машғулотларда қатнашасиз. Тарбиячи опангиз берган топшириқларга уйда ота-онангиз, буви-бобожонларингиз билан жавоблар топасиз. Биз яшаётган Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳам яқин 5 йил ичидаги ҳар томонлама ривожланиши учун режа тузган. Бу катта режа Ватанимизнинг, бизнинг ва сиз азиз болажонларимизнинг келажагимиз учун хизмат қиласиди. Танланган режамиз эса “Ҳаракатлар стратегияси” деб аталади. Ўзбекистон қандай ривожланади дерсиз. “Ҳаракатлар стратегияси” нинг рамзий тимсолида унга ажойиб жавоб берилган. Сиз камалакка ўхшатган тимсолларни болажонларимиз таърифлаб беришади.

**1-бола:** Осмонга ўхшаган тимсолнинг биринчи ранги бу кўк рангда. Бу ранг мусаффо осмон ва зилол сувни эслатади. Кўк рангдаги режада Ўзбекистоннинг ривожланиб, кучли давлат бўлиши учун жамият, яъни ҳамма одамлар баравар иштирок этсин, деган эзгу тилак бор. Дарвоҷе буюк Соҳибқирон Амир Тимур давлатининг байроғи ҳам кўк рангда бўлган.

**2-бола:** Тимсолнинг иккинчи ранги эса сиёҳ рангда. Сиёҳ ранг, устиворлик,adolat ранги, тараққиёт режасида, одамлар қонун-қоидаларга амал қилиб яшасин, суд ва хуқуқ идоралари,adolat ва одиллик билан муаммоларни хал этишга ёрдам беради, дея ишонч билдирилди.

**3-бола:** Тилланинг ранги қанақа, сариқ албатта. Учинчи ранг, бойлик ва қудрат, иқтисодиёт рангидир. Ўзбекистоннинг иқтисодиёти кучли бўлса, тадбиркорлар кўпайса, бозорларимизда сизга ёқадиган ҳамма нарса мўл бўлади. Оилангиз дастурхони бут, ота-онангиз пуллари ҳам кўп бўлади.

**4-бола:** Ҳаракатлар стратегиясининг кейинги ранги, томиримизда оқиб турган хаётга ўхшайди, яъни қизил рангда. Бу дегани, жамият хаёти ривожланади, яъни бизнинг соғлом катта бўлишимиз, чиройли уйларда яшашимиз, замонавий боғча ва мактабларга боришимиз учун Ватанимиз доимо ҳаракат қиласиди.

**5-бола:** Охирги ранг, бизнинг орзуларимиздек оппоқ, ўзимиздек беғубор. Бу ранг нимани англатади? Ўзбекистонда одамлар бир-бирини ҳурмат қиласиди, ахил ва иноқ яшайди, худди биз тенгдош болаларни дўстларимиздек билганимиз каби, Ўзбекистон ҳам, узок яқин давлатлар билан, яқин ҳамкорлик қилишни режа қилган.

**Бошловчи:** Ҳозир қизларимиз ана шу камалаклар рангидаги ленталар билан рақс ижро этадилар.

## **Рангли ленталар билан рақс. Шухрат Зокировнинг “Вальс” мусиқаси**

**Бошловчи:** Болалар, Ўзбекистон бу бизнинг туғилиб ўсган юртимиз. Ким айтади, Республикамиз Ўзбекистоннинг пойтахти қайси шаҳар? (болалар жавоби) Тўғри, Тошкент. Тошкент шахрининг кундан-кун чиройига-чирой қўшилмоқда. Янги-янги уйлар, осмонўпар бинолар, чиройли, равон йўллар қурилмоқда. Болажонлар Жонажон ўзбекистонимизда яна қандай вилоятлар бор? Биласизларми? (болалар жавоби)

**Бошловчи:** Ҳозир ўртоқларингиз ижросида севимли Ўзбекистонимизнинг чиройли гўшалари ҳақида шеърлар тинглаймиз.

**Бола:** Пахта экиб донг таратган, меҳнат билан баҳт яратган.

Боғларинга гул ярашган, озод ўлкам обод ўлкам.

Ўзбекистон , Ўзбекистон !

**Бола :** Кўркам Тошкент сенга пойтахт, истиқлолга тўлгин ҳар вақт.

Кучоғингда кулгандир баҳт, яшил шаҳар бағринг баҳор.

Ўзбекистон , Ўзбекистон !

**Бола :** Боғларга бой кенг Самарқанд, узумлари шакар пайванд.

Ундан бутун эл баҳраманд , боғларинг соз тўқиндир ёз .

Ўзбекистон , Ўзбекистон !

**Бола:** Қашқадарё буғдойлари , роса пишса ёз ойлари .

Шунда фермер саройлари , тўлар донга тоғ хирмонга.

Ўзбекистон , Ўзбекистон !

**Бола :** Кўҳна шаҳар Шахрисабзинг , Темур қурган оқ саройинг .

Кетди донғи бор жаҳонга, бу ҳур диёр яшнамоқда .

Ўзбекистон , Ўзбекистон !

**Бола :** Туғишган эл Қорақалпоқ, бир мактабда олар сабоқ .

Бахтга мамнун яшар қувнок , сенга ўртоқ йўли порлоқ .

Ўзбекистон , Ўзбекистон !

**Бола :** Қувада ҳам Наманганда ,анор, анжир ғарқ пишганда .

Россияда ейишганда, қилиб роҳат дерлар “ Раҳмат “.

Ўзбекистон , Ўзбекистон !

**Бола :** Намангану, Андижонинг ,Фарғонанг бор сенинг шонинг .

Яшнамоқда тўрт томонинг ,пахта майдон олтинга кон .

Ўзбекистон , Ўзбекистон !

**Бола :** Ёзёвоннинг чўллари бор ,боғу – бўстон ерлари бор .

Бургутлари баланд парвоз , ўтади ёз жуда ҳам соз .

Ўзбекистон , Ўзбекистон !

**Бошловчи:** Баракалла. Ҳозир болажонларимиз ижросида турли вилоятларнинг чиройли рақсларини томоша қилинг.

### **Рақс “Терма”.**

**Бухороча рақс, Хоразм “Лазгиси”, “Андижон полькаси” ва х.к.**

(мусиқа раҳбари ихтиёрига кўра)

**Бола:**Ҳар доим бўлсин қуёш, коинот гулга тўлсин.

Ватанимиз қўйнида, халқлар шод омон бўлсин

Ҳар доим бўлсин қуёш, Ватан нурларга тўлсин .

Истагимиз ягона, тинчлик барқарор бўлсин .

### **Қўшиқ «Азиз бўстон»**

**Дилором Омонуллаева мусиқаси. Мирпўлат Мирзо шеъри**

**Бошловчи:** Порлоқ диёримизнинг эртанги кун сохиблари. Мана байрамимиз ҳам ўз нихоясига етай деб қолди. Болалар, биз яхши ва тинч яшашимиз учун, осмонимиз мусаффо, еrimiz гўзал, гуллар ва ўсимликларга, мева-ю сабзавотларга бой бўлиши, ариқ ва дарёларимизда сувлар оқиб туриши учун доим она табиатимизни асраримиз, унга тўғри муносабатда бўлишимиз лозим.Мен сизларни Ўзбекистоннинг мустақиллик байрами билан яна бир бор табриклиман.

**Якунловчи мусиқий композиция ижро этилади**

**Юздуз Усмонованинг “Ўзбекистон” қўшиғи, Мухаммад Юсуф шеъри**

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

- 1.Мактабгача таълим муассасасида байрам эрталиклари ва ўйин кулги кечалари.
- 2.Мусиқали таълими ўйинлардан байрам эрталиклари ва кўнгил очиш соатларида фойдаланиш.
- 3.Мусиқа машғулотларда фасллар, байрам ва тадбирларга оид мусиқа асарлари устида ишлаш.
- 4.Байрам ва тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқиш ва ўтказиш
- 5.Катта мактабгача ёшдаги болалар байрамини ташкил этиш
- 6.Мусиқали таълими ўйинлардан байрам эрталиклари ва кўнгил очиш соатларида фойдаланиш услубиёти
- 7.Байрам эрталиклари сценарийларини тузиш.
- 8.Болаларнинг қўшиқ айтишлари, рақсга тушишлари ва шеърларни ёддан атиш методикасини шакллантириш
- 9.Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари ва тарбиячи педагоглари ижодий ёндошуви

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов М., Икромова М. “Рақс элементлари орқали болаларни жисмоний ривожлантириш” Т.: “Илм зиё” нашриёт уйи, 2008 й.

2. Намозова Д.Т., Носиров Д.Т. “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий таълим методикаси” Кўкон: 2006 й.
3. Гогоберидзе А.Г. Теория и методика музыкального воспитания детей дошкольного возраста: А. Г. Гогоберидзе, В.А.Деркунская. — М.: Издательский центр «Академия», 2005. — 320 с
- 4.Шарипова. Г. «Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа ўқитиши методикаси». «Чўлпон» Т.: 2007.
5. Зимина А.Н. Основы музыкального воспитания и развития детей младшего возраста.- М., 2000
- 6.РадыноваО. Настроения, чувства в музыке. М;2009
- 7.Закепина М.Б. “Музыкальное воспитание в детском саду.” Москва.: “Мозайка – Синтез”, 2008.

### **З-МАВЗУ: МУСИҚА МАШҒУЛОТЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**

#### **РЕЖА:**

- 1.Мусиқа раҳбарига қўйиладиган асосий талаблар.
- 2.Мусиқаболаларнинг эстетик идрокини шакллантирувчи восита сифатида.

#### **3.1.Мусиқа раҳбарига қўйиладиган асосий талаблар.**

Мусиқий фаолият турлари. Тинглаш, куйлаш, мусиқий ритмик харакатларни бажариш, чолғу асбоблар билан таништириш ва уларга жўр бўлиш, мусиқий дидактик ўйинлардан фойдаланиш. Машғулотнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари ва уларнинг давлат таълим стандартлари ва компетенциялар билан боғлиқлигини кўриш мумкин.

*Ўқув мақсади:* Тингловчиларни мусиқийтаълимнинг моҳияти ва мусиқа раҳбарига қўйиладиган асосий талаблар билан таништириш. Мусиқий таълим орқали болаларнинг эстетик идрокини шакллантириш йўллари билан таништириш. Мусиқий таълимга бўлган эҳтиёжлар ва ушбу таълим шаклининг афзаллик жиҳатлари, болаларни жисмонан соғлом бўлиб ўсишларида жисмоний тарбиянинг ўрни ҳақида маълумотлар бериш.

*Мусиқа раҳбарига қўйиладиган асосий талаблар:* Замонавий педагогикатаълим тизимишининг мақсади, янги тоифага мансуб бўлган мусиқа раҳбарининг умумий ва касб камолотига эришишдан иборат. Ҳар қандай педагоглик касби мураккаб ва серқирра жараёндир,

шунинг учун бу касб қайси соҳага тегишли бўлмасин, мусиқа раҳбари олдига кўпина талабларни қўяди. Таълим – тарбиянинг барча соҳаларининг мақсади баркамол шахс тарбиясидир. Лекин бу борада мактабгача таълим муассасаларидаги эстетик туркумга кирувчи фанлар – мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги асосий ролни ўйнайди. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларидаги «муисиқа» машғулотларини ўтишда, мусиқа раҳбарлари ҳам маҳсус билимлар, кўникма – малакалар, педагогик қобилият ҳамда педагогик маҳоратта эга бўлмоқлари лозим. Маълумки, «муисиқа» машғулотлари **бешта мусиқий жараённи ўз ичига олади.**



1. Кўшиқ ва ашулла куйлаш.
2. Мусиқа саводи.
3. Мусиқа тинглаш.

4. Мусиқага мос харакатларни бажариш.

5. Болалар чолғу асбобларида жур бўлишдан иборат.

Мана шу жараён бир – бири билан узвий боғланган ҳолда ўтилиши мақсадга мувофиқдир. Болаларда юқори натижаларга эришиш учун мусиқа раҳбари мусиқий билимларни: гармония, полифония, сольфеджио, мусиқа назарияси, мусиқа тарихи, мусиқа адабиёти, мусиқий асар таҳлили ва яна бирорта мусиқий асбобни чалишни билиши зарурдир. Лекин юқорида айтилган билимларни эгаллашнинг ўзи етарли эмас.

Мусиқа раҳбари машғулот жараёнида мусиқа ҳақида болаларга жуда қизиқарли, саводли ва образли қилиб, ҳар хил иллюстрацияларни кўллаган ҳолда гапириб бера олиши керак. Бирор бастакорнинг асарини ўрганиш жараёнида, шу асар ҳақида, асарнинг муаллифлари ҳақида, асар яратилган давр ҳақида тўлиқ маълумот бера олиши зарур.

Асарнинг лади, тонлиги, тузилиши, аккордлар функциясини ва ҳоказоларни билиши лозим.

Булардан ташқари мусиқа раҳбари олдига амалий вазифалар ҳам кўйилади:

1. Берилган қўшиқни куйлаб бера олиши;
2. Куйга аккомпонимент чала билиши;
3. Бемалол транспозиция қила олиши;



#### 4. Дирижёрлик қила олиши керак ва бошқалар...

Мусиқа раҳбари нафакат ўз предметини, балки фалсафа, эстетика, психология, педагогикани яхши билиши ва ўз иш фаолияти давомида қўллай олиши шарт.

Мусиқанинг таъсирчанлигини, унинг моҳиятини тўлиқлигича болалар онгиға етказиш педагогиканинг энг қийин муаммоларидан биридир. Мусиқа раҳбари «Мусиқа машғулоти»да болаларда куйидаги фазилатларни шакллантириши лозим: Дўстлик, ватанпарварлик, садоқат, меҳр – шавқат, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ҳоказо.

Болаларда юқорида санаб ўтилган фазилатларни шакллантириш учун мусиқий раҳбар бир қатор вазифаларни бажариши керак:

- 1) Болаларни мусиқани севиш ва тушунишга ўргатиш;
- 2) Болаларнинг бадиий ва эстетик дидларини шакллантириш;
- 3) Болаларда мусиқий қобилиятни ривожлантириш;
- 4) Болаларнинг мусиқа саводи, мусиқа тарихи, мусиқа адабиёти, қўшиқ куйлаш каби мусиқий билимларини ҳамда тушунчаларини кенгайтириш.

Санаб ўтилган фазилатларни шакллантириш учун, аввалам бор мусиқа раҳбари машғулотларни юқори профессионал даражада ўтиши зарурдир. Машғулотдан кутилган натижаларни олиш учун машғулотларда таълим тамойилларига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги ривожланиш жараёнида кўпчилик мактабгача таълим муассасалари мусиқий марказлар, телевизор, радио каби бир қатор янги ахборот технологиялари билан жиҳозланмоқда. Бу технологиялардан мусиқа маданияти машғулотларида фойдаланиш юқорида келтирилган шахсий фазилатларни шакллантиришда жуда қўл келади.

Мусиқа машғулотлари болаларга ўз миллий мусиқий тарихлари, мусиқанинг элементар назарияси, жаҳон мусиқа санъати намоёндаларининг ижоди ҳақида тушунчалар бериш, уларда мусиқий маданиятни, одобни ва нафосатни тарбиялашда асос солади.

Мусиқа машғулотлари хоҳ у қўшиқ куйлаш бўлсин, хоҳ тинглаш бўлсин, хоҳ назарий билимлар бўлсин – ёш авлодни ахлоқий поклик, маънавий бойлик ва жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган ҳар

томонлама етук шахс қилиб шакллантиришга асос солар экан. Педагоглар мусиқа марказини жихозлашда, ундан жой олган барча жихозларнинг имкон қадар ёрқин, табиий рангларда бўлиши, бола эътиборини тортиши, шунингдек ёшлиқдан болада гўзалликка интилиш ва муҳаббат уйғотиши, бадий ва эстетик дидни шакллантириб ва тараққий эттириб боришига хизмат қилишига эътиборларини қаратишлари лозим. Болани ўраб турган барча нарса-хонани жихозидан тортиб то мусика раҳбари ва тарбиячининг ташқи кўринишигача болани тарбиялашини доимо ёдда тутиш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мусиқа машғулотлари орқали мусиқа раҳбари болаларда юксак маънавий, бадий ва ахлокий маданиятни, миллий ғуур, ватанпарварлик тарбиясини, нафосат ва бадий дидни ўстиришга, тафаккурларини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялашга хизмат қилади.

### **3.2. Мусиқа болаларнинг эстетик идрокини шакллантирувчи восита сифатида.**

Болаларни шахс сифатида тарбиялаш учун таълим, жисмоний ва онгли тарбия уйғунликда олиб борилиши керак. Бу мақсадга эришиш учун болаларда тўғри ташкиллаштирилган мусиқий машғулотлар ташкил этилади. Эстетик тарбия мактабгача ёшдаги болаларда гўзалликни тушуниш, уни ҳис қилиш, яхши ва ёмонни, бадий санъат турларини фарқлай олиш ва уларга ижодкорона ёндашишга йўналтирилгандир. Эстетик тарбиянинг энг кўзга кўринган омилларидан бири бу – мусиқадир. Бу мақсадларга эришиш учун мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий мусиқийлигини ривожлантириш керак. Болаларнинг умумий мусиқийлигига нималар асос бўлади: мусиқа боланинг эстетик тарбия омили сифатида унга гўзалликни қабул қилиш, тушуниш қобилиятларини ривожлантириш.

Бу масалаларни ҳал этиш учун умумий мусиқийликни ривожлантириш зарурдир.

Мусиқий омиллар З тамойилга бўлинади:

1. Мусиқанинг характери, кайфиятини ҳис этиш, мусиқага эмоционал муносабат билдириш ( мусиқанинг ифодавийлиги ва тасвирийлиги). Болада мусиқани тинглаганда унинг характерига мос кайфиятда бўлишига эришиш керак.

2. Энг ёрқин мусиқий образли асарни тинглаш, таққослаш ва баҳо бериш. Бунда мусиқа ифода воситалари, мусиқий асбоблар тембрлари, эшитиш маданияти талаб этилади. Масалан, чолғу асбобларнинг юқори

ва паст тембрлари (скрипка – алт, контрабас – виолончел ва бошқа чолғу асбоблар)

3. Мусиқага ижодкорлик муносабатини билдириш. Ҳар бир бола бирор мусиқий асарни эшитиб ўзича бадиий тасаввур қилади ва қўшиқда, ўйинларда, рақс элементлари билан ҳиссий муносабат билдириши мумкин. Бу болаларда ижрочиликнинг илк намойишлари, яъни илк уруғлари бўлиши мумкин.

а) Мусиқа – болаларнинг ақлий фаолиятининг фаоллаштирувчи омилдир.

б) Мусиқа – аҳлоқий омил бўлиб, маънавиятнинг ажралмас қисмини таркиб топтиради. Мусиқадан анъаналарга хурмат, Ватанни севиши ва бошқа тарбиявий аҳлоқий фазилатларни тарбиялайди.

в) Мусиқа – жисмоний тарбия омили ҳамdir.

Мусиқа болаларнинг ҳис – туйғуларига бевосита таъсир қилиши орқали уларнинг маънавий қиёфасини шакллантиради. Мусиқа санъатининг таъсир кучи бошқа – таъкид ва уқтиришларга нисбатан кучлироқ бўлади.

Болаларни ҳар хил эмоционал – образли мазмундаги асарлар билан таништирадар эканмиз, биз беихтиёр уларни ҳиссиётларига таъсир қиласиз ва уларни кечинмалар оламига олиб кирамиз.

Болани мусиқавий асарларни идрок этиш тўғрисидаги масалага тўхтаймиз.

Идрок санъати ўзидан кийин психологик фаолиятни намоён қилади, қайсики, интеллектуал, билиш, эмоционал моментларни бирлаштиради. Мусиқа санъати асарларини тушуниш масаласи ўзидан ўзи келиб чиқиши мумкин эмас. Уни ўргатиш керак. Мусиқа асарларини идрок этиш ҳиссиётидан бошланади. Мусиқа асарларини идрок этиш эмоционал жонкуярликни вужудга келтиради. Боланинг бу ҳолатида унга таниш мазмун ва қувонч-идрок асосида эмоқияларнинг пайдо бўлишидир. Болаларда асарни тушуниб қабул қилиш қобилиятини тарбиялаш зарур.

Мусиқани идрок этиш илк болалардан шаклланади. Тўпланган эмоционал мусиқавий таасуротлар қўшиқ айтишга, мусиқа асбобларини чалишга, бадиий халқ қўшиқлаини айтишга олиб келади.

Ҳиссиёт, эшитиш, идрокнинг ривожланиши асосида болаларда мусиқавий таасуротлар тўплана бошлайди. 7 ёшли бола мусиқанинг мазмунига қараб қайғуради ва фикр юритади. Биз бола олдига мусиқани идрок этишниннг пайида бўлиши вазифасини қўямиз. Кейин эса ташқи таъсир этиш орқали мусиқавий таасуротларни йиғиндиси вазифасини.

*Эстетик идрок – бу 2 асосий компонентлар үзгіндисидір: эмоционаллық ва тушунарлилық.* Лекин бунга яна ҳаёл ва ҳаракат моменти – ритм ҳам құшилади.

Кейин мактабгача ёшдаги болалар таниш мусиқаны биладилар, марш, пляска, алла мусиқаларни ажратадилар, мусиқанинг сокин ва кувноқ характерини ажратадилар, лекин уни ёш хусусиятлари қучига кўра сўз орқали ифодалай олмайдилар. 4-5 ёшда болалар образларни деталлаштирадилар, мусиқанинг контраст характерларини қисман ажратадилар, мусиқа асарларининг ифодалилиги шакл ва воситаларини тушунадилар. Педагогнинг саволи ва талабига сўз орқали жавоб қайтарадилар. 6-7 ёшли болалар қуйидаги терминлар орқали: кириш, куплет, бирга айтиш бўлим. темп ва бошқалар, дифференциялаштиришлари ва умумлаштиришлари мумкин. Улар мусиқа асарларининг ифодалилиги характер ва воситаларини тушунадилар ва ўйин образларига қарашади.

Шундай қилиб мусиқа идрокини тарбиялаш қуйидагича боради:

1. Мусиқа материалини ажратиб олиш.
2. Тарбия ва таълим методларини тизимишлаштириш.
3. Ишнинг турли босқичларидан фойдаланиш.
4. Мусиқа асарларининг турли-туман тематикларидан фойдаланиш (ижтимоий, табиат, меҳнат, болалар турмуши, эртаклар).
5. Мусиқа асарининг образлар сони ва шаклсига қараб аста-секин мураккаблашиб бориши.

Мусиқани эмоционал учун унинг товуш материалини қабул қилишни билиш зарур, уни эшитиш, ифференциялашни билиш керак. Бу малака болалар билан мусиқа асарларини (оддийларини) анализ қилиш, улар дикқатини мусиқа ифодалилига воситаларига қаратиш йўли билан ривожлантирилади. Мусиқа асарларини анализ қилиш орқали бола мусиқани ўзига хос тилини ажрата бошлайди – мусиқанинг характеридаги дунёдаги образлар билан боғлиқлик улар эмоционал кайфиятини (лирика, бардамлик, тантанаворлик ва бошқалар).

Педагог болаларда актив фаолиятни вужудга келтириш учун образли ва шеърий сўз орқали ашула, ўйин, эшитиш учун пьеса сюжетини ёритади, болада пайдо бўладиган ҳаёлни қўзғайди, образларни чақиради, уни сюжет асосида фикрлаш ҳаракати мусиқа асарини программасига жалб қиласди.

Шундай йўналишдан кейин мусиқани идрок этиш болада эмоционал тушунарли бўлади.

Сўз орқали натижани ифодалаш ва асарга баҳо бериш мусиқа раҳбарининг моҳир раҳбарлиги остида аста – секин бадиий – мусиқавий дидни пайдо қиласи.

Шундай килиб, бадиий-мусиқавий дид қуидаги жараёнда шакилланади:

1. Мусиқа асарини тўлалигича идрок этиш.
2. Унинг маъносини тушуниб олиш.
3. Агар ўринли бўлса, бажариш.

*Амалиётда у намоён бўлади:*

1. Агар баҳосида.
2. Бадиий талабларга жавоб берадиган асарларни қабул қилишга интилиш.
3. Асар танлашда идрокда бадиийликни бошдан кечириш ва асарларни ижро этиш.

Мусиқа жанрлари қаҳрамонлик руҳидаги, лирик оҳангдаги, қувноқ юморни ва жўшқин рақсона куйларни ўта жилоли товушлар ҳамда бой тембри билан идрок этишга қўмак беради. Кўшиқ, рақс ва мусиқа тинглаш фаолиятлари жараёнида болалар руҳан бирлашадилар ҳамда жамоада тарбияланадилар. Болалар индивидуал шаклланишлари учун ҳам уларга жамоада яхши муҳит яратилган бўлмоғи лозим. Ижроси яхши бўлмаган, тортинчоқ болалар ўз тенгдошларининг ижросини кўриб руҳан тетиклашадилар ва фаоллашадилар, уларга эргашадилар ва яхши ижрога интиладилар. Ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган болаларга ижроси суст бўлган ўртоқларига ёрдам беришни таклиф қилиб, уларни камтаринликка ўргатиш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш керак.

Мусиқа машғулотлари болаларнинг умумий маданиятига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Ҳар хил фаолиятлар билан шуғулланиш (мусиқа тинглаш, қўшиқ айтиш, мусиқий – ритмик ҳаракатлар бажариш, болалар мусиқий чолғуларида ижро этиш) болалардан диққатни, уюшқоқликни, зукколикни талаб қиласи. Бу фаолиятлар давомида болаларда иродавийлик шаклланиб, тортинчоқлик йўқола боради. Шу тарзда мусиқий фаолиятлар болалар шахсининг маънавий – маданий сифатларини шакллантириш учун керакли бўлган шарт – шароитларни таъминлайдиган ва уларнинг умумий маданий савиясига асос солади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мусиқа материалини ажратиб олиш.
2. Тарбия ва таълим методларини тизимишлаштириш.

3. Ишнинг турли босқичларидан фойдаланиш.
4. Мусиқа асарларининг турли-туман тематикларидан фойдаланиш (ижтимоий, табиат, меҳнат, болалар турмуши, эртаклар).
5. Мусиқа асарининг образлар сони ва шаклсига қараб аста-секин мураккаблашиб бориши.
6. Педагог болаларда актив фаолиятни вужудга келтириш учун образли ва шеърий сўз орқали ашула, ўйин, эшитиш
7. Бадиий талабларга жавоб берадиган асарларни қабул қилишга интилиш.
8. Асар танлашда идрокда бадиийликни бошдан кечириш ва асарларни ижро этиш.
9. Мусиқа жанрлари қаҳрамонлик руҳидаги, лирик оҳангдаги, қувноқ юморни ва жўшқин рақсона куйлар
10. Мусиқа машғулотлари асосий болаларнинг умумий маданиятига таъсир этиш воситаси
11. Мусиқа – жисмоний тарбия омили ҳамдир.
12. Мусиқа болаларнинг эстетик идрокини шакллантирувчи восита сифатида
13. Мусиқа раҳбарига қўйиладиган асосий талаблар.
14. Мусиқаболаларнинг эстетик идрокини шакллантирувчи восита сифатида.
15. Болаларни жисмоний тарбиялашда мусиқанинг роли.

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАРИ**

1. Тютюнникова Т. Уроки музыки в системе Карла Орфа.-М:,2000
2. Rejametova N.O’zbek xalq cholq’u asboblarini chalishni o’rgatish metodikasi.- Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2014.
3. Мурадова З. Детская песня в творчестве композиторов Узбекистана. -Ташкент: Baktriapress, 2015.
4. Ишмухamedов Р., Юлдашев М. “Таълим ва тарбияда инновақион педагогик технологиялар.-Т.: “Ниҳол”, 2013й.269бет.
5. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие.-СПб.:Питер.-316 стр.- (Серия «Учебное пособие»). 2004.
6. «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Тошкент, 2002 й.
7. Каримов М., Икромова М. “Рақс элементлари орқали болаларни жисмоний ривожлантириш” Т.: “Илм зиё” нашриёт уйи, 2008 й.

## **4-МАВЗУ. МТМДА ҚИСҚА МУДДАТЛИ ГУРУХЛАРДА БОЛАЛАРНИНГ КУЙЛАШ КҮНИКМАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

### **РЕЖА:**

- 1.Мусиқа машғулотларида қўшиқ ўргатиш методикаси, янги ашулани ўргатишдаги асосий жараёнлар.
- 2.Мактабгача ёшдаги болаларда қўшиқчилик кўникумларини тарбиялаш.

### **4.1 Мусиқа машғулотларида қўшиқ ўргатиш методикаси, янги ашулани ўргатишдаги асосий жараёнлар**

Бу ижрочиликнинг энг оддий, содда ва ҳар бир инсонга хос бўлган шакли. Азал – азалдан куйлаш инсоннинг ҳаёти давомида, унинг қайси ижтимоий қатламдан келиб чиқишидан қатъий назар, унга ҳамроҳ бўлиб келган.

Она алласи, эркаламалар, бирор иш ёки юмушни бажариш давомидаги меҳнат қўшиқлари, турли маросим, байрам ва сайлларга оид қўшиқлар шулар жумдасидандир. Ўзбек миллати, оилада фарзанд дунёга келган илк кунларида, унинг қулоқларига аzon айттиради. Аzon сураси ҳам Қуръони Каримнинг бошқа суралари каби маълум бир оҳангга солиб, қироат билан айтилади. Демак, аzonни алла билан бир қаторда, инсон дунёга келиб эшитган илк қўшиғи деб ҳам айтишимиз мумкин. Қўшиқ-боланинг мусиқа оламига олиб кирувчи илк мусиқий шаклдир. Қўшиқ инсоннинг психоэмоқионал мувозанатга келтирувчи бир восита эканлигини она алласини тинглаб, тинчланувчи ва осуда уйқуга кетувчи гўдакни кузата туриб тўлиқ ишонч билан айтишимиз мумкин.

Бу борада шарқ ва ғарб дунёсининг машҳур алломалари бир қатор изланишлар олиб борганлар. Улар ёшларга таълим-тарбия берибина қолмай, ўз ишларига изодшларни етиштириш учун ташкил қилган масканларида, мусиқа инсоннинг руҳига таъсир этувчи восита эканлигини таъкидлаганлар. Масалан, К.Ф.Э.Бахнинг:«Мусиқанинг мақсади-юракларга таъсир этиш» ёки Л. Бетховеннинг:«Мусиқа инсонлар қалбини оловлантириши лозим» деган сўзларини мисол қилишнинг ўзи бошқа далил ва исботга хожат қолдирмайди.

Мусиқа ёрдамида инсон руҳини бокира, гўзал, олижаноб ёки аксинча туйғуларга созлаш (худди чолғу асбоби каби) мумкин.

Тарбиячи ўзи фаолият олиб бораётган гурухда шундай мухитни юзага келтириши лозимки, унда болаларнинг сўзлашлари, юришлари, ўйнашлари қанчалик табиий ҳол бўлса, куйлашлари ёки рақс тушишлари ҳам худди шундай табиий бир ҳолга айлансин. Бунда, тарбиячи ота-оналар билан

хамжиҳатликда иш олиб бориб, боланинг юқоридаги ҳатти-ҳаракти оиласдаги катталар, ота-оналар томонидан ҳам табиий ҳолдек қабул қилинишига эришиш лозим.

Тарбиячи энг аввало ўзининг куйлай олишига ўзида ишонч ҳосил қилиши ва гуруҳда қўйлашни биринчи бўлиб бошлиши лозим. Буюк мутафаккир Абу Наср ал Фаробий: «Куйлаш-инсонга хос табиий хусусиятдир» деб таъкидлаган эдилар. Агар сиз кичик гуруҳданоқ таълимтарбия ишини ишни шундай шаклда йўлга қўйган бўлсангиз, демак гуруҳингизда қўйлаш аллақачон таибий ҳолга айланиб бўлган.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар бир тарбиячи буни ўз гуруҳида амалга ошира олади ва бундан ўзи ҳам завқланади.

Энг муҳими-куйлаш вақтида ўзингизнинг руҳий ҳолатингиз ҳам ўзгаради: тинчланасиз, таскин топасиз, энг муҳими, сизнинг бу ҳолатингиз болаларга ҳам ўтади. Айнан мана шунинг учун ҳам биз тарбиячилардан болаларга табиий, жонли овозда қўйлашларини (турли ёзувли тасмалардан фойланмаган ҳолда) илтимос қилиб қоламиз.

Шуни эслатиб ўтамизки, чолғу асбоби жўрлигисиз қўйлаш, болаларнинг товуш баландлигини эшитиш ва фарқлаш қобилиятларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки қўйлаш вақтида улар фақат бир товушнигина эшитадилар ва куй йўналишини кузатиб, уни илғаб олишлари, эслаб қолишлари анча енгиллашади.

Кўйлаш болаларнинг товуш ҳосил қилиш аппаратларининг тўғри ривожланишига яхши имкон беради. Айрим бўғинларни қўйлаш усули эса - нутқида нуқсони бўлган болалар билан логопед-тарбиячининг олиб борадиган ишида ҳам яхши натижа беради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг фаолияти катталарга тақлид қолишларини унумаган ҳолда, тарбиячилар қўйлаш вақтида сўзларни ютиб юбормасдан, дона-дона, аниқ талафуз қолишларига доимий эътибор беришлари шарт.

Тарбиячилар билан мунтазам (якка тартибда) иш олиб бориш ҳамда гуруҳ хонасида болалар билан тинглаш ва қўйлаш учун репертуар танлашда уларга керакли ёрдам ва тавсияларни бериш-мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарининг мажбуриятiga киради. Албатта мусиқа раҳбари тавсия этган мусиқий материалдан ўзингизга ёқсан, энг аввало сизнинг ўзингизда эмоционал жавоб уйғота олган асарларни танлаб олиш хуқуқи сизда қолади. Демак, кундалик ҳаётнинг қайси онларида ва нималарни қўйлаш мумкин?

\* уйқу олдидан - аллалар;

\* меҳнати ва қўл ишини бажариш вақтида лирик ва осойишта оҳангдаги (халқ оғзаки ижоди намуналари ёки муаллифлик асарлари) кўшиклар;

- \* ўйин-давра қўшиқлари;
- \* болалар хазил қўшиқлари;
- \* табиат қўйнида-мавсумий, тақвимий айтим ва қўшиқлар;
- \* эркаламалар;

Болалар учун репетуар танлашда унинг ҳақиқий бадиий қийматлилигига асосланинг! Шунингдек болаларнинг ҳаёт хавфсизликларини таъминлаш мақсадида уларга доимий тарзда, ёшларига мос ва тушунарли шаклларда кўйлаш вақтида овқат емасликларини, сув ичмасликларини таъкидлаб туринг.

#### **4.2.Мактабгача ёшдаги болаларда қўшиқчилик кўникмаларини тарбиялаш**

Қўшиқ кўйлаш – болаларга кўтаринки кайфият бағишлайди. У болаларни нафақат руҳий балки жисмоний жиҳатдан ривожлантиради. Чунки бола кўйлаётганда оғиз, бурун, нафас йўллари, қўкрак қафаси, умуман олганда барча аъзолари фаолият олиб боради. Бола кўйлаш жараёнида тик гавдасини эркин ва тўғри ўтириши талаб этилади. Кўйлаш жараёнида нафас йўллари ҳам ривожланади. Бу жараёнлар масаласини жуда кўплаб физиолог – медик олимлар кўп тадқиқотлар ва ишлар олиб боришганлар. Булардан Н.А.Ветлугина, А.Н. Кенеман, М.А.Метлов, С.Г.Товбина, Е.П. Равлов, А.Г. Менабени ва бошқа кўплаб физиологларни таъкидлаб ўтсак бўлади.

Болаларга кўйлаш жараёнида матн ва мусиқа уйғунлигига бўлганда матн ва куйга эътибор берилади. Қўшиқда матн ва мусиқий куй бирикиб, тингловчига эмоционал таъсир кўрсатиб турли ҳис – туйғуларни уйғотади. Бу таъсирчанлик бола тарбиясида катта аҳамиятга эга. Боланинг кичик давридан қўшиқни маъносини тушунмаса ҳам, унинг мазмунини ва мусиқасини тушунмаса ҳам унга ҳиссий муносабатни билдиради.

Бола ривожлангани сари, нутқи ва ҳаёт давомида олган кўникмалари қўшиқни, умуман куйни тушуна олишга ёрдам беради. Жамоа бўлиб кўйлагандаги болага куй қўшиқ матнга нисбатан кучлироқ таъсир қиласи. К. Д. Ушинский таъкидлаганидек: «Қўшиқда, айниқса хор жамоасида қалбни тарбияловчи, уни жумбушга келтирувчи ҳиссиётлар мавжуд» Кўпгина ҳолларда ўғил боланинг шахдам юриб маршни кўйлаётганини, қиз болани эса қўғирчоқни аллалашини кузатишимииз мумкин.

Боланинг овози – табиий чолғудир, чунки бу чолғу у ёшлигидан мавжуд. Мана шунинг учун ҳам унинг ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлади ва турли ўйинлардан фойдаланади. Ундан ташқари қўшиқ бола

ҳаётининг бошқа фаолиятларида қўлланади. Масалан, рақс, хоровод, болалар чолгуларида ижро этганда.

Қўшиқ – бу боланинг дунёқарашини кенгайтириб, ёрқин образли тасаввурга эга бўлишга ёрдам берадиган жанрдир. Қўшиқларда табиатга, Ватанга муҳаббат, катталарга, аждодларга ҳурмат, ўзаро муносабатларни яхшилаш ва бошқа тарбиявий, ахлоқий фазилатлар акс этади ва ахлоқий қарашларини ўстиришга ёрдам беради.

Қўшиқ ўргатиш жараёнида болалардан катта ақлий меҳнат талаб этилади. У ёнидаги болани эшитишни, унинг қўшиғига ўз муносабатини билдиришни, мусиқий жумлаларни бир – бири билан солиштиришни, таққослашни, фортепиано жўрлигини тинглай олишни, қўшиқни гармоник ва мелодик тизимини эшита олишни ва ижро сифатини баҳолашни ўргатади.

Бола қўшиқ организмига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, нутқни ўстиради, овоз аппаратларини ривожлантиради, қўшиқчилик нафасини шакллантиради. Бола қўшиқ куйлашда асосан мусиқа ҳисси, эмоционал таъсирланиш, мусиқий эшитуви (слух), ритм ҳисси ривожланади. Қўшиқ куйлашнинг яна бир асосий хусусиятлардан бири бу – жамоа бўлиб куйлашдир.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Тарбиячилар билан мунтазам якка тартибда иш олиб бориш
2. Болалар учун репетуар танлаш
3. Мактабгача ёшдаги болаларда қўшиқчилик кўникмаларини тарбиялаш
4. Болаларнинг овоз аппаратлари устида ишлаш
5. Болаларга куйлаш жараёнида матн ва мусиқа уйғунлигини таъминлаш
6. Боланинг овози устида ишлаш
7. Бола қўшиқ куйлашда асосан мусиқа ҳисси, эмоционал таъсирланиш, мусиқий эшитиш қобилиятини шакллантириш

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов М., Икромова М. “Рақс элементлари орқали болаларни жисмоний ривожлантириш” Т.: “Илм зиё” нашриёт уи, 2008 й.
2. Намозова Д.Т., Носиров Д.Т “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий таълим методикаси” Кўкон: 2006 й.

3. Гогоберидзе А.Г. Теория и методика музыкального воспитания детей дошкольного возраста: А. Г. Гогоберидзе, В.А.Деркунская. — М.: Издательский центр «Академия», 2005. — 320 с

4.Шарипова Г«Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа ўқитиши методикаси». «Чўлпон» Т.: 2007.

5. Зимина А.Н. Основы музыкального воспитания и развития детей младшего возраста.- М., 2000

6.РадыноваО. Настроения, чувства в музыке. М;2009

7.Зақепина М.Б. “Музыкальное воспитание в детском саду.” Москва.: “Мозайка – Синтез”, 2008.

## **5-МАВЗУ: МУСИҚА МАШҒУЛОТЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ РЕЖА**

1. Мусиқа машғулотларда замонавий ва компьютер технологияларини фойдаланиш

2. Аудио-визуал жиҳозлар ва электрон нота мухаррирлар ёрдамида мусиқа санъати фанларини ўзлаштириш самараси

3. Мусиқий тарбияда компьютер имкониятлари

### **5.1.Мусиқа машғулотларда компьютер дастурларидан фойдаланиш маҳоратини шакллантириш**



XXI аср юкори компьютер технологиялари асридир. Ҳозирги замон ёш авлоди электрон маданият оламида яшамоқда. Бундан келиб чиқиб, мусиқа раҳбарни бола билан мулоқот қила олиши учун замонавий ва янги таълим методикалари ҳамда технологияларини эгаллаган бўлиши лозим, лекин бунда мусиқа раҳбарининг ахборот маданиятидаги вазифаси ўзгаради – у бола олаётган ахборот оқимларини мувофиқлаштириб борувчига айланиши зарурдир. Замонавий ахборот технологияларининг гуркираб ривожланиши ва уларнинг ўқув жараёнига жорий этилиши ҳозирги замон боласининг шахс сифатида ривожланишида ўз изини қолдирмоқда.

Бугун ахборотга эгалик қиласиган–ахборотни излаб, топиб, яратиб, таҳлил этиб, тарқата биладиган одам дунёга ҳам эгалик қиласиди деган қараш

ҳақиқат даражасига кўтарилигандан. Демак, ёшларимизнинг хорижлик тенгдошлари орасида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб, тенглар ичра тенг бўлиб фаолият юритиши, келажагимизнинг чин маҳнодаги ҳал қилувчи кучига айланиши учун ҳам, таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фарзандларимизда унинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга деб ёзади Бахтиёр Данияров “Ахборот асирида таълим-тарбия” китобида

Мусиқа раҳбари болаларнинг мусиқа санъатига бўлган қизиқишларини тўғри ташкил этиши, уларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, мусиқа тинглаш, куйлаш, болалар мусиқа чолғу асбоблаларига жўр бўлиш ва чалишга ўргатиш, саводига доир кўргазмали куроллар ва айниқса, замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан кенг фойдаланиб машғулот жараёнини ташкил этиш талаб этилади .

Замонавий мусиқа машғулоти – бу замонавий педагогик технологиялар, компьютер технологиялари қўлланиладиган, электрон мусиқа асбобларидан фойдаланиладиган дарс машғулотидир. Мусиқа тарбияси машғулотида ижодий муҳитни яратиш билан тавсифланади, чунки мусиқа машғулотларининг мазмуни бадиий педагогик ғояси хиссий ва уларни руҳий кечинмалар тарзида субъектив (онгли) равишда бошдан ўтказишдан иборатдир. Мана шундай ўзига хос тарздаги мазмун турлитуман методларни, иш турларини ва янги мультимедиа воситаларини танлаб олишни шартлайди.

Мусиқа тарбияси машғулотида ахборот технологияларини қўллашнинг энг осон усули – у мультимедиали қурилмалардан фойдаланишdir. Ахборот технологияларини жорий қилиш дастакларидан бири бўлиб мусиқа машғулотларини ўтказишда самарали ва ижодкорлик билан фойдаланиш мумкин бўлган Power Point компьютер дастури ҳисобланади. Мазкур дастурда мусиқа машғилотларини ўтказишда ахборот кўмагини яратиш имконини берувчи тақдимотлар тузилади. Тақдимот мусиқа раҳбари мавзуни тушунтиришда рангли расмлар орқали кўрсатишга, бу мавзуни анча диққатни тортадиган қилишга, энг асосийси эса – болаларларнинг диққатини мусиқа раҳбари қаратади жамлашга ёрдам беради.

Тақдимотларни машғулотларнинг исталган босқичида қўллаш мумкин, ўрганилаётган материалнинг тасвирий жихатдан қабул қилиниши тарбияланувчиларга мусиқа раҳбари баён қилаётган мавзуни самаралироқ ўзлаштиришга имкон туғдиради. Слайдларни яратишда анимациялардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб, бу мавзуни кетма-кетликда баён қилиш

учун жуда қулайдир. Анимация ёрдамида болаларнинг диққатини ўрганилаётган мавзудаги энг асосий жиҳатга қаратиш мумкин.



Ҳозирги пайтда ҳар бир бола ҳар куни катта эмоционал, маънавий-эстетик таҳсир кучига эга бўладиган “экрандаги санъат” (видео, кино, телевидение) намуналари билан юзма-юз келади. Мусиқа машғулотларида видео ва киносанъати материалларидан фойдаланиш болаларга нафақат уларни қизиқиши билан кўришга, балки ўзаро суҳбат жараёнида уларни кўриш давомида пайдо бўладиган ўз фикрларини таҳлил қила олиш, ўз таассуротлари билан ўртоқлашиш, ижодий топширикларни бажариш ва эҳтимол, илгари ўzlари кўрмаган ёки эътибор қилмаган нарсаларни қўра олиш, илгари тушуна олмаган нарсаларини тушуниш ва уларни бошқалар тушунганидан фарқли тарзда англаш имконига ҳам эга бўладилар.

Замонавий технологияларга боғлиқ ҳолда болалар ўзбек, рус ва хорижий мумтоз мусиқа оламига, замонавий оммавий мусиқа, фольклор, опера, балет каби сифатли ёзувдаги мусиқани эшитадилар, асарлар видеороликларини томоша қиласилар, санъат дунёси – тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт билан боғлиқ ахборот маълумотларни оладилар. Шахсий компьютерлар анча вактдан бери киши ҳаётидаги кундалик ва одатдаги

курилмалардан бирига айланиб, Интернет тармоғининг кенг тарқалиши бизга ундан таълим жараёнида кенг фойдаланиш имконини беради. Бугунги кунларда кўплаб Интернет ресурслар ўзлари учун қандай қилиб энг яхши кўринишда фойдалана билишни, бугунги кунда мусиқа раҳбарлари эса унга керак бўладиган ва болаларларга унинг мусиқа тўғрисида кенг ахборот бера оладиган материални қандай қилиб топишни ўрганмоқдалар.

Интернет орқали турли хил мусиқий ахборотларни олиш болаларнинг мусиқага бўлган билимга доир қизиқишиларини ривожлантиришнинг янги йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда, шунингдек, жаҳон мусиқий санъатини ўрганиш шаклларидан бирига айланмоқда. У ўз ичига матнларни, мақолаларни, бадиий асарларни ўқиш, радио дастурларни эшлиши, мусиқий санъат масалалари бўйича бутун дунёдан кенг ахборотларни танлаб олиш ва уларни таҳлил қилиш кабиларни олади. Ва буларнинг барчаси Интернет тармоғи орқали амалга оширилади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетининг “Мусиқий таълим” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан электрон ўқув адабиётлари яратиш кенг йўлга кўйилган. Жумладан, доқент Ш.Рахимов томонидан “Чолғу ижрочилиги ва ансамблъ” фанидан дутор чолғуси бўйича, доқент М.Илхомов томонидан худди шу фан бўйича рубоб чолғуси бўйича, шунингдек, санъатшунослик фанлари номзоди Қ.Панжиев томонидан “Вокал ва замонавий мусиқа” фанидан электрон дарслик яратилган. Бу электрон мусиқий адабиётлар болаларларни дутор, рубоб чолғуларнинг чалиш усуllibарини кўришга, вокал хонандалиги эштиб тассавурини бой этишга, оширишга катта хизмат қиласи.

Мусиқа машғулотлари жараёнида ўрганилаётган куй-қўшиқларни уларнинг тафакурида шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо қиласи. Модомики шундай экан, МТМда олиб борилаётган “Мусиқа” машғулотларининг моҳиятини бугунги кунда мусиқа-педагогикаси нуқтai назардан ўзлаштириш, машғулотларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мақсага мувофиқдир. Бунинг учун аввалам бор, мусиқа раҳбари юқори даражадаги педагогик технологияларини яхши эгаллаганлиги, замонавий ахборот технологиялардан чуқур тажриба ва малакага эга бўлиши, машғулот ишланмаларини ўқув электрон модул – Силлабуслар асосида яратган бўлишни тақазо этади.

Замонавий компьютер технологиялари мусиқани ўргатишнинг анъянавий воситаларидан фарқли равишда ўқув ахборотларининг турли-туман, қулай, осон, оригинал бўлишини таъминлайди. Улар педагогларга ўқитиш жараёнини самарали ва сифатли ташкил этишга имкон берадилар.

Таълимнинг барча соҳаларида ҳаётимизга кириб келаётган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълим сифати ва самарасини ошириш ҳамда такомиллаштирилиш зарур. Таълим жараёнида замонавий ахборот Информатика ва ахборот технологияларининг долзарб муаммолари технологияларидан фойдаланилиши мусиқа раҳбари ва болалар фаолияти учун таълим - тарбия жараёнини жадаллаштиришга ёрдам берувчи психологияк- педагогик ишланмалар, таълим ғояларини ривожлантирувчи буткул янги имкониятларни беради, бу эса таълимда янги услуг ва ташкилий шакллар юзага келишига ҳамда уларни тезкор таълим жараёнига жорий етиш имконини беради. Таълим - тарбия жараёнида компьютер ўрганиш обьекти ҳам, таълим-тарбия, ривожланиш ва таълим мазмунини ўзлаштиришини ташхис қилиш воситаси ҳам бўлиши мумкин, яъни таълим жараёнида компьютер технологияларидан икки йўналишда фойдаланиш мумкин.

Биринчи йўналишда - компьютер технологиялари имкониятлари, турли масалаларни ҳал етишда ундан фойдаланиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилади.

Иккинчи йўналишда - компьютер технологиялари таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш самарадорлигини оширишнинг кучли воситаси хисобланади. Замонавий таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиши давр руҳига мос ҳолатdir.

Таълим - тарбия мазмунининг янгиланиши, энг аввало, болаларда атроф- олам ҳақида табиий-илмий тасаввурларнинг шаклланишига боғлиқ бўлади. Компьютер технологияларини жорий етиш таълим жараёнини мужассамлаштириш имконини беради. Янги билимларни механик ўзлаштиришдан мустақил ўзлаштиришга интилишни таъминловчи психологик-педагогик ишланмаларни амалий кенг қўллаш имконини беради.

Компьютер технологиялари болалар шахсий хусусиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. «Технология» тушунчасини таълим соҳасида қўлланиши ва доим умумлаштириш ва тизимлаштиришни талаб етадиган педагогик жараёнларга технологик ёндашув, педагогик инновациялар тажрибаларига, ташаббускор-педагоглар фаолияти, психологик-педагогик тадқиқотлар натижаларига, таълим жараёнлари ривожига самарали таъсир етиши мумкин. Жамият ривожининг замонавий босқичи ахборот оқимининг кенг тарқалиб боришини, глобал ахборот муҳитининг юзага келишини таъминловчи, инсон ҳаёти-фаолиятининг барча соҳаларига кириб бораётган замонавий ахборот технологияларининг

жадал тараққиёти билан боғлиқдир. Мазкур жараённинг ажралмас ва муҳим қисми таълим жараёнини компьютерлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Компьютер технологиялари Ахборот коммуникация технологиялари билан педагогик технологияларни ривожлантириш омиллари тушунчаси мазмунидаги таълим компьютер технологияларининг дидактик моҳиятини, педагогик технологиялар билан алоқадорлиги, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этиш тузилмасида унинг ўрнини тушунамиз. Таълим - тарбияда компьютер технологияларининг ўрнини тушуниш учун мазкур тушунча мазмун-моҳиятини тўғри англаш лозим. Технология (грек тилидан олинган бўлиб, санъат, маҳорат, малака, яна - шакл, мазмун, сабаб, методика, ишлаб чиқариш усули) - ташкилий чоралар мажмуаси, фан, техника ва умуман жамият ривожининг жорий босқичига асосланиб, сифатли ва самарали харажатлар билан тайёрлашга, хизмат қўрсатишга, таъмирлаш ва фойдаланишга топширишга йўналтирилтириб, амалга ошириладиган жараён ва усулларни англатади.

Технология - кенг маънода ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлган товар ва иқтисодий ресурслар соҳасида хизмат қўрсатиш учун зарур бўладиган билимлар доираси ҳажмидир. Технология тушунчаси тор маънода - маҳсулот тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, бошқаришда моддани, енергия, ахборотни қайта ишлаш усулини англатади. Компьютер технологиялари (инглиз тилида - Computer Science) - бу компьютердан фойдаланиб, ахборотни сақлаш, узатиш, қайта ишлаш, ҳимоя қилиш ва тақдим этишга жавоб берувчи технологияларининг умумий номидир. Бироқ таълимда компьютер технологиялари - бу тор тушунчадир, сабаби ахборот технологияларида зарур восита сифатида факат компьютердан емас, балки аудио ва видеоқурилмалар, проектор ҳамда бошқа техник воситалардан фойдаланилиши мумкин. Таълимда компьютер технологиялари - бу болаларга таълимий ахботларни тайёрлаш ва узатиш воситаси компьютер бўлиб ҳисобланган жараёндир.

Компьютер технологияси уч турда амалга оширилади:

- «сингиб борувчи» технология сифатида (қатор дидактик масалалар ечимида, алоҳида бўлим ва мавзуларни баён этиш ва тақдимотида компьютердан фойдаланилиши);
- таълим технологиясининг асосий, муҳим аҳамиятли қисмларини янада аниқ белгиловчи омил сифатида.
- монотехнология сифатида (компьютердан фойдаланиб, таълим жараёнини бошқариш, ташхис ва мониторинг қилиш).

Таълим - тарбияда янги компьютер технологиялари қўйидаги ҳолатларда самарали ҳисобланади:

- педагогик технологиялар асосий тамойилларини (олдиндан лойиҳалаштириш, тақдим етиш, мақсадга мувофиқлаштириш, яхлитлик) таъминлайди;
- илгари назарий ёки амалий жиҳатдан ечими мавжуд бўлмаган дидактик масалаларнинг ҳал етилишини таъминлайди;
- компьютер техникасидан фойдаланиб, ахборотни тайёрлаш ва узатиш имкониятининг кенгайишини таъминлайди. Информатика ва ахборот технологияларининг долзарб муаммолари. Шу тариқа, мазкур тушунча таълим соҳасида компьютернинг кенг татбиқ етилиши билан боғлиқдир. Компьютер техникаси узоқ йиллар давомида ўсиб бораётган ахборотлар оқимидан исталган вактда фойдаланиш имконини тақдим етади. Шу сабабли болаларга чуқур таълим - тарбия беришда замонавий компьютер техникаси муҳим аҳамиятга молик.

## **5.2.Аудио-визуал жиҳозлар ва электрон нота мухаррирлар ёрдамида мусиқа санъати фанларини ўзлаштириш самараси**

Инсоният маданий ҳаётига, унинг янги авлодини таълим тизими орқали тарбия қилиш жараёнларига овоз ёзиш ва аудио-видео информацияларни узатиш жараёнларини лойиҳаларини ишлаб чиқиш орқали, услугбларини тадқиқот қилиш билан аудио-визуал жиҳозлар кашф этилганига 100 йилдан ошди.

XX асрга келиб театр-конқерт ташкилотлари, телевизион кўрсатувлар, радио эшиттиришлар тайёрлашда овоз режиссёрги касби шакллангани ва ривож топгани энди ҳаммага маълум. Оммавий тамоша тадбирлари майдонларини овозлаштириш бўйича тузилиш моделларини ишлаб чиқиш ва қўллаш кун сайин такомиллашиб бормоқда.

Айниқса, мусиқачиларни мактабгача таълим муассасаларида тарбиялашда аудио-визуал жиҳозларга таянибўқув-тарбиявий, услугбий ва илмий-тадқиқий ишларни режалаштириш, ташкил қилиш ва амалга ошириш, болаларнинг ўзлаштириш даражаси ва теранлигини аниқлаш ва мусиқа олами ҳодисаларини мустақил англаш кўникумларини сингдириш, маънавий-тарбиявий ва илмий ишларни ташкил этишнинг илфор тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш аллақачон йўлга қўйилган.

Бундай жиҳозлар ёрдамида ахборотни излаш, танлаб олиш, алмашиш ва фойдаланишни тизимлашнинг оқилона воситаларини қўллаш, унинг текширувани ва манбаларни таснифлашни йўлга қўйишигандан, албатта. Таълим-тарбия йўналиши ва ёндош масалалар юзасидан чоп этилаётган маҳсус ўқув-услубий ва илмий адабиётларга таяниш, ўқув-услубий ва илмий фаолиятида қўлланиладиган техник воситалардан фойдаланиш одат тусига кирган.

**Аудио ёзувлар аҳамияти.** Маданий ҳаётимизда аудио-визуал ёзувлар шунчалик катта аҳамият касб этаяпти-ки, бирор-бир кунимиз уларсиз ўтмайди. Замонавий ахборот ташувчи жиҳозлар эндиликда ёшу кекса авлод қўлида мавжуд. Мусиқий овозларни ёзиш амалиёти пайдо бўлгандан ва ундан амалда аниқ мақсадлар учун фойдаланиш имкони туғилгандан буён инсон тафаккури ривожига, дунёқарашлари кенгашига, чуқур билимларга эга зиёли бўлишига бекиёс туртки бўлмоқда.

**Нота тўпламлари.** Бастакорлик санъати пайдо бўлиб, қадимда ижтимоий ҳаётнинг диний қонун-қоидалар билан белгиланиши, мусиқанинг асосан черковларда ривожланиши боис, композиторлик ижодиётининг асосан диний мавзуларда акс этиши кузатилади. Диний чекловлар инсонларнинг юриш-туришига бўлган жиддий ёндашувлар мусиқада ҳам яққол кузатилади. Гармония, ритм ва мелодик йўлларнинг оддийлиги черковнинг талаби билан белгиланади.

Қадимги рисолалар, адабий ёдгорликлар, афсона ва ривоятларда берилган маълумотларда келтирилишича, мусиқа яратиш жараёни кучли ҳиссий таъсир билан тенг. Инсоният ва ҳайвонотга ижобий таъсир қўрсатиш ҳамда илоҳий дунёга маъқул келиш – мусиқанинг мақсади ҳисобланган. Гўзаллик ва уйғунлик қонуни мусиқага космосдан кириб келган бўлиб, бадиий услугуга асос бўлган. Бадиий услубнинг ўзи эса ақлий ва ҳиссий бирликни ўзида тенг ҳиссада жам этган.

Барча қадимий қивилизациялар қўлга киритган мусиқа санъати ютуқлари ўрта аср Европа мусиқасининг ривожига пойдевор тайёрладики, бу даврда мусиқада муаллифлик ижодиёти буткул шаклланди ва дастлабки нота тўпламлари пайдо бўлди..

### **5.3 Мусиқий тарбияда компьютер имкониятлари.**

Биз мусиқа ва мусиқа ижодини мухокама қилишга хақимиз йўқ. Улар инсон мусиқаси урнига машина мусиқаси келаётганлигини гапираётганлари йўқ. Лекин машина кўп нарсани бажара олади. У мусиқий ижодни тахлил қилишга ёрдам бериувчи ўзига хос асбобдир. У табиатнинг турили товушларини тахлил қилиб маълум бир гурухларга бўлишга ёрдам беради. Бундан ташқари компьютер бир охангдан иккинчи оханга ўтuvчи нота матини кўчиришдек қийин ишни ҳам бажар олади. Мусиқий ижрони ўхшатиб (машина модели билан) ижро этиш имконияти пайдо бўлди. У мусиқачиларни умумий ва ўзига хос хусусиятларини ажаратиб олишга уларни ижро услубини тахлил қилиб аниқлашга ёрдам беради. Янги компьютер дастурларини амалга оширилиши бастакорларни машина имкониятларга бошқа нуқтаий назардан қарашга мажбур этди. Чунки машина товушларни янги усул билан ишлаб чиқаради ва товушлар

йиғиндисини бошқаради, акустикик бўшлиқдан фойдаланишга ва уни назорат қилишга имкон яратади.

Бастакорларни фикрича янги дастурлар ва товушларни синтезловчи янги техника мусиқани илм билан яқинлаштиради, шу боис илгари илмий ҳисобланган фаолиятни ҳозирги кунда электрон мусиқа доирасида ўз имкониятларини синаётган бастакорлар амалга ошираяпдилар. Шу тариқа мусиқий ижоддаги мунтазам- жараёнлар табиатини аниқлашга имкон яратилди, яъни аналитик ва синтетик бошланишларни таққослаш, мусиқадаги гипотетик аломатларни таърифлаш: бастакорларни қайси бири акалитик ёки синтетик қутбларга тортилишини аниқловчи тавсифномаларни бўлиши шулар жумласидандир.

Замонавий компьютерлар мавжуд мусиқий асарларни турларга ажрата олса ҳам, машина янги товуш тузилмаларини яратади олса ҳам, бастакор ёки ижрочи ролини бажарса ҳам, унда бир хусусият, энг асосий ҳисобланган хусусият яъни ижодга эҳтиёж йўқдир. Машина юзлаб ва минглаб мусиқаларни яратиш мумкин, лекин у бизга ғурур билан “Бу мен ёзган энг яхши асар!”- деб айта олмайди.

Хозирги замон бастакорларини айтиб ўтилган имкониятларини инобатга олган ҳолда, бизбир нечта амалий дастурлар мажмуисини яратик. Бу дастурлар, бошланғич синфларда мусиқа тинглашни оптимал имкониятларини беради. Бу ҳақда биз тадқиқотимизни кейинги бўлимларида батафсил тўхталиб ўтамиш.

Умумий компьютер саводхонлиги – бу бизнинг сиёсатимизни иқтисодимизни ва халқ таълимини энг мураккаб ва долзарб муаммосидир.

Хозирги кунгача зарур меъёрий хужжатлар йўқ, ягона мақсадли режалаштириш амалга оширилмаяпти. Амалий информатика жуда сунг ишлаб чиқиляпти Одатдагидек мактабда ЭҲМ ни қўлланилишини педагогик- психологик муаммоси керакли даражада кўриб чиқилмаяпти.

Компьютер нафақат техник ривожланишда, балки шахсни ривожлантириш ва тарбиялашда катализатор бўла олади. Мактаб партасида турган, компьютер- ҳаётни ижтимоийлаштириш, маданиятимизни тез ўсишини асосий шартидир. Биз фақат унинг барча имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам беришимиз керак.

Таълимга ғайрат билан ёндашиш, психологик-педагогик тадқиқотларни истиқболли йўнилишини аниқлаб беради, бу йўналишлар ўзлксиз таълим системасига қаратилган бўлиб, ўқув тарбиявий жараённи янги мазмун ва инфомақион технологияларни яратишга ва психологик таълиминлашга қаратилган. Бу тадқиқотларнинг дастурлари ўқув фаолияти қурилмасини назорат-амалий асосидаги ишлаб чиқилмаган ўз ичига олиши

зарур, бундан ташқари дастурлар компьютерларни қўллаш асосида яратилган ўқув фанларини ўз ичига олади. Болаларнинг ёшига қараб компьютерни қўлланилиш хусусиятлар маҳсус таҳлилини ўтказиш зарур.

Хозирги кунда болаларни 2-3 ёшдан информатикага ўргатиш мумкинлиги исботлаб берилди. Яъни бу ёшда болада турли операциялар ўтказиш операцияси шакилланади. Шунингдек 6-12 ёшдаги болаларга таълим бериш жараёнида ҳам комъютер болани фаоллиги ва ижодий имкониятларини чегараланмаган тақдирда фойдаланиш тавсия этилади. Бу ўқув жараёнини унинг ўйин фаолиятига таяниб катталарнинг ва болаларнинг гурух бўлиб ишлаш жараёнини ривожлантиради. Болаларни турли босқичларда комъютерни қўллаш шароитида болаларни ривожланиши ва таълим олиш услуби тадқиқотлари асосий йўналиши бўлиб қолади.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Овоз ёзиш ва аудио-видео информацияларни узатиш жараёнлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Мусиқачиларни мактабгача таълим муассасаларида тарбиялашда аудио-визуал жиҳозларга таяниб қандай ишлар амалга оширилади?
3. Маданий ҳайтизизда аудио-визуал ёзувлар қанчалик аҳамият касб этади, фикр билдиринг.
4. Қайси даврда мусиқада муаллифлик ижодиёти буткул шаклланди ва дастлабки нота тўпламлари пайдо бўлди?

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

- 1.Умурев Н.К. Нотные редакторы Sibelius-4, Sibelius-6 (возможности и сравнительный анализ версий программы Sibelius. –Т.: 2015.
- 2.Электронная документация программы «Sibelius». Версии 4.0., 6.0.
- 3.Sibelius Software Limited (2007-2010).
- 4.Данияров Б., Рахимов А. Жабборов Ф.Ахборот асрида таълим-тарбия/- Т.:Akademnashr,2012.-4 б,
- 5.Панжиев Қ. Умумтаълим мактабларида мусиқа дарсларини ўқитишининг сифат ва самарадорлигини ошириш масалалари// «Замонавий таълим», Т.: 2017. З-сон -78-б.
6. Маслова Л.П. Информационные технологии и их роль в образовании. М.: «Курсив», 2007. С.128

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

# **1-МАВЗУ: МУСИҚА МАШГУЛОТЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТҮҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ РЕЖА**

- 1.Мусиқа педагогикаси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни
- 2.Мактабгача ёшдаги болаларга мусиқа орқали тарбия бериш.
- 3.Тарбиячиларнинг фаолиятини ташкил этиш методикаси

## **1.1.Мусиқа педагогикаси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни**

Курраи заминда ҳаёт мавжуд экан, мусиқа санъати инсониятга олам-олам завқ улашиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Чунки мусиқа санъати халқ ижодининг бир қисмигина эмас, балки инсон руҳининг тарбияловчисидир. Мусиқа инсон дунёқарашини шакиллантиради, ўз кучига ишониш, руҳий иродани тиклаш, вақтинча мувоффакиятсизликлар олдида тушкунликка берилмаслик каби ҳислатларни тарбиялайди.

Ўрта асрлардаёқ Шарқнинг буюк мутафаккирлари мусиқанинг инсон организмига ва психологиясига таъсири масалаларини ўрганишган. Жумладан, Форобийнинг “Мусиқа ҳақида катта китоб”и ва бошқа асарлари, Ибн Синонинг “Китобаш-шифо”, “Китоб ан-нажот”, “Донишнома” каби асарларининг мусиқа ҳақидаги бўлимлари, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқа” китоби шулар жумласидандир. Буюк қомусий олим, мусиқа чолғуларини моҳирлик билан чалган Абу Наср Фаробий ўз ижроси билан кишиларни қувонтириш ёки қайфуга солиш, овутиш ёки чуқур ўйга толдириш, хурсанд қилиш, ҳайратга солиш ва ҳатто ухлатиб қўйишининг уддасидан чиқа олганлиги ҳақидаги ҳикоят ва ривоятлар бизгача этиб келган. Профессионал мусиқачи, мутахассис мусиқа психологиясидаги қўп жиҳатларни етарли даражада ўзлаштириб олиши керак. Бу мусиқий товушлар, образлар, тафаккур ва хиссиётлари дунёнинг чексиз кенгликлари га олиб кетади, ҳақиқатга, идеалга яқинлаштиради, ҳаётимизни маъноли, мазмунли, маънавий бой ва гўзал қиласди.

Ҳа, мусиқа руҳий таъсир имкониятига эга. Ундан таълим-тарбия мақсадларида фойдаланиш, бу борада унинг салмоғини янада кенгайтириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ватанимиз мусиқа педагогика фани ва амалиётида бу каби муҳим масалалар ечимини топиш борасида тинимсиз изланишлар амалга оширилиб, янгидан янги тадқиқотларни амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Мусиқа педагогикаси-инсонга мусиқий таълим бериш ва табиялаш ҳақидаги фан; у қатор гуманитар фанлар (асосан,

педагогика, мусиқашунослик ва фанлар методикаси)ни бирлаштириш натижасида юзага келган мусстакил илмий фан бўлиб, ўзининг мақсадва вазифалари, илмий ва маълумот аппаратига эга. Мусиқа педагогикасини ўрганиш предмети мусиқа жараёнинг моҳияти ва қонуниятини очиб беради.

Мусиқа тарбияси жараёни инсон мусиқа маданиятининг умумий, шахсий асосларини шакллантиришга, мусиқа ўқитиш жараёни эса муайян мусиқий билимлар, малака ва қўникмаларни эггалашга йўналтирилган. Мусиқий ривожланиш жараёни ҳар бир алоҳида инсоннинг мусиқа маданияти ва мусиқий қобилиятилари ҳамда руҳий-физиологик имкониятларининг умумий ўсиб бориши билан боғлиқ.

Қобилияtlар – бу ташки дунё билан ўзаро алоқалари жараёнида шаклланадиган кишининг ривожланишидаги ички шарт-шароитлардир.

“Одамни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турувчи қобилияtlар унинг табиатини ташкил этади, лекин одам табиатининг ўз – бу тарихий маҳсулотдир – деб ёзган эди С.Л.Рубинштейн. Одам табиати унинг меҳнат фаолияти натижасида тарихий ривожланиш жараёнида шаклланади ва ўзгариб боради. Интеллектуал қобилияtlар одам табиатни ўзгартира бориши давомида уни англаb, тушуниб бориши билан шаклланган, унинг бадиий, мусиқий ва шу каби қоблияtlари санъатнинг бошқа турли кўринишларини ривожлантириш билан бирга юзага келган”.

Ижодий ривожланиш –бу педагогик–психологик жараёнда шахснинг барча индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинган бўлиб, унинг мақсади болани мустақил товуш ечимларини излаш, кузатиш, кашфиётларга йўналтиришдан иборат.

Шахснинг мусиқий ривожланиши, тарбияси ва шакилланиши мусиқий педагогикасининг умумий асослари бўлими бош мавзулари ҳисобланади. Инсоннинг мусиқий ривожланиши унинг мусиқий қобилияtlари ва мусиқа маданиятининг бир бутун ташкил топиши ва шакилланиши жараёни сифатида намоён бўлади. Мусиқий ривожланиш бу шахс мусиқа маданиятининг жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишдаги туғма ва ўзлаштирилган, миқдор ва сифат ўзгаришларининг хар томонлама такомиллашуви. Инсон ўзининг мусиқий ривожланишида қатор ёш босқичлардан ўтади. Инсоннинг ёшига хос умумий хусусиятларини ўрганиш билан психологиянинг маҳсус соҳаси-ёш психологияси шуғулланади. Энг умумий кўринишида мактабгача ёш, мактаб ёши, ўсмирлик ва ижтимоий етуклик даври каби ёш босқичлари ажратилади. Шу асосда қуидаги ёш даврларини ва уларга мувофиқ таълим-тарбия муассасаларини кўрсатиш мумкин:

*Мактабгача ёши*

1 мактабгача давр олди-3 ёш (кичик гурӯҳ)  
2.мактабгача давр-4 ёш (ўрта гурӯҳи), 5 ёш (катта гурӯҳ) б ёш (таёрлов гурӯҳи)

### *Мактаб ёши*

1 кичик –(1-4)бошланғич мактаб.

2Ўрта (ўсмирилик)-(5-9синф)таянч (ўрта)мактаб.

3.Катта ўспиринлик - Академик лиқей ёки касб-хунар колледжлари.

Ушбу ёш даврларидаги шахснинг мусиқий ривожланиши турли босқичлардан ўтади. Чақалоқлик, гўдаклик ёшида, ҳаётининг биринчи йилда бу кўроқ она айтадиган алла қўшиғи ҳамда болани ўраб туган мусиқий муҳит билан боғлик. Ҳаётининг иккинчи ва учинчи йилларидаги бола юра бошлагандаги, у катталар ортидан айрим мусиқий ва қўшиқ жумлаларини такрорлай олади. Бу ёшда ритмик эштиш қобилияти фаол ривожлана бошлайди, бу болага мусиқани алоҳида ритмик ва рақс ҳаракатлари билан ифодалашга имкон беради. Уч ёшда, бола “ўзининг “мен”ини англаб ета бошлагандаги унинг истаклари ва” мен ўзим” каби талаблари ифодаланган кескин вазиятларда, ота-оналар уни мусиқага ошно қилиш имконияти ҳақида ўйлай бошлайдилар. Болани уй шароитида мусиқа мактабига жойлаштиришга тайёрлаш мусиқа ўқиувчиси билан ўтқазиладиган хусусий машғулотлар ва мактабгача таълим муассасасида мусиқа машғулотларида амалга оширилади. Бошланғич мактабнинг биринчи синфларидаги боланинг овози ҳали заиф, нафаси қисқа бўлади, у қўшиқ сўзларини куйлашдан кўра кўпроқ “сўзлаётганга” ўхшайди. Шунинг учун кичкинтойлар учун қисқа жумлалини ва ёрқин ифодали мазмунли қўшиқлар танлаш лозим. Бу уларда қўшиқга нисбатдан эътибор ва қизиқиш уйғотади. Мусиқий-педагогик жараён ўзининг қонуниятлари, шакллари, босқичлари, услублари, умумий ва маҳсус, якка ва жамоа , назарий ва амалий, конкерт ва мустақил мусиқий машғулотларига эга. Мусиқий-педагогик жараённинг қонуниятларини аниқлаш учун ушбу барча алоқаларни таҳлил қилиш талаб этилади бу алоқаларни бир бутун ҳисобга олиш уларнинг бирлигига , жамият эҳтиёжларига боғлиқлигига миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг тараққиётига олиб келади.

### **3.2.Мактабгача ёшдаги болаларга мусиқа орқали тарбия бериш.**

Мавжуд педагогик вазифалар сақланган ҳолда Ўзбекистонга хос миллий қадриятлар, анъаналар, ҳалқ ижоди, мусиқа меросини болаларни идрок этиш қобилияти даражасида босқичма – босқич тадбиқ этиш назарда тутилади.

Эрталабки бадан тарбия, турли шаклдаги машғулотлар, меҳнат, сайр, нафосат соатлари, ўйин кулги, байрамларга оид асарларни аник режалаштириб, ўз ўрнида ва меъёрида қўллаш «Миллий тафаккур» муаммосининг ечимиға эришишда муҳим омил бўлади. Авалам бор, мусиқа репертуарлари болажонларда жонажон Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, табиатини эъозлаш, дўстлик, ҳамжиҳатлик, раҳм – шафқат каби хислатлар мусиқавий образлар орқали идрок этилишга қаратилган.

Бунда Республика миқёсидаги ижодкор тарбиячиларнинг илғор тажрибалари натижаси, янгича ишлаш методикасиға асосланган мусиқий репертуарлари болаларнинг ёшига мос бўлган (билим ва малакалар даражаси, мусиқага муносабати, қизиқиши, қобиляти, соғлиғи, кайфияти, боғчадаги муҳит ва бошқалар) ҳолатларни мусиқий фаолият турларини хисобга олган ҳолда беш қисмга бўлинади. ўқув материаллари чоракларга тақсимланган бўлиб, болаларнинг меҳр фаолият турларига муофиқ танланиши дастлабки билим ва кўнималарни эгаллашда, таълим мақсадларни эгаллашда муҳим аҳамият касб этади. Машғулотнинг тузилиши ўқув материалларининг мазмунидан келиб чиқиш лозим. Бунда



асарнинг тарбиявий аҳамияти, уларнинг бадиий Қоявий савияси, болалар ёшига мослиги, асар мавзусининг хилма – хиллиги хисобга олинади.

Маълумки, мусиқий фаолият мусиқа тинглаш, қўшиқ айтиш, мусиқий ритмик ҳаракат, болалар чолғу асбобларида чалишни ўрганиш каби турларга бўлинади.

Ҳар бир фаолият тури боланинг мусиқий дидини ривожлантиришга ёрдам бериб, маълум малакани шакллантиради.

Мусиқашунос олимлар болаларни мусиқий тарбиялашда мусиқа тинглаш фаолиятига алоҳида эътибор бермоқдалар. Зоро, ҳар бир инсонинг мусиқа маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида мусиқа – тинглаш кўникума ва малакаси жуда муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Бола машғулотда қайси фаолиятни бажармасин, у мусиқани идрок этган ҳолда унинг бадият тавсифларини амалий фаолиятда ифодалайди.

Педагогика фанида қўшиқ айтиш фаолиятининг тарбиявий аҳамияти алоҳида таъкидланади. Миллий рухни ўзида акс эттирилган халқ қўшиқ, лапарлари болаларни оламни бадиий хис ва идрок этишларига, завқланишларига ёрдам беради. Мусиқа образларга муовиқ турли

тавсифдаги ҳаракат ва рақсларни, ўйинда эса турли образларни тасвираш мұхим ахамияттағы әгадир. Чунки ҳаракат мусиқий қобилиятни шакллантириш ва жисмоний ривожлантиришда жуда мұхимдір. Ҳаракатда асарнинг бадији мазмуни, кайфияти акс эттирилади. Күй, ритм, тембр, регистр, темп, динамика тусларини ҳис этган ҳолда қўл, оёқ, гавда қоматларни мусиқага мос равишда ҳаракатлантириш мусиқий – эстетик ва жисмоний тарбия ўртасида узвий боқлиқликни таъмин этади.

Болалар чолғу асбобларидан, айниқса, ўзбек чолғу асбобларидан ижро этилган ранг – баранг оҳанглар болаларни созларнинг жарангдор овози билан танишитиради. Уларда ажабланиш, завқланиш, қувониш каби ижобий рухий холатлар вужудга келади. Дастан мазмунида чолғу созлари билан танишитириш билан бирга, билимлар ёшига мос бўлган урма чолғу созлар ва мусиқий ўйинчоқлар ёрдамида оддий ижрочилик усулларини бажара олишга ўргатиш вазифалари қўйилади.

Боғча ёшида боларнинг мусиқий ижодкорлигининг дастлабки куртаги намоён бўла бошлайди. Иқтидорли болалар оддий қўшиқ, ўрганган рақс, ҳаракат турини мустақил яратган ижодларига мужассамлантирадилар, турли



образларни янгича талқин этадилар, давра ўйинларида таъсирчан хусусиятларини ўйлаб топадилар, ижодий ютуқларидан завқланадилар ва мамнун бўладилар. Мусиқа фаолиятидаги бундай мустақилликнинг одимлари болаларимизни ёшлиқданоқ санъатнинг сехрли оламида завқланишга, гўзал оҳанглардан лаззатланишга, мусиқани меҳр билан севиб, имконият даражаларини намойиш этишга чорлайди.

Байрам эртаклари – болаларни бадији тарбиялаш шаклларидан бири. Байрам эртакларининг мақсади болаларни нафосат оламига олиб кириш, уларда ажойиб ёрқин таассуротлар қодириш: болаларда керакли байрам кайфиятини туғдириш, уларга шодлик баҳш этиш ва ижодкорлик завқини ҳосил этишдан иборатдир.

Ижодий ёндашув тўғри ташкил қилинган байрам ва байрам шаклидаги тадбирлар (ўйин кулгилар, концертлар, сайл, асқия, кулги дамлари нафосат соатлари, турли театр томошалари, қизиқарли ўйинлар, спорт мусобақа беллашувлари) болаларни кичик ёшдан бошлаб қўнгил

очар ўйин ва байрам эртакларининг моҳиятини англаб этиш, маънавий озуқа олиш, тасавурни бойитишга хизмат қилади.

Ҳар бир гурухнинг ёши ва идрок этиш даражасига муофиқ байрам эртаклари ва уюуштириладиган ўйин кулгуларни ўтказиш мундарижаси таълим – тарбия мазмунида ўз аксини топган. Мусиқа раҳбари болаларга фақат билим берибгина қолмасдан, балки уларни янги ажойиб дунё – мусиқа оламига олиб киради, санъатга қизиқтиради, уни севишга ўргатади. Яхши ташкил қилинган мусиқий тарбия жараёни болаларни баркамол инсон қилиб ўстиришда кўмаклашади.

Бу ишда болалар боғчасининг педагогик жамоаси иштироки ва фаоллиги ҳам муҳимдир. Болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиб, машғулотлар учун гигиеник талабларга жавоб берадиган даражада шарт – шароитларини яратиш, эрталиклар ва байрамтадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга фаол қатнашиш боғча раҳбарияти ва тарбиячиларнинг педагогик бурчидир.

Қобилиятларнинг комплекси мусиқавийликди мусиқий тарбиянинг З та асосий омили мавжуд.

1.Ладни ҳис қилиш, эмоқия орқаликүй оҳангтини лад функцияларини ажратиш.

2.Эшитиш қобилиятининг яхшилиги, яъни эшитиш орқали куйни ҳис қила олиш.

3.Мусиқавий ритмик қобилият яъни куйни фаол ҳис қила олиш қобилияти. Куйни куй усулини ҳис қила олиш ва уни харакат орқали курсата олиш.

### **3.3.Тарбиячиларнинг фаолиятини ташкил этиш методикаси**

Мусиқавийлик-алоҳида ва ўзига ҳос ҳусусият бўлиб, у мусиқага нисбатан эмоқионал жавоб ҳиссининг пайдо бўлиши, унда ўзига ҳос ифода этилган мазмунни кўра олишдир. Психологлар инсоннинг бу ҳусусиятнинг шаклланишига илк болалик давларида - уч ёшгача бўлган даврда асос солинишини таъкидлайдилар.

Болаларнинг вақтларини тўғри тақсимлаш, уларга керакли билимларни беришда, мактабгача таълим муасасасида педагогик вазифаларни тўғри кўйиш мухим.

Мусиқага қабул қилинадиган (tinglash орқали) обьект ёки ўқув фани сифатида ҳам қараш мумкин. Шунингдек, унга бошқа томондан, яъни кундалик, ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас (худди уйқу ва овқат каби) бир бўлаги сифатида ёндошиш ҳам мумкин.

Мусиқа инсонга бевосита ва кучли эмоқионал таъсир этувчи воситадир. Инсоннинг ҳиссий кечинмалари билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар аксарият ҳолларда мусиқа билан ҳамоҳанг тарзда кечади.

Демак, мактабгача ёш давриданоқ, болаларга мусиқанинг инсон ҳиссиётларини қитиқловчи ифодавий воситаларини ҳис қилишларига имкон бериш ва шунга ўргатиб бориш мухимдир. Бироқ ушбу вазифани ҳал этиш учун бир ҳафтада икки маротаба олиб бориладиган мусиқа машғулотларининг ўзи асло кифоя қилмайди. Шунинг учун ҳам юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш иши мусиқа раҳбаридан қўра қўпроқ тарбиячининг зиммасига тушади. Айнан тарбиячи, мусиқани турли шакл ва

кўринишда, гурухнинг кундалик ҳаётига олиб киради. Гурухга мусиқани қандай шаклларда олиб кириш мумкин?

Бу ижрочиликнинг энг оддий, содда ва ҳар бир инсонга хос бўлган шакли. Азал-азалдан куйлаш инсоннинг ҳаёти давомида, унинг қайси ижтимоий қатламдан келиб чиқишидан қатъий назар, унга ҳамроҳ бўлиб келган.



Она алласи, эркаламалар, бирор иш ёки юмушни бажариш давомидаги меҳнат қўшиқлари, турли маросим, байрам ва сайлларга оид қўшиқлар шулар жумдасидандир. Ўзбек миллати, оиласда фарзанд дунёга келган илк кунларида, унинг қулоқларига аzon айттиради. Азон сураси ҳам Қуръони Каримнинг бошқа сўралари каби маълум бир оҳангга солиб, қироат билан айтилади. Демак, аzonни алла билан бир қаторда, инсон дунёга келиб эшитган илк қўшиғи деб ҳам айтишимиз мумкин. Қўшиқ-боланинг мусиқа оламига олиб киравчи илк мусиқий шаклдир. Қўшиқ инсоннинг психоэмоқионал мувозанатга келтирувчи бир восита эканлигини она алласини тинглаб, тинчланувчи ва осуда уйқуга кетувчи гўдакни кузата туриб тўлиқ ишонч билан айтишимиз мумкин. Бу борада шарқ ва ғарб дунёсининг машҳур алломалари бир қатор изланишлар олиб борганлар. Улар ёшларга таълим-тарбия берибина қолмай, ўз ишларига изодшларни этиштириш учун ташкил қилган масканларида, мусиқа инсоннинг руҳига таъсир этувчи восита эканлигини таъкидлаганлар. Масалан, И.С.Бахнинг: «Мусиқанинг мақсади-юракларга таъсир этиш» ёки Л. Бетховеннинг: «Мусиқа инсонлар қалбини оловлантириши лозим» деган

сўзларини мисол қилишнинг ўзи бошқа далил ва исботга хожат қолдирмайди.

Мусиқа ёрдамида инсон рухини бокира, гўзал, олижаноб ёки аксинча туйғуларга созлаш (худди чолғу асбоби каби) мумкин.

Тарбиячи ўзи фаолият олиб бораётган гуруҳда шундай мухитни юзага келтириши лозимки, унда болаларнинг сўзлашлари, юришлари, ўйнашлари қанчалик табиий ҳол бўлса, куйлашлари ёки рақс тушишлари ҳам худди шундай табиий бир ҳолга айлансин. Бунда, тарбиячи ота-оналар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, боланинг юқоридаги ҳатти-ҳаракти оиласдаги катталар, ота-оналар томонидан ҳам табиий ҳолдек қабул қилинишига эришиш лозим.

Тарбиячи энг аввало ўзининг куйлай олишига ўзида ишонч ҳосил қилиши ва гуруҳда қуйлашни биринчи бўлиб бошлиши лозим. Буюк мутафаккир Абу Наср ал Фаробий: «Куйлаш-инсонга хос табиий ҳусусиятдир» деб таъкидлаган эдилар. Агар сиз кичик гуруҳданоқ таълимтарбия ишини ишни шундай шаклда йўлга қўйган бўлсангиз, демак гуруҳингизда куйлаш аллақачон таибий ҳолга айланиб бўлган. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар бир тарбиячи буни ўз гуруҳида амалга ошира олади ва бундан ўзи ҳам завқланади. Энг мухими-куйлаш вақтида ўзингизнинг руҳий ҳолатингиз ҳам ўзгаради: тинчланасиз, таскин топасиз, энг мухими, сизнинг бу ҳолатингиз болаларга ҳам ўтади. Айнан мана шунинг учун ҳам биз тарбиячилардан болаларга табиий, жонли овозда куйлашларини (турли ёзувлари тасмалардан фойланмаган ҳолда) илтимос қилиб қоламиз.

Шуни эслатиб ўтамизки, чолғу асбоби жўрлигисиз куйлаш, болаларнинг товуш баландлигини эшитиш ва фарқлаш қобилиятларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки куйлаш вақтида улар фақат бир товушнигина эшитадилар ва куй йўналишини кузатиб, уни илғаб олишлари, эслаб қолишлари анча енгиллашади.

Куйлаш болаларнинг товуш ҳосил қилиш аппаратларининг тўғри ривожланишига яхши имкон беради. Айрим бўғинларни куйлаш усули эса - нутқида нуқсони бўлган болалар билан логопед-тарбиячининг олиб борадиган ишида ҳам яхши натижада беради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг фаолияти катталарга тақлид қилишларини унутмаган ҳолда, тарбиячилар куйлаш вақтида сўзларни ютиб юбормасдан, дона-дона, аниқ талаффуз қилишларига доимий эътибор беришлари шарт.

Тарбиячилар билан мунтазам (якка тартибда) иш олиб бориш ҳамда гурух хонасида болалар билан тинглаш ва куйлаш учун репертуар танлашда уларга керакли ёрдам ва тавсияларни бериш-мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарининг мажбуриятига киради. Албатта мусиқа раҳбари тавсия

этган мусиқий материалдан ўзингизга ёқсан, энг аввало сизнинг ўзингизда эмоционал жавоб уйғота олган асарларни танлаб олиш ҳукуқи сизда қолади.

Демак, кундалик ҳаётнинг қайси онларида ва нималарни куйлаш мүмкін?

\* уйқу олдидан - аллалар;

\* меҳнати ва қўл ишини бажариш вақтида лирик ва осойишта оҳангдаги (халқ оғзаки ижоди намуналари ёки муаллифлик асарлари) қўшиқлар;

\* ўйин-давра қўшиқлари;

\* болалар хазил қўшиқлари;

\* табиат қўйнида-мавсумий, тақвимий айтим ва қўшиқлар;

\* эркаламалар;

Болалар учун репетуар танлашда унинг ҳақиқий бадиий қийматлилигига асосланинг! Шунингдек болаларнинг ҳаёт хавфсизликларини таъминлаш мақсадида уларга доимий тарзда, ёшларига мос ва тушунарли шаклларда куйлаш вақтида овқат емасликларини, сув ичмасликларини таъкидлаб туринг.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Қобилиятларнинг комплекси мусиқавийлиги
2. Мусиқий тарбиянинг 3 та асосий омили
3. Ладни ҳис қилиш, эмоқия орқали куй оҳанггини лад функцияларини ажратиш.
4. Эшитиш қобилиятининг яхшилиги, яъни эшитиш орқали куйни ҳис қила олиш.
5. Мусиқавий ритмик қобилият яъни куйни фаол ҳис қила олиш қобилияти.
6. Куйни куй усулини ҳис қила олиш ва уни ҳаракат орқали курсата олиш.
7. Тарбиячиларнинг фаолиятини ташкил этиш методикаси
8. Мусиқа инсонга бевосита ва кучли эмоционал таъсир этувчи воситадир.
9. Уйқу олдидан - аллалар;
10. Меҳнати ва қўл ишини бажариш вақтида лирик ва осойишта оҳангдаги (халқ оғзаки ижоди намуналари ёки муаллифлик асарлари) қўшиқлар;
11. Ўйин-давра қўшиқлари;
12. Болалар хазил қўшиқлари;
13. Табиат қўйнида-мавсумий, тақвимий айтим ва қўшиқлар;
14. Эркаламалар айтиш;
15. Болалар учун репертуар танлашда унинг ҳақиқий бадиий қийматлилигига асосланиши

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Апраксина О. Методика музыкального воспитания в школе. Москва , 2003.
2. Апраксина.О.А. Методика музыкального воспитания в школе. (Учебное пособие для пед. институтов по спец. 2119 «Музыки и пение») - М.: Просвещение, 2003-222с.
3. Методика преподавания музыкальных дисциплин: Сб. статей. -Т.: Ўқитувчи. 2009. -95 с.
4. Музыкальная психология: Учебное пособие. / автор сост. Кадиров Р.Г., -Т.: Музыка, 2005. -80 с.
5. Музыкальное воспитание в школе. Вып.19.: Сб. статей. / Состав. О.Апраксина. М.: Музыка, 2007. -110 с.
6. Орипова Р. Усмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш (мактабдан ташқари муассасалардаги мусиқий тўгараклар мисолида). Т., 2007, -76 бет.
7. Соипова Д. Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси Ўқув методик қўлланма 2009 УзДК
8. Ҳасанбоев Ж.Ю. Педагогика назарияси. Маъruzza матни. Т. 2002 й.
9. Шарипова Г.Мусиқа ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. 2000 й.
10. Зимина А.Н.Основы музыкального воспитания и развития. М. 2000 й.Интернет манбалари:
11. Н.Норхўжаев, Ҳ.Раҳимов Ўзбекистон Ватаним маним. Т. 2009 й.

## **2-МАВЗУ: МУСИҚА МАШГУЛОТЛАРДА ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **РЕЖА**

1. Мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги болалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида

2. Боланинг умумий ривожланиши учун оила ва МТМда ҳамкорлигига ота-оналар

3. Болаларнинг мустақил мусиқий қобилиятини ривожланишига оила ва мактабгача таълим муассасасининг таъсири

#### **2.1. Мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги болалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида.**

Мусиқа машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, мусиқий тарбия ишларни олиб боришда ота-она, психолог, тарбиячилар, жисмоний тарбия йўриқчиси ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорлик. Тарбияланувчиларда хонандалик ва чолғу ижроилиги маҳоратини эгаллашга бўлган қизиқиши ва уларни тўғри йўналтириш борасидаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш стратегиялари. Овоз, овоз аппаратлари тузилиши, бармоқ билан ишлаш, хис этиш, эшитиш хиссиётларини тўғри йўналтириш, бу борада мусиқа раҳбари олдида турган вазифалар.

Мусиқа санъати жуда қадимзамонларда юзага келган ва барча халқларда инсоннинг шахсий фазилатлари, маънавий олами, эстетик дидини шакллантиришнинг муҳим ва ўрнини бирор нарса билан тўлдириб бўлмайдиган восита сифатида тан олинган. Турли даврларда яратилган



музиқалар ҳис-туйғу ифодалashi, ҳаётни акс эттириши, инсон ҳаёлотини ўстириши, мазмун диапазони кенглиги билан тингловчининг ҳиссёт оламини бойитади, уни илохий бир оламга олиб киради.

Санъат турлари инсонга таъсир этишнинг ранг-баранг

ўзига хос воситаларига эга, мусиқа болага жуда эрта даврдан (гўдакликдан) таъсир кўрсатиш хусусияти билан бошқаларидан ажралиб туради. Маълумки, ҳомила даври боланинг кейинги ривожи учун фавқулодда муҳим

бўлиб, бўлажак она тинглаган мусиқа гўдакнинг ўзини яхши ҳис қилишига таъсир кўрсата олади, эҳтимол, унинг эстетик диди, гўзалликни илғай олиш хислатларини шакллантиради. Шу боис оила боланинг аста-секин мусиқий фаолият (идрок, ижро, ижод) турларини эгаллаш жараёнида уларга табиатан берилган турли табиий иқтидорларини ривожлантириш ва юзага чиқаришда муҳим бўғин ҳисобланади. Инсоннинг мусиқа санъати билан жиддий шуғулланиши учун мактабгача ёш даври фавқулодда муҳим.

Мактабгача таълим муассасасида бола оиласда мусиқага оид эгаллаган айрим билим, кўникма ва малакаларни чуқурлаштириш, болалар мусиқа санъатига ошно бўлиш имконига эга бўлади. МТМда мусиқий тарбия жараёнида бу билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга асосий мақсад сифатида қарамасдан, балки болада мусиқий-эстетик онг элементларини шакллантириш орқали унинг қизиқишлигини эҳтиёж даражасига олиб чиқишга кўмаклашиши лозим. Мусиқий-эстетик фаолият давомида мусиқий-эстетик онг шаклланган бўлса, бу боланинг кейинги ривожида, унинг умумий маънавий камолотида акс этмасдан қолмайди.

Шунингдек, МТМда бола ҳислари, қизиқиш ва дидини ривожлантириш билан билан бир қаторда уни мусиқа маданиятига ошно қилиш, эстетик идрок, мусиқий ва поэтик эшитишни, табиат, мусиқий ва тасвирий санъат асарлари гўзалликларини идрок қилиш қобилиятини ривожлантиради, тасаввурни, ҳиссий реакцияларни фаоллаштиради.

МТМда мусиқий тарбия билан шуғулланганда боланинг умумий ривожланишини ёддан чиқармаслик лозим. Бу ёшдаги болалар инсоннинг реал ҳаётда мавжуд кечинмалари ҳақида у қадар кўп тасаввурга эга эмас, инсон ҳиссиётлари ва унинг барча қирраларини ифодалаган мусиқа эса бу тасаввурларнинг кенгайишига кўмаклашади.

Мусиқий маданият асосларини шакллантириш мактабгача ёш даврида бошланади. Мусиқий боланинг умумий ривожланишида муҳим омил саналади: эмоқионал муҳит шаклланади, тафаккур ривожланади, бола санъат ва ҳаётдаги гўзалликка нисбатан сезгир бўлади. Боланинг мусиқий ривожланишида мактабгача таълим муассасаси педагогик жамоаси ва отаоналар катта рол ўйнайди, чунки МТМда кундалик ҳаёти ва оиласда боланинг мусиқий таассуротларини бойитиш, мусиқий фаолиятини турли шаклларда амалга оширишнинг турли шакллари мавжуд.

Оилалар турли даражадаги ижтимоий маданиятга эга. Айрим оилаларда мусиқага ҳурмат билан муносабатда бўлиб, болаларга мусиқий маълумот бериш, уларнинг қобилиятини ривожлантиришга ҳаракат қилинади, бошқа оилаларда эса мусиқий тарбияга нисбатан эътибор кам. Бу албатта ижтимоий табиий ҳол.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий қобилияtlари комплекс ва тўлақонли ривожланиши учун ота-оналарнинг ёрдами жуда зарур. Оила – боланинг шахсий сифатлари пойдевори қўйиладиган биринчи ижтимоий институт, айнан оиласда бола бошқалар билан умумий, ҳақиқий ижтимоий хаёт кечириш: қувонч ва аламни баҳам кўриш, яқинлари билан бирдамликни ҳис қилишга ўрганади. Айни пайтда оиласдаги ҳиссёtlар совуқлиги боланинг психологик ривожланиши ва ижодий қобилияtlари, таълим, мулоқот самарадорлигига салбий таъсир ўтказишини унутмаслик лозим. Шу сабабли МТМда педагоглари боланинг тўлақонли ривожланиши учун ўзаро ҳамкорлик ва биргаликдаги ишни йўлга қўйиши лозим.

МТМга қатнайдиган болаларда мусиқий тарбияни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- боладан МТМда ўзлаштирган қўшиқ, шеър ва рақсларини такрорлашни сўраш;

таассуротларини суратларда ифодалаб бериш;

- оиласда мусиқа чолғу асбобларини сақлаш;

- оиласда боланинг иқтидори ривожланиши учун мақбул шароит, ижодий муҳит яратиш;

- ота-она, буви ва буваси билан бирга ижро қилишни тез-



тез уюштириб туриш;

- техник воситалари: радио, телевидение, аудио-, видеоёзувлар, компьютер, караоке тинглаш, томоша қилиш.

## **2.2.Боланинг умумий ривожланиши учун оила ва МТМда**

### **ҳамкорлигига ота-оналар**

Боланинг умумий ривожланиши учун оила ва МТМда ҳамкорлигига ота-оналар (катталар) болаларнинг мусиқий асарларни эшлишига қизиқишини қўллаб-куватлаши, бунда ўзларида мавжуд ёзувлар билан бир қаторда МТМ мусиқа раҳбари тақдим қилганларидан самарали фойдаланиш, бундан ташқари, МТМда ходимлари ота-оналар учун конқерталарга билетлар харид қилишни ташқил этиши муҳим аҳамиятга эга.

МТМда жамоаси мусиқа ва санъат мактаби мутахассислари билан яқин ҳамкорлик қилиши, улар ёрдамида бевосита МТМ иштирокчилари ижросида турли байрам тадбирлари бадиий қисмларини уюштиришлари ҳам боланинг мусиқий таомилида ўзига хос аҳамият касб этади.

МТМда ва оила олдида турган мухим вазифалардан бири мусиқани бадиий (адабий) асар, рангтасвир ва театр билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳисобланади. Бу мақсадда ота-оналар билан бамаслаҳат болалар театрлари, болалар мусиқа дасталари га ташрифлар уюштириш, боғчада санъат асарлари кўргазмаларини ташкил қилиш, бу борадаги дунё тажрибаси билан танишиш ўта мухим. Шунингдек, ота-оналари билан бирга болалар кичик концертлар, театр постановкалари, адабий-музиқий композицияларда иштирок этишини ташкил қилиш боланинг санъат билан ошнолигини таъминлашга хизмат қилади.

Ота-оналар билан ҳамкорликни йўлга қўйишида уларнинг ўз болалари билан олган мусиқий таассуротлари бўйича мулоқотга ўргатиш жуда мухим. Шу боис оиладамусиқий фаолиятга нисбатан кичик бўлсада ижобий микромуҳит шаклланиши лозим. Бола ўзини кичик, аммо барча бошлаган ижодий ишларида ўзининг оиланинг бошқа аъзолари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланишини ҳар доим ҳис қилиши лозим.

МТМда мусиқа раҳбарининг бола мусиқий тарбиясида амалга ошираётган ишлари мақсад ва вазифалари ота-оналар учун тушунарли бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда, ота-оналар (оила) билан МТМ ҳамкорлик фаолияти ўзаро уйғунликда кечиши талаб этилади. Бу ҳамкорликдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳар бир болада бўлиши мумкин бўлган иқтидор ва талантни ўз вақтида илғай олиш ва бундай болаларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришини мақсадли йўналтиришдан иборат.

Бу борада қуйидаги асосий вазифаларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришни ўрганиш ва қонуниятларини аниқлаш;
- мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик шартларини аниқлаш;
- болаларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришда МТМ ва оила ҳамкорлигининг нисбатан самарали шаклларини белшгилаш;
- болаларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган МТМ ва оила ҳамкорлиги хусусиятларини ўрганиш.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришга оид ишлар самарадорлиги МТМ ва оиланинг:

- ота-оналар томонидан фаоллик ва ташабbus кўрсатилиши;
- ота-оналар билан мусиқий маърифатчилик соҳасида доимий ва тизимли иш олиб бориш каби шартларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинган ўзаро ҳамкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Хулоса сифатида айтиш керакки, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи кун сайин ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Келажак юксак интеллектуал салоҳият, билим ва тафаккурга эга бўлган ёшларники. миллатницидир”. Фарзандларимизнинг мусиқа соҳасида юксак чўққиларини эгаллашларида, уларнинг юқори интеллектуал заковатга эга бўлишларида мусиқа таълими муҳим аҳамият касб этади. Бунга эришишнинг асосий воситаларидан бири оила ва МТМнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйишдан иборатdir.

## **2.3 Болаларнинг мустақил мусиқий қобилиятини ривожланишига оила ва мактабгача таълим муассасасининг таъсири**

Мусиқий маданият халқ маънавий дунёсининг ажралмас қисми бўлиб, унинг маънавий эҳтиёжини барча даврларда қондирган ва ҳар доим ҳамдард бўлган, beminnat хизмат килган. Зоро, бугунги мустақиллик давримизда ҳам ўзининг маънавий бурчини муқаддас билиб, халқимизга хизмат килмоқда. Шунинг учун ҳам мусиқа маданиятимиз бугунги куннинг улкан ижод майдонига айланди.

Шу боисдан мусиқий тарбияни оила, мактабгача таълим муасасалари ҳамда бошланғич синфдан бошлаб болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда тизимли тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил мусиқий фаолият, болаларнинг ўзларича ҳиргойи қилишда, ўзларича мустақил мусиқа тинглашларида, ўзларича чолғу асбобларининг бирор тури билан шуғулланишида актёрлар, хонандалар, қизиқчилар қилиқлари, овозларига тақлид қилишларида кўринади. Улар ўзларича турли ўзларига ёқкан қўшиқларни ҳиргойи қилиб куйладилар, ўша ашула ижросининг оҳангига, овозига ва қилиқларига ўхшатиб ҳаракат қилишга интиладилар. Ўзларича радио, телевизор ёки плеерларда турли мусиқаларни тинглайдилар. Баъзи болалар чолғу асбоблари чалишга, агар чолғу асбоблари бўлмай қолса, шу чолғу асбобини чалиб кўрсатишга интиладилар. Ўзлари ёқтирган актёр ёки қизиқчилар сўзлари таҳлидан ҳаракатлар бажаради ва хакозо. Шундай ҳолатлар мустақил мусиқий фаолият кўринишлари ҳисобланади.

Болалар мустақил фаолиятини қаердан ўрганадилар. Бундай фаолият манбалари қаерда мустақил мусиқий фаолият манбаларини уч тоифага бўлиш мумкин.

1. Мактабдан оладиган мусиқий манбалар.
2. Оиладан оладиган.

### 3. Мактаб ва оиладан ташқари оладиган мусиқий манбалар.

Мактаб, МТМда машғулот, мусиқа тўгараги, мусиқий тадбирлар мустақил мусиқий фаолият манбалари ҳисобланади. Болалар ўша жараёнларда эшитган ва кўрганларига тақлид қиласидар. Оилада радио эшитиши, телевизор, видео концертлар кўриши мумкин. Мактаб ва оиладан ташқари болалар кўча-куйда, театр, кинотеатр, оммавий сайллар, бозор ва бошқа жойларда, тўй ва маросим бўлиши ва у жараёнда эшитган ва кўрган мусиқий чиқишиларга тақлид қилиши мумкин. Мустақил мусиқий фаолиятнинг болалар қизиқишиларидан пайдо бўлишига эътиборни қаратишимиш лозим. Демак болалар мусиқий фаолиятнинг у ёки бу турига қизиқар эканларки, шу кўрган ва эшитган мусиқий жараёнини хотираларида сақлаб қолаяптилар. Биз педагоглар болалар мустақил мусиқий фаолиятини қандай баҳоламоғимиз лозим.

Албатта мустақил мусиқий фаолиятга ижобий баҳо бермоқ лозим. Зеро бу фаолият болаларни имкон қадар мустақил бўлишга ўргатади. Тасаввур қилинг бирор ишни ўзи фикрлаб, бажара олмайдиган, қачон тепасида туриб буйруқ бериб турсангиз бирор иш қиласди акс ҳолда ўзича бир иш қилолмайдиган шахсларнинг вояга етишганидан на ота-она ва на жамият манфаатдор. Жамиятга ўзларича ташаббус қўрсатувчи янгиликлар яратувчи ифтихорлар, кашфиётлар қилувчи соғлом, ҳаракатчан фуқаролар керак. Шундай экан мустақил мусиқий фаолият педагогдан кузатувчанликни, сезгириликни талаб қиласди. Зеро педагоглар мустақил мусиқий фаолиятини ижобий баҳолаши бундай фаолият кўрсатаётган болаларга тўғри муносабатда бўлишиб уларни турли йўллар билан рағбатлантириб бошқаларга намуна қилиб кўрсатиши боланинг бундай фолият тури билан шуғулланишдан манфаатдор эканликларини англишиши келажакда улардан буюк ижодкорлар ва санъатнинг кўзга кўринган

намоёндалари чиқиши мумкинлигига ишонтира олиши лозимдир. Дарҳақиқат, бола қанчалар мусиқий тушунчани мустақил фикрлаб, амалда бажаришга ҳаракат қиласа, мусиқий қобилиятигининг ривожланиши ҳам шунчалар мувоффақиятли бўлади.

Бола ва унинг қобилиятларининг ўсиши



катта киши томонидан уюштириладиган фаолиятда: қўшиқ, ритмика, музика тинглаш ва музика асбобларини чалишда содир бўлади. Болалар ўзларининг мусиқа эшлиши тажрибалари асосида ўз тасаввурларини қўшиқ, ўйин, рақс ижодида намоён қилишга ва музика саводининг оддий элемантларини эгаллашга қодирдир. Шу билан бирга фаолиятининг ҳар бир тури умуман музика қобилятларининг ўсишига, маҳсус қобилятларнинг шаклланишига, масалан: ашула айтиш, ашулачилик овози ва куй қобилятларининг таркиб топишига ёрдам беради.

Буларнинг барчаси турли ташкилий шаклларда: машғулотларда, ўқишдан ташқари ишларда (болалар боғчаси турмушида музика) ва мустақил фаолиятларида бўлиб ўтади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

- 1.МТМда мусиқий тарбия билан шуғулланганда боланинг умумий ривожланишини
- 2.Техник воситалари: радио, телевидение, аудио-, видеоёзувлар, компьютер, караоке тинглаш, томоша қилиш.
- 3.Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий қобилятларини ривожлантиришни ўрганиш ва қонуниятларини аниқлаш;
- 4.Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий қобилятларини ривожлантиришнинг педагогик шартларини аниқлаш;
- 5.Болаларнинг мусиқий қобилятларини ривожлантиришда МТМ ва оила ҳамкорлигининг нисбатан самарали шаклларини белгилаш;
- 6.Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий қобилятларини ривожлантиришга оид ишлар самарадорлиги МТМ ва оиланинг ўрни:

## **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАРИ**

- 1.Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
2. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. RegionalPrintingCenter. 2004
3. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.
4. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008.– 208 б.
- 5.Иноятов И У.,Муслимов Н.А ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т.

6. Mishael Pilhofer and Holly Day “Music Theory for dummies” Indiana USA 2007. Wiley Publishing Inc.

7. Cat’rine Sadolin. Complete vocal technique. 2012.  
www.Completevocalinstitute.com

### **3 – МАВЗУ: МТМЛАРИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ГУРУХЛАРИ БОЛАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ МЕТОДИКАСИ**

#### **РЕЖА**

1. Қисқа муддатли гурухларни ташкил этишда умумий қоидалари ва тартиби
2. Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий таълим-тарбиянинг асосий мақсади
3. Мусиқа машғулотларини ташкил этиш методикаси

#### **3.1. Қисқа муддатли гурухларни ташкил этишда умумий қоидалари ва тартиби**

##### **I. Умумий қоидалар**

1. “Қисқа муддатли гурухларни ташкил этиш”да Низомида мактабгача таълим муассасаларига (кейинги ўринларда матнда «мактабгача муассасалар» деб юритилади) қатнамайдиган мактабгача ёшдаги болаларнинг қисқа муддатли (4-5 соат) гурухлари фаолиятини тартиба солиш учун йўналтирилган.
2. Мактабгача муассасалар негизида ташкил этиладиган қисқа муддатли гурухларнинг мақсади мактабгача муассасаларга қатнамайдиган болаларни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш, уларда мактаб таълимига тайёргарлик асосларини шакллантириш ҳисобланади.

*3. Мактабгача муассасада қўйидағи қисқа муддатли гурухлар фаолият кўрсатилиши мумкин:*

- 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 20 нафардан кам бўлмаган, бироқ 25 нафардан ортиқ бўлмаган болалар учун — «Ривожлантириш гурухи». Гурух болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларни тенгдошлар ва катта ёшли болалар жамоасига мослаштириш мақсадида ташкил этилади;
- 5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар сони 20 нафардан кам бўлмаган, бироқ 25 нафардан ортиқ бўлмаган болалар учун — «Келажақдаги ўқувчи» гурухи. Гурух мактабгача катта ёшдаги болаларни таълим муассасасида умумий ўрта таълимга ўқитишига тайёрлаш мақсадида ташкил этилади;
- ўқитиши ўз она тилида олиб борилмайдиган болалар учун болалар сони 20 нафардан кам бўлмаган, бироқ 25 нафардан ортиқ бўлмаган гурух;
- 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 15 нафардан кам бўлмаган, бироқ 20 нафардан ортиқ бўлмаган болалар учун — «Интеграллашган гурух».

Гурухда соғлом болалар билан биргаликда, шунингдек «рухий ривожланиши суст» ташхисли болалар ҳам («рухий ривожланиши суст» ташхисли болалар сони 3 нафардан ортиқ бўлмаслиги лозим) қатнашади. Гурух болаларни жамиятга мослаштириш, ривожланишида руҳий нуқсони бўлган болаларга мунтазам равишида руҳий-тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни тарбиялаш ва ўқитиш, ота-оналарни консультатив-методик қўллаб-кувватлаш мақсадида ташкил этилади. Болаларни ўқитиш якка тартибдаги режа бўйича амалга оширилади. Бемор болалар билан ишлаганлиги учун тарбиячи ва тарбиячининг ёрдамчисига қўшимча ҳақ берилмайди;

4 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар сони 15 нафардан кам бўлмаган, бироқ 20 нафардан ортиқ бўлмаган ногирон болалар учун — «Муаммоли бола» гурухи. Гурух ногирон болаларга мунтазам равишида руҳий-тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш, болаларни таълим жараёнига жалб этиш, ижтимоий мослаштириш, болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ташкил этишида ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилади. Мазкур гурухда ногирон болалар билан биргаликда соғлом болалар ҳам бўлиши мумкин. Ногирон болалар (аклий етуклиги сақланган) сони 3 нафардан кам бўлмаслиги лозим. Ногирон болалар билан ишлаганлиги учун тарбиячи ва тарбиячининг ёрдамчисига қўшимча ҳақ берилмайди.

4. Қисқа муддатли гурухлардаги болаларга қараганлиги учун тўлов ота-оналар (ёки уларни ўрнини босувчи шахслар) томонидан, шунингдек хайр-эҳсон қилувчилар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Тўловлар банк муассасаларида очилган ҳисоб рақамларига тўланади.

5. Таркибида қисқа муддатли гурух мавжуд бўлган мактабгача таълим муассасаси таълим жараёни вақтида болалар, гурух ходимлари ҳаёти ва соғлиги учун, уни ташкил этиш шакллари, методлари ва воситаларининг болаларнинг ёши ва руҳий-физиологик имкониятларига мувофиқлиги учун жавоб беради.

#### *II. Қисқа муддатли гурухларни ташкил этиши тартиби*

6. Мактабгача ёшдаги болалар учун мактабгача таълим муассасаларида зарур моддий-техника шароитлари ва кадрлар таъминоти (ажратилган маблағлар доирасида) мавжуд бўлганда ҳар қандай турдаги қисқа муддатли гурухлар ташкил этилади. Бинолар педагогика ва санитария-гигиена талабларига, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бериши лозим.

7. Мактабгача муассасада қисқа муддатли гурухлар сони тегишли равишида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси

томонидан, санитария нормаларини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг эҳтиёжига ҳамда таълим жараёнини таъминлаш учун яратилган шартшароитларга қараб белгиланади.

8. Қисқа муддатли гурухлар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шахар) бўлими буйруғи билан ташкил этилади.

9. Қисқа муддатли гурухлар очиш учун қўйидагилар зарур:  
ота-оналар (уларни ўрнини босувчи шахслар) билан шартнома;  
штатлар жадвали;

кун режими ва болаларнинг ҳаёт фаолиятини ташкил этиш тартиби;  
болалар рўйхати;  
таълим дастури.

10. Қисқа муддатли гурухларни тўлдириш бир хил ёшдаги болалар ҳамда турли ёшдаги болалар принципи бўйича амалга оширилади.

11. Қисқа муддатли гурухларга болаларни қабул қилиш ота-оналар аризаси, боланинг соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса асосида амалга оширилади.

12. Қисқа муддатли гурухларни тўлдиришда танлов асосида ҳамда тест синови бўйича қабул қилишга йўл қўйилмайди.

13. Қисқа муддатли гурухлар мавжуд бўлган таълим муассасаси ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар худудий халқ таълими бошқармасида ҳисоби юритиладиган, белгиланган тартибда тузилган шартнома билан тартибга солинади.

14. Қисқа муддатли гурухлар, гурухларнинг иш тартибига боғлиқ ҳолда, тарбияланувчиларни кунига бир марта (эрталабки ёки тушки нонушта) таомнома ва мактабгача таълим муассасалари учун овқатланиш пул нормаси бўйича овқатланишини ташкил этган ҳолда фаолият юритади.

15. Мактабгача таълим муассасаси штатлар жадвали, ушбу Низом билан киритиладиган қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда, Мактабгача таълим муассасаларининг намунавий штатлар жадвали асосида кўриб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда тегишли молия органида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Қисқа муддатли гурухлар учун қўйидаги штат бирликлари белгиланади:  
битта гурух учун — 0,5 бирлик тарбиячи;  
битта гурух учун — 0,25 бирлик тарбиячи ёрдамчиси;  
иккита гурух учун — 0,25 бирлик тиббий ҳамшира;  
иккита гурух учун — 0,25 бирлик мусика раҳбари.

16. Қисқа муддатли гурухларнинг қўйидаги турлари учун:  
«Келажақдаги ўқувчи» гурухи — битта гурух ҳисобига — 0,25 бирлик ўқитувчи-логопед;

«Интеграллашган гурӯҳ» — битта гурӯҳ учун (15—20 нафар болалар, шундан руҳий ривожланиши суст ташхисли — 3—5 нафар болалар) — 0,25 бирлик ўқитувчи-дефектолог;

«Муаммоли бола» гурӯҳи — битта гурӯҳ ҳисобига (15—20 нафар болалар, шундан 3—5 нафар ногирон болалар) — 0,25 бирлик ўқитувчи-логопед ёки 0,25 бирлик ўқитувчи дефектолог қўшимча штат бирликлари белгиланади.

### III. Таълим жараёнини ташкил этиш

17. Қисқа муддатли гурӯҳларда таълим жараёни шакли мактабгача таълим муассасасининг таълим дастурларида белгиланади.

18. Қисқа муддатли гурӯҳларда таълим жараёни боланинг алоҳида, шахсан йўналтирилган ривожланишини таъминлайдиган тез мослашувчан шакл ва педагогик технологияни ўз ичига олади.

19. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш болаларнинг имкониятлари, қизиқишлиари, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятнинг ҳар хил турларини ривожлантириш учун шароитлар яратишни назарда тутади.

20. Қисқа муддатли гурӯҳларда белгиланган тартибда ота-оналар ҳисобидан, асосий фаолиятдан ташқари, қўшимча таълим хизматлари ташкил этишга йўл қўйилади.

### **3.2 Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий таълим-тарбиянинг асосий мақсади**

Мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини бунёд этувчи, ватан истиқболи учун ўз улушини қўшувчи ҳар бир инсон маданий ва маърифий жихатдан бой, рухан гўзал бўлиши керак. Озод юртимизнинг равнақи ва келажаги ёшларга боғлиқ. Бунда, албатта оила, боғча, мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг роли бекиёсdir. Шахснинг ривожланишига салмоқли ва самарали таъсир кўрсатадиган, маданиятини юксалтирадиган муҳим омиллардан бири мусиқий таълим тарбия ҳисобланади. Чунки мусиқа кишини хуш фазилатли, самимий, зийрак, кўнгилчан, юксак ахлоқли фазилатли, ҳамда маданият, маънавият эгаси бўлиб этишишига ёрдам беради. Бундан ташқари мусиқа болалар рухиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Болаларни эшитиш қобилияти, кўриш хотираси, тафаккури, диққати ривожланади. Инсоннинг камолга етишига мусиқанинг бағоятда кучли таъсири шу қунларгина эмас, балки одамзод тараққиётининг барча босқичларида яққол намоён бўлиб келган. Бой мусиқий меросимиз, мақомлар ва ҳалқ қўшиқлари бир неча асрдан буён ҳалқни маънавий жихатдан юксалтиришдек олийжаноб вазифани бажариб келмоқда. Болалик даври - инсон дунёкараши, фикр хаёли, диди, салоҳияти шаклланишига замин яратадиган энг муҳим босқичдир.

2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётир. Хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада ривожлантириш, уларни капитал реконструкция қилиш, таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида мусикий таълимни ташкил этиш ва такомиллаштириш, бу борада давлат талабларини ишлаб чиқиш, ўкув дастурлари, қўлланмалар ва адабиётлар яратиш, мусиқа МТМни замон талаблари даражасидаги таъминлаш, соҳа мутахассислари ва педагогларнинг касб маҳорати ва малакасини юксалтириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мусиқа болаларни аклий ҳамда ахлокий ривожланишида катта ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мусиқа машғулотлари энг аввало, тарбия машғулоти дейилади. Янги дастур мазмунида машғулот ўтиш учун мусиқа раҳбарлар ўзининг мусикий ва назарий билимларини такомиллаштириши лозим. Бугунги кунда мусиқа инсонни шаклланишида муҳим роль уйнайди, унинг хиссиёти ва руҳиятига фаол таъсир кўрсатади.

Мактабгача таълим муассасаларида мусикий таълим-тарбиянинг асосий мақсади – болаларга мусика санъати гузаллик қонунлари асосида ўрганиш малакасини сингдириш ва уларга мусиқа маданиятини таркиб топтиришdir. Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа машғулотлари ахлоқий-эстетик тарбия бериш тизимининг ажралмас бир қисми бўлиб ҳисобланади. Мусика машғулотлари олиб бориладиган хонаси дид билан намунали жиҳозланган бўлиши муҳим роль уйнайди. Техника воситалари, методик кўргазмали қуроллар, пианино чолғу асбоби ва ўзбек халқ чолғу асбоблари билан жиҳозланган бўлиши, янги дастурдан фойдаланиб, машғулот режа конспектларини тузиб замонавий технологияни қўллаб олиб борилиши керак. Шундай қилиб, мусиқа машғулотларининг барча фаолиятларини мақсади ва мазмuni машғулотни мазмунларини ёритиб, ҳаёт билан боғлаб машғулотнинг ҳамма фаолиятлари бир-бири билан узвий олиб боришини талаб этилади.

### **2.3 Мусиқа машғулотларини ташкил этиш методикаси**

Мусика машғулоти бошқа машғулотлардан ўзининг бадиийлиги, қизиқарлилиги ва болаларга кўпроқ ижодий завқ, эмоционал туйғулар ва образли кечинмалар уйғотиши билан ажralиб туради. Шунинг учун мусиқа машғулоти энг аввало, тарбия машғулотидир.

Мусиқа машғулоти бешта фаолият туридан тузилади:

1. Қўшиқ ва ашулла кўйлаш.
2. Мусика саводи.
3. Мусиқа тинглаш.
4. Мусикага мос харакатларни бажариш.
5. Болалар чолғу асбобларида жур бўлишдан иборат.

*Кўшиқ ва ашулла кўйлаш Боланинг овозига шикаст етказмай, асраб-авайлаб, секин-аста ривожлантириши, қўшиқни зўриқмасдан, бақирмасдан, табиий, енгил, жарангдор ва ёқимли овозда, мусиқани ҳис қилган ҳолда кўйлашга ўргатишда давом этиши. Кўшиқ жумлалари орасида елкаларни кўттармасдан нафас олишига, қўшиқ сўзларини аниқ талаффуз қилишига; жамоада кўйлаётганда қўшиқни биргаликда бошлаб, биргаликда тугатишига алоҳида эътибор берииш (Н.Нажмиiddинов “Болалар ва гозлар”); якка кўйлаш малакасини шакллантириши. Болада вокал хор (товуши ҳосил қилиши, талаффуз, нафас, соф овоз, ансамбль) малакаларини шакллантириши (Н.Норхўжсаев “Наврўзим, шўх созим”). Болани мустақил оҳанг ўйлаб топшишига ва қўшиқни импровизация қилишига (Д.Омонуллаева “Бувижоним”) ўргатиш. Боланинг ёш хусусиятлари ва овоз диапозонини ҳисобга олган ҳолда репертуар танлаш, қўшиқ матнини ёдлаш ва оҳангини аниқ ифода этишига, қўшиқнинг банд ва нақорот қисмларини фарқлай олишига, чолгу асбоби жўрлигидага ёки жўрлигисиз кўйлашга ўргатиш болаларни мусикий ижоди, кобилиятини ривожлантиришда айникса, вокал-хор ишларининг аҳамияти катта. Бунда болаларни кўйлашга қизиқтира олиш кўп жиҳатдан ўрганадиган ҳар бир машқ ёки қушиқ бола томонидан чиройли килиб кўйлаб беришга боғлиқ. Шунинг учун мусиқа раҳбари ёқимли овози устида мунтазам иш олиб бориши керак.*

*Мусиқа саводи* қўйидаги боскичлар бўйича ўргатилади.

1. Болалар диққатини мусиқа ифода воситалари – куй, регистр, темп, ритм, динамик белгилар ўргатиш.
2. Овоз созлаш ва қушиқ ижро этиш коидаларига доир билимлар, чапак ва чолғу асбоблар чалиш қоидаларига амал қилишга ўргатиш.
3. Мусика ижодкорлари: «композитор», «ижрочи», «tinglovchi» мавзунинг мазмуни ва урганиладиган асарнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотлар, мусиқа саводи оркали амалга оширилади. Дутор, рубоб, карнай, най, чанг ва доира чолғулари билан таништириш, уларда чалиш усуллари ва қайси гурӯҳга мансуб эканлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш. “Фортэ” ва “пиано” белгиларининг аҳамияти ҳақида тушунча бериш. Болага оркестр ва унинг турлари, дирижёр ва унинг вазифаси ҳақида умумий

тушунчалар бериш. Регистр, товуш баландлиги ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Якка, дуэт, ва ансамбл ижрочилигини билиш ва аниқлаш қобилиятини ривожлантириш.

**Мусиқа тинглаш.** Мусиқа тинглаш, мусиқа маданияти машғулотларининг асосий омили ҳисобланади, чунки мусиқанинг янграши онгли равиша идрок этилиб, унинг характери, мазмуни онгли равиша ўзлаштирилади. Ўкувчиларни ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда ҳар бир мусиқа асари замирида маълум, хис-туйгу ва фикр акс эттирилади. Биз мусиқа машғулотининг кайси фаолиятини олмайлик, у аввал мусиқани тинглаб, мусикани идрок этишдан бошланади ва ўкувчиларнинг рухиятига таъсир этади, шунинг учун мусиқа тинглаш машғулотининг етакчи фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Мусиқа воситасида боланинг ички дунёсини бойитиш, эстетик дидини ўстириш, мусиқий тафаккур ва хотирани ривожлантириш; мусиқа маданиятини шакллантириш (таникли композиторлар - Н.Норхўжаев, Д. Омонуллаева ҳамда миллий ва замонавий мусиқа билан таништириш) да давом этиш. Миллий куйлардаги жозибани, гўзалликни, ёрқин ифода воситаларини ҳис қилиш, мусиқа мазмунини англаш, 2-3 қисмли шаклни мустақил фарқлай олиш кўникмасини; она- Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ва фахр туйғуларини (М.Бурхонов “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси”; Д. Омонуллаева “Туркистон фарзандимиз”; М. Дадабоев “Ўзбекистон мустақил”) шакллантириш.

Мусиқа асарининг кириш, бошланиш, нақарот ва хотима қисмини, айрим темп ва динамикасини фарқлашга ўргатиша давом этиш. Болани ўзбек мумтоз куйларини дутор, рубоб, тамбур, най ёки ғижжак каби чолғу асбоблари ижросида (Ўзбек халқ куйлари – Т.Холиков “Дутор баёти”, “Усмония”, “Қашқарча”; Т.Ражабий “Тановор” (рубоб); Т.Алиматов “Нола”(тамбур); Ҳ.Рахимов “Дўлонча”) тинглаш; жаҳон мумтоз мусиқаси намуналаридан (Ф.Шуберт “Серенада”; П.Чайковский “Касал қўғирчоқ”, “Йил фасллари”); замонавий мусиқа асарларидан баҳраманд қилиш. Турли жанр ва турли кайфиятдаги асарларни (ўзбек халқ қўшиғи – “Ойижон”; В.Моқарт “Туркча марш”; Д.Омонуллаева “Доира ва чилдирмада чал”; С.Рахманинов “Итальянча полька”; А.Муҳамедов “Қўғирчоқнинг алласи”; И. Акбаров “Салимжоннинг товуги”) тинглаш, фарқлаш ва мусиқий образнинг ривожланишини кузатиш (Д.Кабалевский “Суворий”, В.Агафонников “Қўнғироқчалик чана”). Мажор (ёрқин, жарангли, очиқ) ва минор (ғамгин, сокин) ҳақида тушунча бериш орқали боланинг мусиқа ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Болани ёшига ва дунёқарашига мос келадиган опера ва балет асарлари (кичик парча) билан таништириш (П.Чайковский “Қарсылодок”); жонли ижро билан бир қаторда аудио ва видео тасмаларга ёзилган куй ва күшиқлар, шеърият намуналари ва бадий сўздан баҳраманд қилиш. Боланинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, ўз мусиқасини яратиши учун тегишли материаллар билан таъминлаш. Байрамлар ва кўнгилочар тадбирларда, мусиқали ва кўргазмали фаолиятларда иштирок этишга қизиқиши билдиришини рағбатлантириш. Мусиқа асари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишига имкон бериш, нутқида оддий мусиқий атамалардан: регистр, динамика, чўзим, тезлик, ритм, вокал, балет, опера, симфония, концерт, композитор кабилардан фойдаланишга ундаш (катта гурух мисолида берилган тавсиялар).

**Болалар чолғу асбобларида жур бўлиши.** Болалар чолғу асбобларида жур булиш. Бу фаолият тури энг қизиқарли машғулотdir, чунки болалар чолғу асбоблари жонли, товушли ўйинчоклар сифатида ҳар бир тарбияланувчиларни қизиқтиради. Болалар чолғу асбоблари биринчи навбатда болаларда ижролик элементлари оркали ижодкорлик, мусиқий ўкув қобилиятларини ривожлантиради. Мусиқа машғулотларида болалар чолғу асбобларидан фойдаланиш яхши натижалар бериш билан бирга болаларни машғулотга интилувчанлигини, қизиқишини, мусиқий саводини оширади.

Боланинг мусиқа асбобларига қизиқиши билдиришини рағбатлантириш, уларни чалишга ўргатишда давом этиш. Зарбли чолғу асбобида оҳангнинг баланд-пастлиги, қаттиқ ёки секинлигини, ритмик манзарани, ўзаро уйғунлик ва бошқа томонларини етказиб беришга, болалар чолғу асбобларида ижронинг содда усуллари: сурнайчани чалаётганда нафасни тўғри олиш ва уни тежамли ишлатишга; ликопчаларни чертиб чалаётганда баланд-паст оҳанг ҳосил қилишга ўргатишда давом этиш. Нота ва товушқатор ҳақидаги (“Бармоқлар” – нота саводи, “Ноталарнинг уйчалари”) тушунчаларини кенгайтириш.

Миллий мусиқа асбоблари: дутор, рубоб, карнай, най, чанг, ногора ва доира ҳақидаги тушунчаларини бойитиш ва уларда чалиш усуллари, қайси гурухга мансублиги ҳақида сухбатлашиш. Болани оркестрда ижро этишга ўргатишда давом этиш. Ижрони биргаликда бошлаб, биргаликда якунлаш, куйни мустақил ижро этиш қўнимасини шакллантириш. Болада чолғучиликка оид ижодкорликни ривожлантириш.

Болага “Фортэ” ва “пиано” белгилари ва уларнинг аҳамияти ҳақида; оркестрнинг турлари, дирижёр ва унинг вазифаси ҳақида тушунча бериш. Якка, дуэт ва ансамбл ижролиги ҳақида тушунчага эга бўлиш ва бир-

биридан фарқлашга ўргатиш. Мусиқа раҳбариға жўр бўлиб ижро этиш (К.Абдуллаев “Олма”, И.Акбаров “Марш”); зарбли чолғуларда жўр бўлиш (А.Тамаси “Ғамгин кўғирчок”, Б.Барток “Диалог”); Кўшиққа чолғуларда жўр бўлиш (М.Дадабоев “Онажоним”, ўзбек халқ қўшиғи – “Лайлак келди”); халқ куйларини чалиш (ўзбек халқ куйи – “Яллама ёrim”, қорақалпоқ халқ куйи – “Бибигул”, рус халқ қўшиғи – “Во поле берёза стояла”); чолғу асбоби жўрлигисиз, мустақил ижро этишга (ўзбек халқ куйлари – “Қари наво”, “Асп бўламан”) ўргатиштавсия этилади .

*Мусиқага хос ритмик харакатлар бажарии.* Машғулотларда ритмик харакатларни бажариш, боларниларни жисмоний ривожлантириш учун муҳим ахамият касб этади. Боларниларни овоз аппаратлари нозик, диккат эътибори тарқок серхаракат, уйинкароқ, хотираси, нутқи, тулик ривожланмаган бўлганлиги сабабли мусиқа машғулотида фаолият турлари тез-тез алманиб туриши лозим. Мусиқага мос ракс, уйин харакатларини бажариш, болаларни диққатини жамлашда, хотирасини мустаҳкамлашда ва жисмонан усишга ёрдам беради. Машғулот давомида қуйидаги харакат турларидан фойдаланиш тавсия этилади: марш мусиқаларига қадам ташлаш, югуриш, рақси элементларини бажариш, мустақил ўйинлар ўтказиш, мусиканинг характерига мос, турли кул ва тана харакатлари билан ифодаланади.

Маълумки, миллий мусикамиз маданиятида ракс муҳим урин тутади ва унга хар бир бола қизиқади. Рақс харакатлари мусика машғулотида болалар фаоллашувини оширади. Энг муҳими шундаки, рақс ва ритмик харакатлар воситасида болаларнинг мусикий иқтидори, ритм туйғуси фаол ривожланади. Ҳар бир харакат турини болаларни олдиндан белгилайди ва ўзи уни аник, гузал ва ифодали қилиб кўрсатиб беради. Ҳар бир харакатни бажаришдан олдин, унга доир мусиқани мазмунини аввал онгли равища тинглаб ёки куйлаб, сўнгра харакатлар бажариш яхши натижа беради.

Бундан мақсад, болаларни мусиқага қизиқтира олиш, мусикий қобилияtlарини устириш, машғулот фаолиятларини бир-бири билан чамбарчас боғлаб мазмун жиҳатдан мантиқий бир бутунликка эришишdir. Демак, янги дастур мазмунида машғулот ўтиш учун мусиқа раҳбари ижодкор бўлиши, мусиқадан зарур билимларга ҳамда ашулачилик малакаларига эга бўлиши лозим.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1.Кисқа мудатли гуруҳларда мусиқа машғулотларини ўтказишда нечта мусикий фаолият қўлланади?

2.Кисқа мудатли гуруҳларда мусиқа машғулотининг тузилиши ?

3.Болаларнинг ижодкорлик кобилиятларини ривожлантиришда қўшиқ куйлашда тарбиявий аҳамияти нимада?

4.Мусиқа тинглаш-идрок этишнинг аҳамияти, вазифалари ва шакли?

5.Бола хонанадалик овозининг ўзига хосликлари, уни ҳимоялаш шартлари?

6.Мусиқа раҳбарларнинг болалар билан куйлаш ва миусиқий –ритмик харакатларини ўргатишда жараёнлари ?

7.Халқ мусиқа санъатининг болаларни ўқитиш жараёнида ўрни?

8.Миусиқий фаолият турларига оид кўникмаларини эгаллаш жараёнида миусиқий дидактик машқларнинг аҳамияти?

9.Болалар мусиқа чолғуларнинг болалар хаётидаги ўрни?

10.Миусиқий фаолият турларининг ўзига хосликлари ва ўзаро алоқадорлиги ?

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1.И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.,

2.М.Зақепина. Музыкальное воспитание в детском саду. М.: “Мозайка-Синтез”, 2006.

3.Методика музыкального воспитания в детском саду: «Дошк. воспитание»/ Н.А. Ветлугина, И.Л. Дзержинская, Л.Н. Комиссарова и др.; Под ред. Н.А. Ветлугиной. – З-е изд., испр. и доп. – М.: Просвещение, 1989. – 270 с.:

## **4 – МАВЗУ: МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МУСИҚИЙ ВА ТЕАТР ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ РЕЖА**

1. Қўғирчоқ театрининг тарихий илдизлари ва тарбиявий ҳусусияти

2. Бола тарбиясида қўғирчоқ театрининг аҳамият.

### **Қўғирчоқ театрининг тарихий илдизлари ва тарбиявий ҳусусияти**

Болаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда қўғирчоқ театри воситасидан самарали фойдаланиш, уларнинг иқтидори, объектив борлиқ ҳақидаги тасаввури, дунёқарашини янада ривожлантириш учун қулай шартшароит яратиши билан аҳамиятлиdir.

Қўғирчоқ театри дунёning кўплаб халқ ва элатларига қадим замонлардан буён маълум. У жамият ҳаётида кўплаб муҳим аҳамият касб этган. Қўғирчоқ театри ҳар қайси давлатда турли шаклда, турли ҳажимда, ўзига ҳос тарзда тарақкий этиб, ривожланиб келган .

Қўғирчоқ театрининг тарихига назар соладиган бўлсак, мутахассисларнинг фикрича, унинг санъат сифатида пайдо бўлиш борасида

икки назария мавжуд. Биринчи назарияга кўра, болалар ўйини қўғирчоқ театрининг дақлабки кўринишидир. Иккинчи назарияга кўра, театрнинг келиб чиқиши ниқобдорлар театрига бориб тақалади. Бироқ, қогирчоқ театри ер юзида дастлаб қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги ҳақида хозиргacha аниқ бир нима дейиш қийин.



Қўғирчоқ театрининг ривожланиш тарихидан маълумки, қадим замонларда одамлар ёғочлардан ва унинг пўтлокларидан, сополдан турли ҳайвонлар, қушлар, шунингдек, маъбудларнинг ҳайкалчаларини ясад, уларга сифинганлар, ҳаракатга келтирганлар, ўйнатганлар. Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудларида ҳам VIII асрдагача оташпаратлик, будда динларга эътиқод қилган кишилар ўзлари ёқтирган маъбудларнинг ҳайкалчаларини эъзозлаб, улар билан жонли мавжудот сифатида мулоқотда бўлиб келишган. Яъни, ўзига хос қўғирчоқ театрининг ибтидоий кўринишини ола бошлаган. Кейинчалиқ, ислом дини тарғиб этилган даврдан бошлаб, театрни саҳналарига қўчган ҳамда ўйин шаклида болалар дунёсига кириб келган.

Ўзбек халқ театри ўтган асрда асосан икки хилда намоён бўлган: масхарабоз-қизиқчилар ҳамда қўғирчоқ театри. Биринчии хили-асли, бир неча жанрлардан: саҳналаштрилган чиқишлиар бажарувчи йирик вакиллардан, яъни асқиябоз, дорбоз, муаллақчи, найрангбоз(фокусчи), ёғочоёқ, мусиқачилардан иборат бўлган. Иккинчи хили- қўғирчоқ театри ёки қўғирчоқ ўйиндан ташкил топган.

Кейинги ярим асрдан ортиқ давр мобойнида халқ театрлари янгича мазмун ва шаклларда ривожланди ҳамда профессионал театрлар пайдо

болди масхарабоз-ракқослар янги драматис театрлар пайдо бўлишига замин яратди.

Буюк қомусий олимлар ижодида ҳам қўғирчоқ театрнинг турлари, тузилиши ва тарбиявий аҳамияти тўғрисида қимматли маълумотлар атрофлича талқин қилинган. Фаробий, ал-Хоразими, ал-Фарғоний, Навоий, Ибн Сино, Ҳусайн Воиз Кошифий, Умар Хайём ва шу каби алломалар ўз асарларида шу хусусда тўхталиб ўтганлар.

Шу ўринда, ўзбек маърифатпарвари Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг 1914-йилда таъкидланган фикридан барча келтиришни ўринли деб биламиз: "...баъзи кишиларимиз театрга, эҳтимолки, ўйинбозлик ёки масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбукий, театрнинг асл маъноси "ибратхона" ёки "улуғлар мактаби" деган сўздир. Театр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва қабиҳлигини, айб ва нуқсонини қўриб ибрат олур".



#### **4.2 Бола тарбиясида қўғирчоқ театрнинг аҳамияти**

Олим педагогларнинг кузатув ва тажриба ишлари асосида қўғирчоқ театри бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини тасдиқлади. Таълимий машғулотлар, қўғирчоқ ўйин, эртак томошаларининг тарбиявий имкониятлари болаларда катталарга ҳурмат, хушмуомилалик, жасурлик, нима яхши-ю, нима ёмон эканини англаб этиш, меҳнатсеварлик каби сифатлатларни шакллантириши билан бир қаторда, улардан қўйидаги хуносаларни чиқариш имконини берди:

- ҳар бир инсоннинг инсонийлик белгиси унинг одоби ва ахлоқи билан ўлчаниши ;

- ҳар бир ҳаракатда тўғриликка амал қилиш ва ростгўй бўлиш;
- бир-бирларини ҳар қандай вазиятда қўллаб-қувватлаш;
- оила, таълим муассасалари, кўча-куйда она табиат қўйнидаги барча яшил ўсимликларга этиборли бўлиш, пайҳон қилиш каби ҳолатларга беътибор қарамаслик, уларни севиб парвариш қилиш ва қўпайтириш ;
- миллий ва умуминсоний қадриятлар сирасидаги қадимий ёдгорликларда нағислик, буюклиқ салобатликни ҳис этиш, меҳнат асосида яратилган гўзаллиқдан завқланиш ҳиссни шакллантириш, уларни эъзозлаш туйғусини вужудга келтириш .

Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда қўғирчоқ театри воситасидан самаралифойдаланишда тарбиячи-музиқаҳбарнинг қуидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Мактабгача таълим муассасаларида қўғирчоқ томошаларини йўлга кўйиш ва унга болаларни қизиқтира олиш;
- театр томошаларининг болаларнинг ёш хусусиятларга мос келишини инобатга олиш;
- давлат қўғирчоқ театрлари билан мактабгача таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- “Хунарманд” уюшмаларида қўғирчоқ усталари билан учрашув ўтказиш;
- таълим муассасаларининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш.

Хулоса қилиб айтганда, қачонки, ҳар бир қўғирчоқ театри ўзига хос ва миллий қиррага монанд бўлса, шубҳасиз, унинг ҳар бири комил инсон тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги бир қатор театрлар ва томоша муассасалари бинолари реконструкция қилинди.

Хусусан, 2016 йилда Ўзбекистонда театрлар ва томоша муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини кучайтириш, репертуарларни замон талабларига мос равишда шакллантириш, “Томоша” болалар мусиқий театрга ажратилган бинони реконструкция қилиш ва моддий-техник базасини мустахкамлаш, Республика болалар қўғирчоқ театри биносини қуриш, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри биносини реконструкция қилиш каби ишлар режалаштирилди.

#### **4.3 Театрлаштирилган томошаларнинг мактабгача ёшдаги болалар тарбиясига таъсири**

Ёш авлодга мустақиллик мағкурасини сингдириш, онги ва қалбини эзгулик қисларига тулдириш, уларни баркамол, ватанпарвар шахслар қилиб тарбиялаш мамлакатимизда янги даврнинг вазифасидир. Мактабгача давр - болаларнинг билим олишга интилиши кучли булган, тақлид қисси ривожланган даврdir. Уларнинг баркамол шахс бўлиб етишишида тарбиячи-педагогларнинг урни муқимдир.

Бугунги усиб келаётган ёш авлодни хар томонлама етук, маънавий баркамол инсон килиб камол топтириш жамиятимизнинг устувор вазифаларидандир. Бу борада келажагимиз пойдевори булган ёшларни комил инсон килиб тарбиялашда мактабгача таълим муассасаларининг урни



бекиёсдир. Мамлакатимиз хаётининг барча жабғаларида кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Унинг самарали ривожи узлуксиз радио таълим соҳасига сингиб бораётган ислохотларда хам яккол намоён булмоқда.

Бу каби ислохотлардан қузда тутилган максад ёш авлоднинг тарбиясиға атрофлича ёндашиш, турли ёш гурухдаги болаларнинг билим доирасини кенгайтириш, укув-билиш фаолиятини ривожлантиришдан иборатдир. Ушбу жараён жамиятимизнинг ижтимоий ва маънавий ривожи борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йуналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса узлуксиз таълим тизимининг ilk буғини сифатида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилариға хар томонлама эътибор бериш заруратини кун тартибиға олиб чикади.

Мактабгача таълим муассасалари ишини куп киррали, деб хисоблаш мумкин. Шу жихатдан олиб каралганда, болаларда ахлокий сифатларни шакллантиришда театрлаштирилган томошалар - Қуғирчок, стол театрлари хам узига хос ахамият касб этади. Театрлаштирилган томошалар болалар билан бевосита мулокотда булиш, уларнинг «тили»да фикр алмашиш, маҳсус ифода воситаларига эгалиги, болаларни ишонтириш, вокеа-ходисаларга нисбатан хис-туйғуларини билдира олиш хусусиятига кура педагогик ахамиятга эга.

Мактабгача ёшдаги болаларни ахлокий тарбиялашда театрлаштирилган томошалар болаларнинг иктидори, объектив борлик хакидаги тасаввури, дунёкарашини янада ривожлантириш учун кулай шарт-

шароитниятиш билан янада ахамиятлидир. Болаларни миллий маъданияят ва умуминсоний кадрият-лар билан танишириш, уларни ривожлантириш давлат талабарининг максадидир. Болага мактабгача ёшида берилган билим унинг бутун хаёти давомида етакчи уринни эгаллайди. Бу хаётий зарурият, «Болажон» таянч дастурининг асосини ташкил этади. Жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар кулами, ривожланиб бораётган фан-техника тараккиёти асрида ота-оналар фарзандларига бугунги кун талабларидан келиб чиккан холда, уларнинг ёшига муносиб ва узига хос хусусиятларни инобатга олган холда керакли таъ-лим-тарбияни бериб бориш, маънавияти юксак, хар томонлама етук инсон килиб вояга етказиш лозимлигини тобора англаб етмокдалар.



Мактабгача ёшдаги болаларни теварак-атрофни урганишдаги боғланишли нуткини ривожлантириш, аклий ривожланиш хусуси-я tlari, болаларнинг харакат салоҳиятини максадли ривожлантириш технологияси, болаларнинг тасвирий саводхонлик, экологик тушунчаларини шакллантириш, театр масала-лари, талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш, булажак тарбиячиларнинг педагогик мулокот маданиятини шакллантириш, болаларни миллий кадриятлар асосида ахлокий тарбиялаш биз педагогларнинг асосий вазифамиздир. Бунда стол театри, куғирчок театри воситасида боланинг атроф-мухитга булган муносабати, хаёт хакидаги

тасаввурлари, таассуротлари, у ёки бу ходисаларни тушуниш, гузалликни кура билиш ва хис этишга масъулият хисси ошади.

Мактабгача ёшдаги болаларда театрлаштирилган томошалар (стол ва қуғирчок театрлари) воситасида ахлокий сифатларни шакллантиришда қуғирчок ларнинг хатти-харакатларига муносабат билдириш, болаларда театр куриш одоби ҳамда гузалликни кура билиш ҳиссини уйғотувчи самарали ишлар амалга оширилади. Хаттоки, тили эндигина чикиб, сузларни бузиб гапираётган болажонлар тарбиясида ҳам театрлаштирилган томошаларнинг урни бекиёсdir. Чунки болалар оддийгина саломлашиш, ҳайрлашиш одобини театр қаҳрамонларидан урганишлари эҳтимолдан холи эмас.

Театрлаштирилган томошалар (қуғирчок театрлар) дунёning куплаб халк ва элатларига кадим замонлардан маълум. Улар жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Қуғирчок театри ҳар кайси давлатда турли шаклда, ҳажмда, узига хос тарзда тараккий этиб, ривожланиб келган. Шундай булсада, қуғирчок театрининг турт турини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- кулга кийиб уйнатиладиган қуғирчоклар;
- сояли қуғирчоклар;
- ип билан бошқариладиган қуғирчок лар;
- актёри куринадиган қуғирчоклар.

Хар бир театр туридаги томошаларда сахна безаклари, улардаги хилма-хил ранглар ва албатта ундаги қаҳрамонлар бола тафаккурини шакллантирибгина колмай, унинг дунё-карашини узгартириб, гузалликка интилиши, фикрлаш доирасининг кенгайишига ёрдам беради.



Кулга кийиб уйнатиладиган қуғирчоқларикки хил булади: бармокли ва бармоксиз қуғирчоқлар. Бармоксиз Қулқопни ясашда эски Қулқопча ашё була олади. Бундай уйинчокларни болаларнинг узлари ҳам ясашлари мумкин. Қулқоп қуғирчокнинг боши, катта бармок эса бурун бўлиб хизмат килади. Қулқопни тулик ҳайвонга айлантириш ҳам мумкин, бунда катта бармок дум вазифасини утайди. Қулқоп куғирчок танаси булиши, унга бош ва бошка деталларни бириктириш мумкин. Қулқоп топилмаса, унда тукилган эски буюм ёки матодан фойдаланиш ҳам мумкин. Бунда бармок урнини бичиш шарт эмас, турли деталлар унга тикиб куйилади.

Бармокли Қулқоп каҳрамонларини эски Қулқоплардан тайёрласа булади. Агар эски Қулқоп топилмаса, уни тикиш мумкин. Болаларга тавсия этиладиган Қулқопнинг андозаси беш бармокли эмас, турт бармокли булишимумкин.

Деталларни болалар бичиб, ҳалка чоки билан тикадилар. Бош кисмини чизиб ёки тикиб, белгиланган жойга бирлаштириб куйиш мумкин. Қуғирчокнинг асл нусхасини эски Қулқопдан тикса булади. Қулқопга пайпокдан озгина улаб куйилса, уни кулга кийиш, тугмачадан кузлари килиб куйилса, кул бармоклари ҳаракати билан гапираётган ҳаракат ҳолатини кўрсатиш мумкин.

Сояли қуғирчоқлар қуғирчок театрининг узига хос турларидан хисобланади. Унда қуғирчоқлардан эмас, балки шакллардан иборат уйинчоклар уйналади. Томоша килувчилар саҳна рупарасида утириб, экранда ёруғлик оркали ҳаракатланаётган соялар: одамлар, ҳайвонлар ва кушлар соясини куриши мумкин. Соя театр учун одам ва ҳайвон сояларини болаларнинг узлари чизиб, кирка оладилар. Болаларга шаклларнинг бошлари, думларини кимирлатадиган қилишни ўргатиш керак. Бунинг учун тарбиячи ёрдамида деталлар симлар билан бириктирилиб, спирал ҳолатда айлантириб куйилади.

Йиллар утиб иплар ёрдамида ҳаракатланадиган қуғирчоқлар урф бўлиб борган. Театрнинг бу турида купрок ҳалк мифологияси ёритиб берилган. Хозиргача етиб келган иplи қуғирчок томошасида дев, ялмоғиз каби кадимиј образларни куришимиз мумкин.

Юкорида келтирилган театр турларидан тубдан фарқ килувчи яна бир театр тури бу актёри куринадиган қуғирчоқ театридир. Театрнинг бу тури Японияда кенг таркалган. Бунда саҳнадаги ҳар бир куғирчокни уч нафардан актёр бошкаради. Қуғирчокнинг боши, кули ва оёғи учун алоҳида сим тортилган бўлиб, уларни актёрлар бошкаради. Театр қизиқарли бўлиши ва томошабин эътиборини чалғитмаслик учун актёрлар бир хилда кийиниб олишади.

Театр биноларининг бугунги қиёфаси ва узига хос саҳна кўринишлари тарихи қадимги Юнонистонга бориб тақалади. Усти ёпилган саҳналар дастлаб қадимги Римда вужудга келган, деб тахмин килинади. Баъзи манбаларда курсатилишича, театрнинг нафакат саҳна кисми, балки бутун амфитеатрнинг усти ҳам ёпик булган. Театр саҳналарида чодирлар атрофдагиларни ташки таъсирлардан, хусусан, шамол ва ёмғирдан ҳимоя килган. Дастваб Рим театрларида парда пайдо булганлиги, ўша даврларда одамлар узлари билганича турли хил куча намойишларини бўлиб йиғилиб ўтказиб келишган. Бу борада Б.Ибрагимовнинг куйидаги фикрларини келтириш мумкин: «Халқ кўпинча турли байрамлар, Дионис шарафига уюштирилган куча намойишлари, спорт беллашувларига тупланган. Шунинг учун бундай томошалар хаммага куринарли бўлиши учун купрок тепаликлар ёки тоғлар этагида ташкил этилган. Шунда томошабинлар узига кулай бўлган табиий ёндовларга жойлашиб, бемалол тадбирлар гувохи бўлганлар. Сўнгра томошабинлар учун ёғочдан маҳсус ўриндиклар ташкил этилган. Эрамизгача булган асрда эса вактинчалик томоша иншоотлари улуғвор тош амфитеатрларига айланди».

Кейинги йилларда катта тадбирларда, Навruz байрамларида, 1 июнь - Болаларни ҳимоя қилиш кунида болаларни жалб қилишмақсадида паркларда, хиёбонларда театрлаштирилган томошалардан парчалар кўрсатиш удумга айланди. Бу эса мактабгача ёшдаги болалар эстетик дидини оширишда, дунёка-рашининг кенгайишида ёрдам беради.

Манбаларга таянган холда, театрлаштирилган томошаларнинг айримлари хусусида, уларнинг ривожланиш тарихи, узига хослиги хакида фикр юритмокчимиз. Театрлаштирилган томошалар комил инсон тарбияси учун зарур бўлган восита сифатида дунё цивилизациясида мавжуд. Хар бир театрлаштирилган томоша узига хос ва мос миллий характерга эга.



Театрлаштирилган томошалар - куғирчок, стол театрлари ҳакида фикр юритилар экан, шу ўринда Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг куйидаги фикрларини келтириб утиш ғоят уринлидир: «Қачонки миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан, буюк маърифатпарвар Махмудхужа Бехбудийнинг «Театр - бу ибратхонадур», деб айтган фикрини эслаш ўринлидир. Бизнинг миллий театр санъатимиз тарихан жуда катта йулни босиб утган бўлиб, унинг кадимий илдизлари халк уйин ва томошаларига бориб боғланади».

Мактабгача таълим муассасаларида театрлаштирилган томошаларни ташкил этиш болаларни Ватанни севишга, уларнинг ижтимоий-хиссий ривожланишларига, дунёкарашларининг кенгайишига, ахлокий сифатларини шакллантиришга ёрдам беради. Мактабгача таълим муассасасида тарбиячилар болаларни эркин ишлатишлари, яъни хар ҳил эртак қаҳрамонлари тимсолида театрлаштирилган томошаларни узларига роль бериб, ахлокий йуналтириб ва албатта рағбатлантириб боришлари зарур.

Бунинг учун мактабгача таълим муассасаларида театрлашган томошалар учун керакли жихозлар, қаҳрамонлар кийимлари ва кичик бўлса хам саҳна булиши керак. Бундай томошаларни ташкил этиш болаларни хотираси ривожланишида хам яхши самара беради. Айникса, улар кизикиб тинглайдиган ёки томоша қиласиган қаҳрамонлар ролларини жону диллари билан ижро этишади ва матнларини хам тезда ёдлашади. Болаларнинг бир-бирларига булган ишончи, катта-кичикни хурмат қилиши, дустликка бўлган садоқатини мустаҳкамлади.

Шулардан ўзбек анъанавий театрлаштирилган томошалари қаҳрамонларидан бири «Полвон Качал» хисобланади. Полвон Качал куғирчоғи, асосан, кулга кийиб уйнатилган. Унинг бош қисми ёғочдан ясалган бўлиб, эгнида куйлак, чопон, бошида дуппи, ташки куриниши кирра бурун, калин кошли булган. У оддий халк вакили сифатида томошаларда катнашган. Ушбу томошалар XIV асрдан бошлаб халкнинг эътиборига тушган. Манбаларда келтирили-шича, «Бизгача турли куринишларда Полвон Качал саргузаштлари, комедиялари етиб келган.

Комедияларининг кўпчилиги уч хил кўринишда булган: бирида Полвон Качалнинг Бичахон исмли қизни севиб қолиши, учрашуви ва уйланиши; иккинчисида ўз ити томонидан таланиши; учинчисида туқнашув акс эттирилган. Полвон Качал хам қулгили холат-ларга тушиб колувчи, феъл-атвори хам зиддиятли қаҳрамон. У бугун зиддияти, ижобий ва салбий белгилари билан хаётий, халкчилдир.

У ҳамиша хўшчакчак холда хаётида ўчраган тусикларни енгиб ўтган, ёмон амалдор ва судхурларни фош этган, адолат ва ростгуйларни химоя килган».

Кейинги ярим асрдан ортик давр ичида ҳалқ театрлари янгича мазмун ва шаклларда ривожланди ҳамда профессионал театрлар пайдо бўлди. Масхарабоз-қизиқчилар, дорбозлар қиркнинг яратилишида, куғирчок уйинлари, ашулачи ва раққослар янги драматик театрлар пайдо бўлишига замин яратди.

Мактабгача ёшдаги болаларда таклид хисси юқори даражада ривожланган бўлади. Шунинг учун ҳам болаларга мулжалланган театрлаштирилган томошалар қаҳрамонларини тўғри танлай билиш, уларнинг кийиниши, бир-бирлари билан сузлашишлари, одоб-ахлоқига алоҳида эътибор берилиши лозим. Шундай экан, салбий рольда уйнаётган қаҳрамонларимизни ҳам болалар онгига ёмон таъсир этмай-диган килиб, аксинча бундай образлар окибати ёмонликка олиб келиши ҳакида тушунтира олишимиз зарур. Шундан келиб чикиб, мактабгача таълим муассасаларида катта ёшдаги болалар билан ҳамкорликда қўл меҳнатидан фойдаланган холда, узлари театр қаҳрамонларини яратишса уларнинг эстетик диди ва шу билан бир каторда кул моторикалари ҳам ривожланиб боради. Узлари яратган қаҳрамонлар ёрдамида дўстлари ёки узларидан кичик гурух болалари учун миллий урф-одатларимиздан келиб чикиб кичик саҳна куринишларини ташкил қилишса янада бола ривожланишига таъсир этади. Уларнинг нутки ривожланади, фикрлаш кобилиятлари кенгаяди.

Болаларга қуғирчок театри томошаларини кўрсатиши, уларнинг онгига миллий урф одатларимиз, анъаналаримизни сингдириш, шу азиз Ватан барчамизники эканлигини уктириш, ҳар томонлама маънавий баркамол килиб тарбиялаш, теварак-атрофда булаётган вокеа-ходисалар, узининг одобидаги камчи-ликларни, табиатни асраб-авайлаш, унга меҳр уйғотища ёрдам беради.

Миллий ифтихоримиз ҳазрати Алишер Навоий асарларини укир эканмиз, унда Навоий уз замонасидаги айрим ходисалар ҳакида, ахлоқ, одоб, тарбия, хулк-атвор, одам-гарчилик, яхшилик туғрисида фикр юритар экан, баъзан санъат оламидан олинган ажойиб ухшатишлар ишлатадики, уларнинг бебаҳо материал эканига шубҳа йук. Чунончи, шоир «Хайратул аброр» достонининг ун туртинчи маколотида «афлок хайъати шикоятида» ва «жажон луъбати киноятида» фикр юритар экан, чархни аввал «найрангбоз»га, сунг «куғирчок»ка ухшатиб куйидаги маснавий-ларни ёзади:

Мактабгача таълим муассасалари тарбия-ланувчиларининг онгида юксак ахлокий сифатларнинг шаклланишида оила аъзолари ва тарбиячиларнинг фаолияти алоҳида аха-миятга эга. Зеро, оила аъзолари, тарбиячи ва бола уртасида соғдиллик, хушмуомалалик, камтарлик, узаро хурмат бир суз билан айтганда самимий муносабат каби хислатлар мавжуд булса, бу ибратли ахлокий сифатлар болаларга ижобий таъсир этади. Бола уз якинларини хурмат қилиш ва уз бурчини виждо-нан бажаришга интила боради.

Болаларда ахлокий сифатларни шакллантириш жараёнини янада такомиллаштириш, уларнинг миллий кадриятлар, анъаналаримиз хакида янада теран мушоҳада юритишлари мақсадида турли эртаклар, хикоялар ўқиб бериш, асар қаҳрамонлари оркали уларда инсоний фазилатларни шакллантириш сама-рали натижа беради.

Театрлашган томошалар намойишини мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиш. Катта ёшдаги тарбияланувчилар томонидан сахналаштирилган асарлар уларнинг билим, куникима ва малакаларини ошириш мақсадида таълим муассасалари бошқа тарбияланувчилари учун намойиши этилса мақсадга мувофик булади. Бунда нафакат актёрлик махоратини синовдан утказаётган бола-ларнинг сахна махоратлари, балки томошабин олдида узини тутиши, берилган образларни тулалигича очиб бериш каби ижодий фазилатлари шаклланади.

Шунга мувофик, мактабгача таълим муассасаларида куннинг иккинчи ярмида кунгилочар тадбирларнинг ташкил этилиши, китобхонлик кунларини утказиш ва укиган эртак-хикоялари асосида болаларнинг узлари иштирокида сахналаштирилган томошаларни амалга ошириш максадга мувофик булади.

Изоҳ сифатида утказилган тажрибадан келиб чиқсан холда Абдусодик Ирисовнинг «**Билмай қолиб**» хиқоясини сахналаштирган холда фойдаланишни **таклиф қиласиз**:

**Мақсад:**

- болаларни бажараётган ишлари туғри ёки нотуғри эканлигини тушуниб этишлари ва хатоларини тузатишга ўргатиш;
- болаларни театрлаштирилган эртак асосида ахлокий сифатларини тарбиялаш, уларни меҳрли, кечиримли, одобли ва ахил булишга ўргатиш;
- болаларнинг озода, тартибли ва эҳтиёт-кор булишларига эришиш.

Керакли жиғозлар: думалок ёнғоқ, чақиши учун тош.

Роллар: она, уғил, киз.

**Машғулотнинг бориши.**

Тарбиячи: Ассалому алайкум, азиз болажонлар! Болалар, биз бугун Райхоннинг билмай килган ишидан афсуслангани ва бундай холлар қандай окибатларга олиб келишини тушуниб етганини курсатиб бермокчимиз.

Райхон: Думалоққина ёнғок, мазалигина ёнғок хозир сени чақаман. (Уйининг эшиги олдида ёнокни тош билан уриб чакиб еди-да, пучоғини оёқ остига ташлаб кетади.)

Бахтиёр: Тухтанглар, мен хам уйнайман. (Кучага болалар билан уйнагани чопиб чикади, ёнғок пучоғини босиб олади, пучок оёғига кириб, жароҳатлайди, ай-ай, йиғлайди.)

Райхон: Нима қилиб қўйдим? (Акасининг олдига югуриб келиб, унинг ахволини кўриб қўшилиб йиғлайди, акасига рахми келиб қарайди ва онасини чақиришга ошиқади.)

Тарбиячи: Райхон акасига ёрдам бергиси келарди-ю, лекин бу қўлидан келмасди.

Она: (йиғлаб кирган кизига) Нима булди?

Райхон: Акамнинг оёғига ёнғок пучоғи кириб конатди (йиғлаб).

Она: (Бахтиёрни олдига келиб ёрдам курсатади ва Райхонга килган иши нотуғри эканлигини тушунтиради.)

Тарбиячи: Азиз болажонлар! Бугун биз сизлар билан Райхоннинг билмай қилган хатосини томоша қилдик. У бошқа хеч качон пучокни оёқ остига ташлаб кетмасликка, хар доим уз ортидан йиғиштириб юриш кераклигини тушуниб етди.

Машғулот сунггиди барча маълумотлар савол-жавоб оркали умумлаштирилади. Масалан:

- Болалар ёнғокни чакиши учун қандай жой танлашлари керак?
- Райхон қандай хато иш килибди?
- Райхон акасига меҳрибон эканми?

Келажагимиз пойдевори бўлган мактабгачаёшдаги болаларнинг эртанги куни қандай булиши, кўп жихатдан уларнинг бугун қандай таълимтарбия олаётгани, яшаётган ижтимоий мухитга боғлик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари туғрисида»ги ПК-2707-сон карори ижросини таъминлаш учун бугун устоз-мураббийлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик боланинг эртанги куни учун бирдек масъулдир. Шу жихатдан хар бир мактабгача таълим муассасасида карор ижроси буйича чора-тадбирлар, амалий ишлар режалаштирилган.

Хулоса килиб айтадиган булсак, баркамол, етук ва хар томонлама комил инсон факатгина билим даражаси билангина белгиланмайди. Негаки,

шахс мөхр-мухаббат, самими хис-туйғу ва ахлок эгаси булгандагина чин инсоний фазилат сохиби булиши мумкин. Хар кандай билим замирида акл тарозисида тортилган мулохаза ва тафаккур, узгалар хатти-харакатига кайсиdir маънода муносабат билдириш, «яҳши» ва «ёмон»ни фарклай билиш, яҳши амаллардан завкланиш мавжуд бўлгандагина инсон эзгуликка, юксак маънавиятли шахс бўлиб етишишга интилади.

Хар бир театрлаштирилган томошалар сухбатлар оркали уларнинг тарбиявий ахамияти, мазмун-моҳиятини болаларга чукур англатиш, уларни олиб бориш жараёни, натижаларига жиддий эътибор берилса, кутилган самарани бериши мумкин.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАР**

1. Театр биноларининг бугунги қиёфаси ва узига хос саҳна кўринишлари тарихи қаерга бориб тақалади?
2. Ўзбек халқ театри ўтган асрда нечта хилда намоён бўлган?
3. Қайси йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги бир қатор театрлар ва томоша муассасалари бинолари реконструкция қилинди?
4. Қуғирчок театрининг нечта турини биласиз?

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2015.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар туплами. Хамса. Хайратул-абдор. 7-жилд. -Т.: «Фан», 2001. -262-263-б.
3. Ибрагимов Б. Дунё театрларининг ибтидоси. // «Гулистон» журнали, 2009, 3-сон.
4. Иброҳимова З. Гулгина. I жилд. Кичкитойлар учун бадиий адабиётлар мажмуаси. - Т.: «Янги нашр», 2010. -100-б.
5. Раҳмонкулова З.А. ва бошқалар. «Болажон» таянч дастури. - Т.: «Мухаррир», 2017.
6. Узбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. - Т.: «Узбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. -117-б.

## **5 – МАВЗУ: МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ФОЛЬКЛОР БИЛАН ТАНИШТИРИШ УСЛУБЛАРИ РЕЖА**

- 1.Миллий қадриятлар болалар тарбиясига аҳамияти
- 2.Фольклорнинг турлари

### **5.1.Миллий қадриятлар болалар тарбиясига аҳамияти**

Авлод-аждодларимиз асрлар давомида маънавиятнинг, баркамол руҳиятининг садолардаги инъикоси бўлган мусиқа санъати миллий куй, қўшиқларимиз, аллаларимиз ёш авлодлар қалбидан ўрин оларкан, уларни она Ватанига, халқига садоқатли ва меҳр-мурувватли бўлишга, азалий қадриятларимиз ва ўзига хос бетакрор ананаларимизни эъзозлашга, она юрт мусиқий меросининг бугунги кундаги ҳаққоний ворислари бўлишга ва албатта, миллий истиқлолият заруриятини теран ҳис этишга даъват этади.

Миллий мусиқа меросимиз серқатлам ва ранг-баранг услубли ижодкорлик ҳамда унинг ижрочилигига оид жавхалардан ташкил топади. Ўзбек мусиқа мероси икки қатламга бўлиниб, халқ мусиқаси ва қасбий мусиқа деб номланади. Ҳар икки йўналиш бизга қадар оғзаки анъана тарзда, яъна нота ёзувларисиз, оғзаки ижод этиш, оғзаки ўрганиш ва оғзаки ижро этиш орқали этиб келади. Олимлар мусиқа меросининг ана шу табиатини ҳисобга олган ҳолда халқ мусиқасини фольклорнинг бир тури, аниқроғи-халқ оғзаки ижоди сифатида таърифлайдилар.



ЮНЕСКОнинг “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилганлигининг ижодий самараси сифатида “Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхати”га ўтказилганлигини ҳам тилга олиш жоиздир. Худди шу ўринда ушбу Ўзбекистон Номоддий маданий меросининг

Юнеско Репрезентатив рўйхатига Ўзбек халқ оғзаки ижоди, киритилган шу ўринда, мактабгача таълим тизимида асос солувчи ўринни Бош Ассамблеянинг 1989 йил 20 ноябрида 44/25 резолюцияси билан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясига мувофиқ (Ўзбекистон Республикасида 1994 йил 29 июлида кучга кирган) ватанпарварлик, юқори маънавийлик, жонажон юртга, миллий маданият ва меросга муҳаббат эгаллади.

“Болани баркамол қилиб ривожлантириш ва ҳимоялаш учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий қадриятларини муҳимлиги”ни керакли тарзда инобатга олганча бўлғуси фуқаро шахсини шакллантириш зарурлиги қайд этилди. Бу йўналишда Ўзбекистонда қўйилган мақсад ва вазифаларга ва аввало, тарихан муҳим бўлган ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига таянадиган мактабгача таълим муассасаларида улкан мақсадли йўналтирилган иш олиб борилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда болаларнинг мусиқага бўлган эҳтиёжини қондириш, унга нисбатдан интилишни шакллантириш, ўзбек халқининг бой маданий-тарихий мероси, миллий мусиқа маданиятини болалар онгига сингдириш, буюк алломаларимиз, композиторлар ҳаёти ва ижодидан намуналар билан таништириш болаларда ўз фикрини мустақил айта олиш, ижодкорлик, изланиш, қўшиқ куйлаш ва чолғу ижрочилиги малакаларини ривожлатириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади. Демак, **мақол**, **топишмоқ**, **эртак**, **латифа**, **қўшиқ**, **ривоят**, **достон**, она алласи ва болалар ўйинларига бой.



Маънавий қадриятларимизнинг чексиз хазинаси бўлган фолклор асарларини ўқиш, ўрганиш ёш авлодни баркамол ўсишида, теран фикрлашида, руҳан тетик шаклланишида етакчи восита бўлиб хизмат қилиши табиий. Хусусан, халқ томонидан яратилган достонлар ватанпарварлик, инсонийлик, олижаноблик, дўстлик, биродарлик сингари бир қатор миллий ва умумбашарий қадриятлар ҳамда ўзбекона маросим, урф-одатлар, расм-русумлар мажмуасини ташкил этади.

## 5.2 Фольклорнинг турлари

Болалар табиатан **мақол**, **топишмоқ**, **тез айтиш**, **эртак**, **ривоят** ва **достонларга** қизиқадилар, уларни ёд олишга, эртак ва достон қаҳрамонларидек **жасур**, **мард**, **зукко** бўлишга ҳаракат қиласадилар. Шунингдек, мақол ва эртакларда ҳам иззат-хурмат, ахлоқ-одоб, меҳнатга мух аббат, вафо-садоқат,adolat, ҳақиқат, яхшилик каби фазилатларни улуғланиши ҳамиша келажак авлоднинг етук инсон бўлиб улғайишига хизмат қилиб келаяпти.

Фольклор асарларини бола туғилганиданоқ алла орқали ҳис қиласди. Инсон умрининг тўрт даври йилнинг тўрт **fasliga** безатилганидек, болалик даври ўз таровати, ўз муҳри билан алоҳида хусусиятга эга. Бу хусусият, айниқса, болалар қўшиқлари, ўйинларида кўзга ташланади. Болалар фольклорини ўз хусусияти, моҳияти, характеристери ва тузилишидан келиб чиқиб, қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:





**Болалар термаларихусусан**, уч ёшдан олти ёшгача бўлган болалар ўртасида кўпроқ куйланади. Улар тўрт мисрадан иборат бўлган шеър ва қўшиқлардан ташкил топган бўлиб, бола томонидан ижод қилинган. Бола томонидан айтиладиган термалар уларнинг сўз бойлиги даражасида белгиланади. Бу ёшдаги болалар психологларнинг айтишича, 1300 дан 3000 гача микдордаги сўзларни ўзлаштирас экан. Инчунин, бола эркин вазнда қофияли ёки қофиясиз шеър тўқий олиши мумкин. Болалар тилидан айтилиб юриладиган қуйидаги термаларга эътибор қаратсак:

*Кўзичогим жингалак,  
Жўни силлик жамалак.  
Кўзи қора қуралак,  
Ранги гуё камалак.*

Ўзбек болалар термалари хазинаси жуда бой, сермазмун, сербўёқ ва оҳангдор. Бола ҳаётини ўйин-кулги билан бирга ўқиш, мактабга бориш, катталардек ишлаш орзу-истаги билан ҳам тўлдиради. Уларни мўжазгина ижод лабораториясида ишлайди. Термалар болаларни жисмонан, ақлан ва маънан тетиклаштиради. Тафаккурини, нутқини ўстиради.

**Болалар қўшиқлари**дастлаб 1932-йилда нашр қилинган “Ашулалар тўплами”да чоп қилинган. Бунда “Бозор борайми қизим?”, “Бошгинам оғрийди” каби иккита ҳазил-мутойиба қўшиғи киритилган. 1934- йилги тўпламда эса “Қайчи-қайчи” термаси ва “Лайлак келди” қўшиқлари босилган. 1935-йилги “Ашулалар тўплами”да ҳам болалар репертуарига маҳсус бўлим ажратилиб, тўққизта болалар қўшиқлари нашр этилди. 1937-йилда эса ўзбек болалар қўшиқлари алоҳида китоб ҳолида “Болалар

кўшиқлари” номи билан чоп этилди. **Болалар қўшиқларини мавзуу камровига кўра қўйидагича гурухлашимиз мумкин:**

**Мехнат қўшиқлари**

**Мавсум-маросим қўшиқлар.**

Мавсум-маросим қўшиқлари йил фасллари ва миллий анъаналаримиз билан боғлиқ бўлган, фақат болалар томонидан ижро этиладиган қўшиқлардир. Катталар болаларнинг табиатга бўлган қизиқишини уйфотиш, муҳаббатини ошириш, ҳар бир фаслнинг ўз зийнати билан таништиришда ҳам фаол бўлганлар. Йил фасллари билан бўғлиқ баҳорда куйланадиган қўшиқлар “Бойчечак”, “Офтоб чиқди оламга”, “Читтигул”, “Қалдирғоч” кабилар шулар жумласидандир. Ўзбек болалари орасида 30-йиллардан бери арча байрамини нишонлаш, қорбони кутиб олиш одат бўла бошлайди. Бу тараддууд аста-секинлик билан кенгайиб, анъанага айланиб қолди.

**Мехнат қўшиқлари:**

- Болалар, хусусан, 7 ёшдан бошлаб меҳнат жараёнига киришадилар; Бажариладиган ишларни англай бошлайдилар;
- Болалар катталар билан биргаликда подага чиққанда, экин ерларни чумчук, олақарға ва шунга ўхшаш қушлардан қўриқлайдиган пайтда ўз қўшиқларини айтадилар;

Меҳнат болани ижтимоий ҳаётнинг ичига олиб киради, турмуш, оила, рўзгор деган тушунчаларни меҳнат орқали англай бошлайдилар.

**Болалар ўйинлари:**

С.Маршакнинг таърифича, “Ўйинлар оддий жисмоний ҳаракатлардангина иборат бўлмай, маълум ритм, оҳанг, бадиий сўз, сюжет ва композицияларга эга бўлган “болаларнинг жиддий машғулотлари”dir. Болалар ёшликтан ўйинлар билан овуниб, ундан маънавий завқ оладилар, ақлий ва жисмоний камолотга эришадилар.

**МАҚОЛЛАР**

Мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибаси умумлашган бадиий, образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўзларга айтилади. Мақол ўзбек тилида мақол, тожикларда зарбулмасал, русларда пословица, арабларда (жонли сўзлашувда) накл, туркларда ата сўзи атамаси билан юритилади. Мақол атамси арабча [قۇل] – қавлун – гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган.

Мақолларда сўз қиммати алоҳида ёрқин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз кўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қолиплашган ҳолда намоён бўлади. Бу жанр дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, ҳажм,

шакл, яратилиши мақсадига кўра муштарак ҳисобланади. Ҳатто номланишида ҳам яқинлик аниқ сезилади. Жумладан, арабларда “қавлун” – гап, сўз маъносини ифодаласа, тожикларнинг “зарбулмасал” атамаларида мисол келтириш, руслар “пословица”сида сўзлар билан фикрни ифодалаш, турклардаги “ота сўзи”да эса аждодлар фикрини эслаш маъноси етакчи. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам “сав” атамаси оталар сўзини эслаш тарзида келтирилган.

Хуллас, мақол атамаси умумий мазмун жиҳатдан “сўз” тушунчаси билан боғланади. Дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида мақолларчалик шаклан ва мазмунан ўзаро яқин жанр деярли йўқ. Масалан, русча “Шило в мешке не утаишь” (бигизни қопда яшириб бўлмас) – ўзбекча “Ойни этак билан ёпиб бўлмас”; инглизларда “East and West, home is best” (Шарқми, Ғарбми, уйинг энг яхиси) – ўзбекча “Ўз уйинг, ўлан тўшагинг”; Вьетнамда “Рисовал дракона, получился червяк” (Аждар суратини ишлагандим, чувалчанг бўлиб чиқди) – ўзбекча “Мен дедим ўттиз – Аллоҳ деди тўққиз”, осетинларда “Его в сени не пускают, а он лезет в комнату” – ўзбекча “Ўзига енг бўлмаган, ўзгага эн бўларми”; татарларда “Товуқ тухум қўймасдан, эгаси жўжа сотмоқчи” – ўзбекча “Жўжани кузда сана”; русларда “На чужой стране и весна не красна” (ўзга юртда баҳор гўзал эмас) – ўзбекча “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл” маъноларини ифодалайди.

Фольклоршунос олимлар мақоллар ва маталларни ўрганувчи соҳани паремиология деб аташади. Паремия – юононча чуқур маъноли гап, ҳикматли сўз, ибора, мақол, матал маъносини беради. Мақолларнинг жанр хусусиятлари қуидагилардан иборат:

1. Мақолларнинг ҳажми қисқа ва чекланган.
2. Мақоллар мазмунан серкўлам ва чуқур маънони ифодалайди.
3. Халқ мақоллари шаклан шеърий ва насрый бўлади.

Аммо насрый мақоллар ҳам шеърий мисраларни эслатади.

Масалан: Кўза кунда эмас, кунида синади.

4. Мақолларда ҳаётин воқеа-ходиса ҳақида қатъий ҳукм ифоланади.

Бу ҳукм мусбат ёки манфий мазмунда акс этади.

5. Мақол шахс ҳаётидаги хусусий вазиятни халқ, омма, ҳаёт нуқтаи назардан умумлаштиради.

6. Мақол матни тилшуносликда шахси умумлашган гап ҳисобланади.

**“Булбул чаманин севар, Одам – ватанин”.**

**“Она юртинг омон бўлса, Ранги-рўйинг сомон бўлмас”.**

**“Эт билан тирноқни ажратиб бўлмас”.**

## **ТОПИШМОҚЛАР**

Топишишмоқлар ҳажми ва шаклига кўра мақолларга ўхшайди. Баъзан мазмунига кўра ҳам яқинлик сезилади. Аммо яратилиш мақсади бошқа ҳисобланади. Жанрнинг номланишига эътибор беринг. “Топ” сўзининг талаффуз этилишиданоқ ўйла, ахтар, солиштир, изла маънолари етакчилик қиласди. Унга “иш” қўшимчаси қўшилганда, вазифа аниқлашади: “-моқ” харакат номи қўшимчасидан кейин “қўлингдан келса”, “эпласанг”, “уддалай олсанг” тушунчалари ифодаланади. Топишишмоқларнинг қуидаги жанр хусусиятлари бор:

1. Ҳажм жиҳатдан қисқа ва ихчам.
2. Шаклан шеърий, насрий кўринишга эга.
3. Яратилиш мақсадида матнда яширган нарсани топиши вазифаси қўйилади.
4. Мазмунида ҳайвонот, ўсимлик, коинот, майший ҳаётдаги нарсаларнинг хусусиятлари яширин тарзда ифодаланади, уни топиши даъват этилади.
5. Топишиши лозим бўлган нарса, кўпинча, битта, баъзан икки ва ундан ортиқ миқдорга эга бўлади.
6. Топишишмоқларда қўлланган асосий бадиий санъат истиора (метафора) ҳисобланади.

Топишишмоқларда топишиши лозим бўлган нарсанинг шакли, ҳажми, ранги, вазифаси ва шу каби хусусиятлари ҳақида маълумот берилади, аммо бу белгилар истиора санъатидан фойдаланилган ҳолда бошқа нарса билан боғланади.

*Масалан:*

Қопча, Қопчаичидаунча,  
Унча ичиди устунча.

Бу мантда яширган нарсанинг учта белгиси учта истиора воситасида берилган. Демак, унинг шакли қопга, ичидаги қисми унга ўхшатилмоқда. Фақат ун ўртасида устуни ҳам бор экан. Топишишмоқни топаётган одам матнда жийда ҳақида гап кетаётганини топса, фикрий мусобақада енгган бўлади. Кўпинча, яширган нарсанинг фақат кўриниши, хусусиятлари ҳақида маълумот берилади, лекин ҳеч нарсанинг номи қайд этилмайди. Бундай вазиятларда изловчи шахс фақат ўзи билган нарсаларга хос белгиларни эслаб ечимни топиши мумкин.

*Оғзи ола аломат,  
Ичи қизил қиёмат,  
Сув сепсам, қурук чиқар,  
Ё алҳазар, саломат.*

Бу топишмоқда “аломат”, “қиёмат”, “саломат” сўзлари асосан қофия хосил қилиш учун келтирилганини билишимиз керак. Энди яширинган нарсанинг оғзи борлигига, бу оғизнинг кўриниши ола эканига, ичи қизиллигига, унинг ичидаги сув сепиладиган нарса бўлишига диққат қиласиз. Сув сепсагу у нарса қуруқ чиқса, демак “қизил қиёмат” олов бўлиши мумкин.

Шундан сўнг ниманинг ичидаги олов бўлишини эсга оламиз. Ва яширинган нарса тандир эканини топамиз. Аммо барибир топишмоқнинг жавобини топиш осон эмас. Топишмоқни топиш учун унинг яратилишида муаллиф бўлган номаълум шахсдек фикр юритиш усулини излаш керак. Агар ҳар бир топишмоқнинг заминида муайян фикрий кашфиёт ётишини назарда тутсақ, уни топадиган шахс ҳам айнан шу янгиликни бошқа йўл билан кашф қилиши керак бўлади. Бинобарин, у ҳам муаллиф ҳаёт тажрибасига, кузатиш нуқтаи назарига, фикр юритиш йўналишига эга бўлиши лозимлиги сабаб жуда мураккаб тарзда мулоҳаза юритиш жараёнини бошидан кечиради.

Топишмоқлардаги саволлар тизими хусусиятларни санаш тарзда амалга оширилар экан, ҳайратомуз қарама-қарши мулоҳазаларга дуч келамиз. Масалан: “Қўлсиз, оёқсиз эшик очар”, “У ёққа ўтдим – билдингми, Бу ёққа ўтдим – билдингми, Оқ қуврайнинг бошини, чертиб ўтдим – билдингми?” топишмоқларида ҳайрон қолишга мажбур қиласиган муаммолар жуда кўпга ўхшайди. Хусусан, бизни қандай қилиб қўл бўлмаса, оёқ бўлмаса эшик очиш мумкин, ахир эшик ўзи нима билан очилади? – деган савол ўйлантиради. Иккинчи намунада эса наҳотки у ёқдан бу ёққа ўтган нарсани мен сезмаслигим мумкин? У нарсага оқ қуврай – чўл-даштда ўсадиган ёввойи ўтнинг нима алоқаси бор? Ёки нега чертади, узмайди ёки бошқа нарса қилмайди, - деган саволлар қийнайди. Бу саволларга жавоб топиш учун биз савол берган одамнинг фикр юритиш усулидан фойдаланишимиз лозим бўлади.

Шундагина ҳар икки саволнинг жавоби шамол эканини топамиз. Аммо масаланинг оғирлиги шундаки, баъзи топишмоқларда баён қилинган таърифдан фойдаланиб қандай йўналишда мулоҳаза юритиш лозимлигини аниқлай олмаймиз. Қуйидаги матнга диққат қилинг:

*Бир ярим қуён,  
Уч тулки,  
Тўққиз сигир,  
Беш эчки,  
Ўн икки туя,  
Ўн ийлқи.*

Бу топишмоқда одамнинг хаёлини рақамлар эгаллади. Нега қуён бир ярим ёки тая ўн икки бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Кейин рақамларни қўшиб бирор натижага эришмоқчи бўламиз. Аслини олганда эса, муаммо ойни аниқлаш билан ечилади. Яъни қуён бир ярим, тулки уч, сигир тўққиз, эчки беш, тая ўн икки, йилқи ўн ойда туғади. Биз чорва, мол боқиш билан шуғулланган бўлсақ, топишмоқни топиш осонроқ кечади. Жуда бўлмагандан қайд қилинган ҳайвонларнинг неча ойда туғишини билиб оламиз.

Топишмоқнинг пайдо бўлиши ҳақида фольклоршуносликда аниқ далилий маълумотлар йўқ. Айрим олимлар унинг қадимий эканини қайд қиласидилар. Аммо мақоллар намуналари қўплаб келтирилган “Девону луготит турк” асарида топишмоқ матни учрамайди. “Табзуғ” сўзи топишмоқ маъносини ифодалashi айтилади холос. Топишмоқ ҳажман, шаклан мақолга ўхшаганлиги учун бу икки жанрнинг вужудга келиш вақти ҳам бир хил бўлиши керак, деган тахмин билдирилган.

**“Қони бор,**

**Жони йўқ” (Тарвуз).**

**“Узун-узун ўз келди,**

**Узун бўйли қиз келди.**

**Қоши қалтираб келди,**

**Кўзи ялтираб келди” (ёмғир).**

**ёки**

**“Узун-узун из кетди,**

**Узун бўйли қиз кетди.**

**Тошга тегди тарқ этди,**

**Сиргалари ярқ этди” (сув)**

**Икки сингил,**

**Оғир - енгил” (тарози).**

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Ашулалар тўплами” болалар учун қайси йил нашр қилинган?
2. Қандай фольклорларни биласиз?
3. Ўзбек болалар қўшиқлари алоҳида китоб “Болалар қўшиқлари” номи билан қайси йил чоп этилган?
4. Фольклор атамасига изоҳ беринг.
5. Санъат асари қандай фазилатларга эга бўлиши лозим?
6. Халқ оғзаки ижоди – сўз санъати эканини қандай белгилар далиллайди?

7. Топишмоқларнинг мақолларга ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқланг.
8. Топишмоқларнинг жанр хусусиятларини сананг ва изоҳланг.
9. Топишмоқларнинг ҳаёт билан муносабати ҳақида сўзланг, уларнинг тарбиявий аҳамиятини топинг.
10. Топишмоқларда қандай бадиий тасвир воситалари қўлланади?
11. Халқ мақолларининг жанр хусусиятларини сананг, уларнинг ҳар бирини изоҳлаб, мисоллар билан далилланг.
12. Мақолларнинг йўқолиб кетиши учун қандай сабаблар бор?
13. Халқ мақолларининг бойиш манбаларига изоҳ беринг.
14. Мақолларнинг бадиий мукаммаллиги ҳақида қандай мулоҳазаларга эгасиз. Мақоллардан мисол келтиринг, бадиий санъатларни кўрсатинг.
15. Мақол тарихи ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
16. Ёзма адабиёт вакилларининг мақоллардан фойдаланиш усуллари ҳақида нималар биласиз? Биронта роман ёки ҳикоя мисолида фикрингизни исботланг.
17. Мақоллар қандай хусусияти билан маталдан фарқланади.
18. Лутфийнинг мақоллар тизимидан ташкил топган ғазалини ёдланг, мақолларга изоҳ беринг.

### **ФОЙДАЛАНГИН АДАБИЁТЛАР:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 84-99.
2. Саримсоқов Б., Ўзбек фольклорининг жанрлар состави / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. - Т.: Фан, 2008. – Б. 63-85.
3. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. - Т.: Фан, 2001. – Б. 97-148.
4. Хусаинова З. Топишмоқлар / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. - Т.: Фан, 2008. – Б. 98-128.
5. Жўраев М., Нарзиқурова М.. Миф, фольклор ва адабиёт. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006.
6. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. - Т.: Фан, 2001.
7. Ойжамол. Ҳаётий эртаклар. - Т., 2009. – Б. 60-72.

## **6-МАВЗУ: МУСИҚА МАШГУЛОТЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ РЕЖА**

1. Мультимедиа воситаларидан фойдаланиш
- 2Power Point программасидансамарали фойдаланиш.

### **6.1. Мультимедиавоситалариданфойдаланиш**

Мультимедиабирнечтатаърифгаэга:

- *Мультимедиа* -турлимаълумотларниишлабчиқиши, ишгатушириш, қайтаишлашвоситалариниқўлла штартибларинитаърифловчитехнология;
- *Мультимедиа* - компьютераппараттаъминоти (компьютердакомпактдискларўқишилмаси – CD-Rom, Древе, унингёрдамидаовозливавидеомаълумотниэшиттиришгаёрдамбер адигановозвавидеоплата,



жойстиквабошқамахсусқурилмаларнингмавжудлиги);

- *Мультимедиа*

бубирнечамаълумоттақдимэтишвоситаларинингбиртизимгабирлашиши.

Одатдамультимедиадегандаматн, овоз, графика, мультипликация, видеотасвирвафазовиймоделлаштиришкабимаълумоттақдимэтишвоситалари нингкомпьютертизимидашибирлашишитушунилади.

Бундайвоситаларнингбирлашишимаълумотқабулқилишнингянгисифатлидара жасинитаъминлайди: инсонпассивравишдамаҳлиё бўлибгина ўтирасдан, балкифаолиширокэтадиҳам.

Мультимедиавоситалариги биланишловчидаастурларкўпмодаллидир, яъниуларбирнечасезгиорганларигабирвақтдатасирқилганиучунаудиторияни нгқизиқишиваэътиборинитортади.

Мультимедиайлувамазмунимуаллифтмонидансценарийтайёрлашпайт идаатрофличаўйланадиватехнологиксценариийниишлабчиқишидааниқлаштирилади. Таълимиймаълумоттақдим этишнинганъанавийшакли матнвастатикграфикақўпасрликтарихгаэгабўлса, мультимедиаданфойдалаништажрибасийилларбиланўлчанади.

Иллюстрация,  
жадвалвачизмалармавжудбўлгананимацияэлементларивавозжўрлигидатакд

имәтилаётган,  
чирилибезалғанмультимидалиииловаўрганилаётганматериалниқабулқилишн



иосонлаштиради,  
тушунишваэ slabқолишаёрда  
мберади,  
таълимоловчинингбилимолиш  
габўлганфаоллигинишириб,  
предметларҳакидааникроқват  
ўлароқтушунчагаэгабўлишин  
итаминлади.

Сифатлимультимидаил  
оваларишилабчиқишгайўналт  
ирилгантурли-туман, бир-  
бириданфарқлитехнологикусу

ллармавжуд.

Ушбуиловаларнияратишвауларданфойдаланишдабирқаторрасосийтехнологик  
тавсияларгаамалқилишкерак.

Мультимидаиловаларнияратишучунасосифатидаматериалниэлемен  
тларгабўлишваиерархиятарзидақўргазмалиравишдатақдимэтишгаасосланган  
холдатизимлаштиришусулиниўзидамужассамэтганматериалниқамраболишмо  
делинитанлашмумкин.

Мультимидаиловасинилойиҳалашнингбошланғич  
босқичидаматериалниқамраболишмоделикуидагиларгаимконберади:

- материал мазмунини аниқ белгилаш;
- мазмунни кўргазмали, аниқ ва очиқ тарзда тақдим этиш;
- мультимедиа илова компонентлари таркибини аниқлаш.

Компьютер экранидаги маълумотни визуаллаштириш усулларини  
ишлаб ўиқишда психология ютуқларини ҳисобга олиш кераклиги бир қатор  
умумий тавсияларни шакллантиришга ёрдам беради:

- экрандаги маълумот тизимга келтирилган бўлиши керак;
- визуал маълумот даврий равишда товушли маълумотга алмасиб  
туриши керак;
- ранг ёрқинлиги ва товуш баландлиги даврий равишда ўзгариб  
туриши керак
- визуаллаштирилаётган материал мазмуни жуда ҳам содда ёки жуда  
ҳам мураккаб бўлмаслиги керак.

Экрандаги кадр форматини ишлаб ўиқишда ва яратишда кўриш  
майдонини ташкил этишни белгиловчи объектлар орасида мақсад ва

муносабат борлигини ҳисобга олиш тавсия этилади. Объектларни қуидагида жойлаштириш тавсия қилинади:

- визуал ахборотларни ортиқча деталлар, ёрқин ва контраст ранглар билан безамаган ҳолда;



- хотирада сақлаши учун мўлжалланган материалнинг рангини ўзгартириши, тагига чизиш, шрифт ўлчамини ва стилини ўзгартириши орқали ажратиши.

Мультимедиа иловаларини ишлаб чиқиша турли ранг ва фонда тасвирланган объектлар инсонлар томонидан турлича идрок қилинишини

ҳисобга олиш керак.

Визуал ахборотларни ташкил этишда предметларнинг фонга нисбатан контрасти муҳим роль ўйнайди. Контрастнинг икки тури мавжуд: тўғри ва тескари. Тўғри контрастда предметлар ва унинг тасвирлари фонга нисбатан тўқроқ, тескари контрастда эса очроқбўлади. Мультимедиа иловаларида одатда ҳар икки туридан фойдаланилади, турли кадрларда алоҳида ва битта кадр доирасида биргаликда бўлиши мумкин. Кўпхолларда тескари контраст устунлик қиласи.

Мультимедиа иловаларининг тўғри контрастда ишлаши афзалроқ ҳисобланади. Бу ҳолда ёрқинликнинг қўпайиши кўринишнинг яхшиланишига, тескари ҳолатда эса ёмонлашишига олиб келади, лекин тескари контрастда намойиш этиладиган ҳарф ва белгилар, кичик ўлчамда бўлганда ҳам тўғри контрастга нисбатан аниқроқ ва тезрок ўқиласи. Тасвир қисмларининг нисбий ўлчамлари қанўалик катта ва унинг ёрқинлиги юқорибўлса, контраст шунчалик кичик бўлиши керак. Кўриш майдонида ёруғликнинг бир мёёрда тақсимланиши орқали экрандаги ахборотларни эркин қабул қилишга эришилади.

Компьютер экранидан ахборотларни ўрганишни оптималлаштириш учун мультимедиа иловаларини ишлаб ўиқарувчиларга мантиқий урғулардан фойдаланиш тавсия этилади. Таълим олувчининг дикқатини маълум бир объектга жалб қилишга йўналтирилган усуллар мантиқий урғулар дейилади. Мантиқий урғуларнинг руҳий таъсири таълим олувчи томонидан бош объектни топишга сарфланадиган вақтнинг камайиши ва дикқатни шу объектга жалб қилиш билан боғлиқ.

Мантиқий урғуларни яратиш учун аксарият ҳолларда қуидаги усуллар

тез-тез ишлатилади: асосий объектни янада ёрқинроқ ранг билан тасвирлаш, ўлчамини, ёрқинлигини, жойлашувини ўзгартириш ёки шуъла таратувчи ранг билан ажратиш. Мантиқий урғуни сон жиҳатидан унинг интенсивлиги билан баҳолаш мумкин. Интенсивлик объект ранги ваёрқинлигининг фонга нисбатан мутаносиблигига, объектнинг нисбий ўлчамлари тасвир фонидаги предметлар ўлчамига нисбатан ўзгаришига боғлиқ. Янада ёрқинроқ ёки контрастлироқ ранглар билан белгилаш яхшироқ ҳисобланади, ўлчамини ёки ёрқинлигини ўзгартириш, шуъла таратувчи ранг билан ажратиш унчалик яхши чиқмайди.

Мультимедиа иловалари қуйидагиларга бўлинади:

- презентациялар;
- анимацион роликлар;
- ўйинлар;
- видео иловалар;
- мультимидали галереялар;
- аудио иловалар;
- web учун иловалар.

1-жадвалда мультимедиа иловалари ҳақида асосий тушунчалар ва уларнинг кўринишлари тўғрисида маълумот берилган.

#### *Мультимедиа иловалари асосий тушунчалари*

Мультимедиа иловаллари шакллари	Тушунча
Тақдимот - презентациялар	Тақдимот (инг. презентациюн) – аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот тақдим этиш шакли. Тақдимот ягона манбага умумлашган компьютер анимацияси, графика, видео, мусиқа ва овозни ўзида мужассам этади. Одатда тақдимот маълумотни қулай қабул қилиш учун сюжет, сценарий ва структурана эга бўлади.
Анимацион роликлар	Анимация – мультимидали технология; тасвирининг ҳаракатланаётганлигини ифодалаш учун тасвирларнинг кетма-кет намойиши. Цвир ҳаракатини тасвирлаш эффекти секундига 16та кадрдан ортиқ видео кадрларнинг алмашинишида ҳосил бўлади.

<b>Үйинлар</b>	Шийн дам олиш, күнгил очиш эхтиёжларини қондириш, организмдаги зўриқиши юқотиш ҳамда маълум малака ва қўнималарни ривожлантиришга йўналтирилган мультимедиа иловалариданdir.
<b>Видео иловалар</b>	Видео иловалар – ҳаракатланувчи тасвиirlар ишлаб чиқиши технологияси ва намойиши. Видео тасвиirlарни ўқиши қурилмалари – видеофильмларни бошқарувчи дастурлар.
<b>Мультимедиа - галереялар</b>	Галереялар – овоз жуфтлигидаги ҳаракатланувчи суратлар тўплами.
<b>Аудиоиловалар</b>	Овозли файлларни ўқувчи қурилмалар – рақамли товушлар билан ишловчи дастурлар. Рақамли товуш – бу электрик сигнал амплитудасининг дискрет сонлар билан ифодаланиши.
<b>Web учун иловалар</b>	Web учун иловалар – бу алоҳида веб – саҳифалар, унинг таркибий қисмлари (меню, навигация в.б.), маълумот узатиш учун иловар, кўп канали иловалар, чатлар ва бошқалар.

Мультимедиа иловалари яратиш технологиясини ўрганишда уларнинг қандай яратилишини ифодаловчи сценарий ишлаб ўиқилади. Бундан келиб чиқиб, ҳар бир мультимедиа иловаси турли таркибий қисмлар (турли мавзулар)дан ташкил топади, деган мантиқий хулосага келишимиз мумкин. Мультимедиа иловалари таркибини қуидаги қисмларга бўлиш мумкин: яратилаётган мультимедиа иловаси учун мавзу танлаш, иш майдонини белгилаш (масштаб ва фон), кадрлар, қатламлардан фойдаланиш, турли шакллар символларини яратиш, дастурлаш тилида ўзгарувчилар киритиш ва скрипtlар ёзиш, товушли файллар билан ишлаш, матн қўшиш, эффектлар яратиш, расмлардан фойдаланиш ва импорт қилиш, кутубхонадаги тайёр компонентлардан фойдаланиш, навигацияни яратиш, матн разметкаси тиллари ва скрипtlаш тилларидан фойдаланиш.


## 6.2 Power Point программасидан самарали фойдаланиш.

*PowerPointслайдга мусиқа қўшиши*


*PowerPoint* га тақдимотлар учун турли овозларни қўшиб қўйишимиз мумкин. Бу мусиқа бўлиши мумкин, Microsoft Officeеклипарт тўпламидан турли хил овоз эффектлари ёки вокал билан ҳамроҳ бўлиши мумкин.

Уни *PowerPoint* 2007 да қандай қилиш керак

Мусиқанинг бошланиши керак бўлган слайдни танланг. "Қўшиш" ёрлиғида ўқ ва "Овоз" ёзуви билан тугмани босинг. Овоз манбай танлаш учун вариантларни очасиз.




Мусиқа қўшиш учун "Файлдан товуш" тугмасини босинг ва мусиқий файл йўлини танланг. Тизим хабари, соундтрекни ишга тушириш вариантини танлаш учун таклифлар - сизга мос келадиганни танланг.




"Автоматик" вариантини танласангиз ҳам, мусиқа факат ушбу слайдда ўрнатилган аниматсия эффектлари тугагандан сўнг акс этади.


Слайддаги карнай ёқилган белги қўринади ва дастур овозли режимга ўтади. Бу эрда овоз параметрларини ростлашингиз мумкин. Агар сиз барча слайдларни кўрсатсангиз, мусиқа сизнинг овозингизни эшитишни хоҳласа, тегишли вариантни танланг.




**Уни Power Point 2003 да қандай қилиш керак  
Соундтракни "Кўшиш" менюсидан киритинг.**



Карнай белгисида контекст менюсини очиш учун ўнг тугмасини босинг ва "Анимация созламалари" бандини танланг. Ўнг тарафдаги панелда товуш файлининг белгилари рўйхатини очинг ва параметрларни созланг.



Бу ерда сиз мусиқий ашулани қандай слайдни якунлашингиз мумкин.



## PowerPoint 2016 тақдимотга мусиқа қўшиш


Хар қандай тақдимот учун овозли буюмлар муҳим аҳамиятга эга. Минглаб нуанслар бор ва сиз бу хақда алоҳида маърузаларда соатлаб гаплаша оласиз. Мақоланинг бир қисми сифатида овозли файлларни

**PowerPoint** тақдимотига қўшиш ва созлашнинг турли усуллари ва ундан самарали фойдаланиш ёъллари мухокама қилинади.


Аудио қўшин

1. Куйидаги тарзда слайдга овозли файл қўшинг.


Аввал "Вставка" иловасига киришингиз керак.




1. Кепкада, охирида "Овоз" тугмаси мавжуд. У аудио файлларни қўшиши учун керак.



2. PowerPoint 2016 иловасида иккита вариант мавжуд. Биринчиси, фақат компьютердан медиа киритиш. Иккинчиси - овоз ёзиш. Бизга биринчи вариант керак бўлади.



3. Сизнинг компьютерингизда керакли файлни топишингиз керак бўлган стандарт браузер очилади.



4. Шундан сўнг, аудио қўшилади. Одатда, контент учун майдон мавжуд бўлса, мусиқа бу уйни эгаллайди. Агар бирор жой бўлмаса, слайдни оддийгина слайднинг ўртасига қўйиш мумкин. Қўшилган медиа файлидан келган товушли динамикга ўхшайди. Ушбу файлни танлаш мусиқани тинглаш учун мини-плеерни очади.



Шу нуқтада, аудио қўшилиши тугалланган. Бироқ, мусиқа қўшилиши шунчаки яrim жангдир. Унга кўра, у учун учрашув бўлиши керак ва бу айнан нимани ҳал қилиш керак.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Power Pointдастурига қандай олишимиз мумкин?
2. Power Pointдастури мусмиқа қўйиш қайси тугма орқали амалга оширилади?
3. Power Point дастурига юкланган мусиқа тўғри ёзиш келтирилган жавобни кўрсатинг:
4. Power Point 2003 йил дастурда ёрдамида мусиқа қўшиш?
5. Power Point 2007 йил дастурда ёрдамида мусиқа қўшиш?
6. Power Point 2016 йил дастурда ёрдамида мусиқа қўшиш?
7. Мультимедиа қандай ва нечта иловага бўлинади?
8. Мультимедиа дастури нима учун керак?
9. Тақдимот намойиши вақтида клавиатурадаги Page Down тугмаси босилса нима содир бўлади?

## **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Назиров Ш.А., Қобулов Р.В. ва бошқалар. Компьютер ва офис жиҳозларидан фойдаланиш.-Тошкент, 2007 й.
2. Назиров Ш.А., Қобулов Р.В. Объектга мўлжалланган дастурлаш.-Тошкент, 2007 йил.
3. Баҳромов А.А. Малака ошириш тизимида янги ахборот технологиялари. –«Халқ таълими» журнали, 4- сон, 2000 й.
4. Ғуломов С. Ахборот тизимлари ва технологиялари.–Т.: «Шарқ», 2000й.
5. Марахимов А.Р., Раҳманқулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш.-Тошкент, 2001
6. Орипов М., Ҳайдаров А. Информатика асослари.–Т.:«Ўқитувчи», 2002 й.
7. Абдуқодиров А., Хайтов А., Расҳидов Р. Ахборот технологиялари.–Т.: «Ўқитувчи», 2002 й.
8. А.Р.Марахимов, С.И.Рахмонкулова. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари.-Тошкент, 2001 йил.

**КҮЧМА МАШГУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

# **1-МАВЗУ. МУСИҚА МАШҒУЛОТЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИННИ ДИАГНОСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

## **РЕЖА**

- 1.Мусиқий қобилиятни ривожлантиришнинг шарт – шароитлари.
- 2.Мусиқавий – сенсор қобилиятлари

### **1.1.Мусиқий қобилиятни ривожлантиришнинг шарт – шароитлари.**

Мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини режалаштириш, лойиҳалаштириш. Мусиқа машғулотларида болаларни ўзлаштириш ва ривожланишини диагностик таҳлил қилиш

Қобилият – маълумбир турдаги фаолиятни муваффақиятли амалга оширишнинг субъектив шарти бўлиб ҳисобланувчи шахснинг индивидуал хусусиятидир. Қобилият – фаолият жараёнида намоён бўлади.

Психологиянинг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирон – бир қобилиятнинг рўёбга чиқиш ва ривожланиш манбайи лаёқат билан туғилади. Лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, унинг ривожланиши учун қулай муҳит керак.

Бола мусиқага лаёқат билан туғилиши мумкин, лекин унинг мусиқий хусусиятлари шаклланиши учун қулай муҳит яратилмаса, мусиқага бўлган лаёқати ривожланмай қолади. Инсоннинг шахс сифатида шаклланишида етакчи омиллардан бири муҳитдир. Муҳит деганда, кишига таъсир этадиган ташқи воқеалар йиғиндиси тушунилади. Муҳит ўз навбатида – табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити ва бошқаларга бўлинади. Инсондаги мусиқий қобилиятнинг



ривожланиши ва шаклланиши учун ижтимоий ва оила муҳити муҳимдир. Инсон боласи, агар инсоний муҳитга тушмай, ҳайвонлар муҳитига тушиб қолса, унда ирсий белгиларнинг айрим биологик

кўринишлари сақланади, лекин инсоний фикр, фаолият, хатти – ҳаракат шаклланмайди. Одоб, ахлоқ, феъл – атвор – шахснинг барча руҳий

сифатлари фақат муҳит ва тарбиянинг ўзаро таъсири асосида вужудга келади.

Болаларнинг мусиқа ижрочилиги малакаларини ривожлантиришдаги энг муҳим шартлардан бири – уларнинг мусиқий қобилиятларини шакллантиришdir. Чунки, мусиқий қобилиятлар – мусиқани ритмик ҳис қилиш, ладни ҳис қилиш, мусиқий эшитиш, мусиқий хотира, мусиқага эмоқионал таъсирчанлик болаларда ижрочилик малакаларини ривожлантириш омили ҳисобланади. Педагог Н.В.Ветлугина «... мусиқий кечинмалар аслини олганда, доимо сенсор қобилиятга асосланади, чунки мусиқа энг оддий оҳанглар, мураккаб образлар ва энг аввало ҳиссиётлар орқали идроқ этилади ва мусиқий қобилият ривожланади» – деб таъкидлаган. Қобилиятнинг энг юқори даражаси – талантdir. Талант – инсонга қайсиидир мураккаб фаолиятни муваффақиятли, мустақил ва ўзига хос равишда амалга ошириш имкони қобилиятидир.

Шу ўринда бир нарсани айтиш керак, мусиқий қобилияти бўлган барча инсонларнинг авлодлари ҳам мусиқий қобилиятга эга бўлади, деган фикрга қўшилмаймиз. Уларнинг болаларида мусиқага лаёқат бўлиши мумкин, лекин шу лаёқат ривожлантирилмаса, лаёқат қобилиятга айланмай, яъни шаклланмай қолади. Зоро, мусиқа ёш авлоднинг маънавий, бадиий – ахлоқий маданиятини шакллантиришга, миллий гурури ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишга, фикр доирасини кенгайтиришга, ижодий маҳорати ва бадиий диди ўсишига, мустақиллиги ва ташаббускорлигини тарбиялашга хизмат қиласди.

Республикамиздаги ҳар бир мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабда ҳозирги кунда мусиқий эстетик тарбияга педагогиканинг шахсни шакллантирувчи энг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Қобилият – кўникма, малака ва билим эмас, балки уларни ўзлаштириш динамикасидир. Қобилиятлар – фаолият давомида намоён бўладиган имкониятдир. Мусиқий қобилият фақат мусиқа амалиёти, мусиқа санъатига хос бўлган мусиқий материал, маҳсус усуслар орқалигина ривожлантирилиши мумкин. Фақат мусиқагина инсоннинг мусиқий ҳисларини уйғотади.



Мусиқий таълим олмаган кишиларда, мусиқий қобилият бўлмайди. Чунки улар мусиқий билимларни ўзлаштирумaganлар.

Назария ва амалиётга асосланган ҳолда шуни айтиш жоизки, мусиқий қобилиятлар ва уларни ривожлантириш муаммоси педагогика ва психологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу қобилиятларни ривожлантириш ижтимоий муҳит, табиатдан берилган истеъодд, иқтидор, шахснинг ирода кучи, фаоллиги, жисмоний ва ақлий жараёнларга ҳам боғлиқдир. Демак, болаларда мусиқий қобилиятлар эрта намоён бўлиши, шунингдек уларнинг қобилиятлари таълим – тарбия ва атроф – муҳит таъсири остида шаклланишини хисобга олган ҳолда биз қуйидаги хулосага келдик. Узлуксиз таълим тизимидағи мусиқа машғулотларида ижрочилик малакаларини ривожлантиришда мусиқий қобилиятлар муҳим омил бўлиб хизмат қилас экан.

Ҳар бир мусиқа раҳбари ҳар бир мусиқа машғулотини қизиқарли ва болалар хотирасида узоқ сақланиши учун кўргазмалардан унумли

фойдаланишни билиши зарур. Машғулотни ташкиллашда мусиқа раҳбари куйидагиларни ёддан чиқармаслиги керак:

- ◆ машғулот баёни, янги қўшиқ, рақс харакатлари, фойдаланиладиган чолғу асбоблари учун тайёрланган кўргазмалар;
- ◆ қисмларни бир-бирига узвий боғлай олиш;
- ◆ болаларни қизиқтириш учун уларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиган холда содда ва паст оҳангда мулоқатда бўлиш;
- ◆ техника воситаларидан фойдалана олиш;
- ◆ топишмоқлар ва бошқотирмалар ёрдамида болалар билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бориш;
- ◆ мусиқавий харакатли ўйинларни атрибулар ва ўйинчоқлар ёрдамида ташкиллаштириш.
- ◆ мусиқа тинглашда расмлардан, бастакор ва композитор портретларидан, хилма-хил рангдаги шакллардан фойдаланиш;
- ◆ овоз созлаш машқларида мусиқали зинача кўргазмали куроллардан, тарқатма расмлардан фойдаланиш;
- ◆ қўшиқ айтишда расмларга қараб қўшиқ номини топиш;
- ◆ лапарлар ва рақсларда атрибулар(гулар, ленталар, байроқчалар, коптоклар в.б) фойдаланиш;

Мусиқали харакатли ва образли ўйинларни ўргатилганда шу ўйинга мос атрибуларни тайёрлаб фикрлашга ўргатиш, сахналаштирилган жараёнда болаларни мустақил харакат қилишларига имкон яратади ва катта ўрин эгаллайди. Юқорида кўрсатилган тавсиялар машғулот жараёнида ўз самарасини беради. Болаларнинг мусиқа тафаккурини ривожлантиради. Идроки ва ҳиссиётини тарбиялайди.

## **1.2 Мусиқавий – сенсор қобилияtlар**

Мусиқа машғулотларида боланинг – сенсор қобилияtlар товушнинг баландлиги, тембри, кучи – ҳисси, мусиқавий эшитиш; ритм тушунчаси; маҳсулдор фаолиятнинг қобилияти; ижодий ижро маҳорати ривожланади.

### **Уларни тўлароқ кўриб чиқамиз:**

1. Мусиқавийлик мусиқавий фаолиятни муваффақиятли бажариш учун керак бўладиган сифат комплексларидан ташкил топади, унинг барча элементлари уларнинг структура муносабатларида кўринади.
2. Барча қобилияtlар эмоқионал ва эшитиш компонентларининг синтезлиги билан характерланади. Мусиқавий фаолият барча турлари эмоқионал ранг – баранглик билан характерланади.

3. Эмоционал эшитиш компонентлари базасида биргаликда иккита асосий мусиқавий қобилият ётади: қайғуриш қобилияты, фикрлаш, тасаввур қилиш ва баланд муносабатларни эслаш, қайғуриш қобилияты фарқни ажратиш, мусиқавий ритмни тасаввур қилиш ва эслаш. Бу икки асосий мусиқавий қобилият исталган мусиқавий фаолиятни бажариш пайтида доимо керак бўладиган нарсадир.

4. Мусиқавийлик қобилиятлар комплекси каби турли мусиқавий фаолият жараёнида кўринади. Масалан: мусиқавий идрок қилиш составига асосий мусиқавий қобилият ва бошқалар: ижро этиш учун восита – инструмент билан, овоз билан – мусиқа мазмунин кайфиятини ифодалашга ёрдам бериш, ҳаяжонли жараёнлар, ташаббускорлик, ижодий фикрлаш, техник қобилиятлар – қўшиқчи интонациясининг тозалиги, мотор аппаратнинг пастлиги – киради. Ижодий қобииятлар составига ижро этувчиликни характерловчи компонентлар: ифодалилик, тўғрилик, самимилик компонентлари ва унумли ижоднинг фарқланиши компонентлари киради.

Мусиқавийлик мусиқавий қобилият каби болада бошдан жуда примитив (қўйпол) бошланади ва турли мусиқавий фаолият жараёнида ривожланади. Бола ривожланишнинг биринчи босқичларида унда барча асосий мусиқавий қобилиятлар кўрина бошлайди ва бирининг иккинчисидан устунлиги фақат кейинроқ маълум бўлади. Мусиқавий қобилиятларнинг айрим болаларда эрта пайдо бўлиши уларни зеҳнига боғлиқ деб аталади. Лекин бошқаларда кечроқ бошланиши уларнинг орқада қолиб кетишларидан далолат бермайди.

Мусиқий таълим				
Мусиқий машғулотлар				
Кўшиқ куйлаш	Мусиқа тинглаш	Мусиқий – ритмик харакатлар	Болалар мусиқа чолғуларида жўр бўлиш	Мусиқий дидактик ўйинлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мусиқий тафакур</b></li> <li>• <b>Мусиқий дунёқараш</b></li> <li>• <b>Мусиқий тасаввур</b></li> <li>• <b>Мусиқий қобилиятлар</b></li> <li>• <b>Мусиқий ҳис – туйғу</b></li> <li>• <b>Мусиқий идрок</b></li> </ul>				
Мусиқий маданият				

**1.** Қўшиқ кўйлаш фаолиятида мусиқий дунёқараш, мусиқий дид шаклланади. Бу фаолият турида болалар мусиқий билимларга асосланган ҳолда қўшиқ кўйлайдилар. Бунинг учун улар мусиқий асарга таалуқли бўлган маълумотларни ўзлаштирадилар. Шу жараёнда уларда мусиқий дунёқараш ва мусиқий дид шаклланади.

Мусиқа саводи фаолиятида мусиқий тафаккур, тасавур ва мусиқий дунёқараш шаклланади. Бу фаолият турида болалар мусиқанинг яратилиш тарихи, мусиқанинг ифода воситалари – ритм, метр, регистр, ўлчов, лад, темп,nota йўли ва ёзуви, товушлар узунлиги ва баландлиги, мусиқа ижодкорлари, ижрочилари ҳақида билимга эга бўлиш билан бирга, уларнинг мусиқий тафаккурлари шакллана боради. Бу ўз навбатида болаларни мусиқа оламига олиб киради ва мусиқий дунёқарашлирини шакллантиради.

**2.** Мусиқа тинглаш фаолиятида мусиқий идрок, мусиқий дунёқараш шаклланади. Бу фаолиятда болалар мусиқа тинглаб, уни бевосита идрок эта бошлайдилар. Бу эса уларнинг мусиқий тафаккурларини шакллантиради, шунингдек, уларда мусиқий дунёқараш ҳам шаклланиб боради. Тингланган мусиқий асар ҳақида мулоҳаза юрита бошлайдилар.

**3.** Мусиқа остида ритмик ҳаракат бажариш фаолиятида мусиқий дунёқараш, мусиқий дид, мусиқий тафаккур, мусиқий идрок, мусиқий ритм ҳисси ва мусиқий хотира шаклланади. Бу фаолият турида болаларда деярли барча мусиқий психологик хусусиятлар шаклланади. Чунки бу фаолиятда улар ўzlари бевосита мусиқий асарга жўр бўладилар. Аввал улар мусиқий асарни тинглаб кўрадилар ( мусиқий идрок), бу эса мусиқанинг ритмик кўринишини эслаб қолишни ( мусиқий хотира), қайси асбобда жўр бўлса яхшироқ жаранглашини (музиқий дид) танлашни тақозо этади. Тарбияланувчи бу фаолиятда мустақил фикрлашни ( мусиқий тафаккур), натижада унинг мусиқий дунёқарashi шаклланиб боради.

**4.** Болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш фаолиятида мусиқий дунёқараш, мусиқий дид, мусиқий тафаккур, мусиқий идрок, мусиқий ритм ҳисси ва мусиқий хотира шаклланади. Айни вақтда шуни айтиш жоизки, мусиқанинг қандай фаолият тури бўлмасин, у шахснинг барча психологик жиҳатлари шаклланишига ёрдам беради. Шуни таъкидлашимиз керакки, мусиқий фаолиятларнинг ҳар бири барча санаб ўтилган психологик хусусиятларни шаклланишига қисман бўлса ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Жумладан, мусиқий ҳис – туйғулар, мусиқий дунёқараш, мусиқий идрок, мусиқий тафаккур, мусиқий

тасаввур ва мусиқий қобилиятни шакллантиради. Демак, улар болаларнинг умумий мусиқий маданияти, эстетик дунёқарашининг шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

- 1.Мусиқий қобилиятни ривожлантиришнинг шарт – шароитлари.
- 2.Машғулотни режалаштириш.
- 3.Мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини режалаштириш, лойиҳалаштириш
- 4.Қобилият – кўникма, малака ва билим эмас, балки уларни ўзлаштириш динамикаси
5. Мусиқа тинглашда расмлардан, бастакор ва компазитор портретларидан, хилма-хил рангдаги шакллардан фойдаланиш
- 6.Овоз созлаш машқларида мусиқали зинача кўргазмали қуроллардан, тарқатма тест банкларидан ва расмлардан фойдаланиш;
- 7.Кўшиқ айтишда расмларга қараб қўшиқ номини топиш;
- 8.Мусиқавийликнинг ривожланиши туфайли болалар мусиқа образларини яратиш

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАРИ**

1. American popular music. Larri Star & Christop'er Waterman. Oxford Universite Press. Inc. 2007.
- 2.Қаххаров Н.В Вокал асослари. Ўкув қўлланма. Тошкент. Иқтисодмолия. 2008. 314 б.
3. Мирзаева Н.А.Хонандалик услубиёти асослари. Маъruzalар матни. Тошкент. 2008. 48 б.
- 4.Бахромова Т.А Справочник по музыкальной грамоте и сольфеджио. М., 2004.
- 5.Кадыров Р. Музыкальная педагогика.- Ташкент:ЎзДК,2013.
21. Ливиев А.Х.Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик. Тошкент: Мехнат, 2001.
- 6.Тютюнникова Т. Уроки музыки в системе Карла Орфа.-М:,2000
7. Rejametova N.O'zbek xalq cholg'u asboblarini chalishni o'rgatish metodikasi.- Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2014.
8. Мурадова З. Детская песня в творчестве композиторов Узбекистана. -Ташкент: Baktriapress, 2015.
9. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. “Таълим ва тарбияда инновақион педагогик технологиялар.-Т.: “Ниҳол”, 2013й. 269 бет.

## **2-мавзу: Илғор педагогларни иш тажрибаларидан ўрганиш ва амалиётда қўллаш**

### **Режа**

1. Мактабгача ёшдаги болаларга мусиқавий таълим – тарбия бериш методлари ва усуллари.

2. Мактабгача ёшдаги болаларни мусиқага ўргатишнинг босқичлари

### **2.1.Мактабгача ёшдаги болаларга мусиқавий таълим – тарбия бериш методлари ва усуллари.**

Мусиқа таълимининг метод ва усулларини танлаш одатда мусиқавий тарбиянинг вазифаси ва мазмунига қараб белгиланади.

Мусиқавий тарбия методларининг танланиши болаларнинг қайси методларга таянган ҳолда билим олишларига ҳам боғлиқдир. Бунда биринчи манба мусиқанинг ўзи бўлиши табиий, чунки «фақат мусиқагина инсонда мусиқавий хиссиётларни уйғотиши мумкин». Бу борада болалар билан ишлаш, дастлаб, мусиқа тинглаш тажрибаси ва куникмасини орттириб боришга қаратилган бўлади. Болаларниг ёши қанчалик кичик бўлса, уларда мусиқа тинглаш тажрибасини орттиришга кетадиган давр ҳам шунчалик кўп бўлади.



Билим олишнинг иккинчи манбаи педагог сўзиидир: бу сўз болаларнинг мусиқавий образ ҳакида яхлит тассавурга эга бўлишни, мусиқа асарининг мазмунини аниқ тушуниб олишини таъминлайди.

Учинчи манба болаларнинг бевосита мусиқа билан шуғулланишидир, чунки мусиқа билан шуғулланмасдан, уни машқ қилмасдан, қўшиқ айтиш ва мусиқали – ритмик ҳаракатлар қилиш кўникмаларини юзага келтириш, шу соҳа билан боғлиқ билимларни ўзлаштириш ҳам мумкин эмас. Бинобарин, фақат практик фаолиятгина ҳар томонлама ривожланишга ёрдам беради, ижтимоий ҳодисаларга тўғри муносабатни тарбиялайди, ташаб бускор, онгли ва актив бўлишга имкон яратади.

Шундай қилиб, биз мусиқавий тарбия методларини танлашда – жонли кузатувдан абстракт фикрлашга ва ундан практикага қараб боришга таянамиз.

Мактабгача ёшдаги болаларга мусиқа таълими ва тарбияси беришнинг ўзаро узвий боғланган учта методи бор:

- 1) кўргазмали методи;
- 2) сўзлаб бериш методи;
- 3) амалий фаолият методи.

Бу методларнинг ҳар бири маълум специфик хусусиятлардан келиб чиқувчи қатор усулларни ўз ичига олади. Ўрганиш жараёнида улардан қайси бирини танлаш муайян мусиқа машғулотининг конкрет вазифаси, ижро этилаётган мусиқа материалининг мураккаблиги, ўқитишининг босқичлари ва болаларнинг умумий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Болаларга турли методик усуллардан фойдаланган ҳолда мусиқавий таълим-тарбия беришда педагогик қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- а) болаларга тавсия этилаётган мусиқа материалининг бадиийлигини ва унинг сифати ижросини таъминлаш;
- б) муайян болалар коллективининг ўзига хослигини, унинг умумий ва мусиқавий тараққиёт даражаси, уюшқоқлигини ҳисобга олиш;
- в) мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқани образли ва аниқ идрок эта олишини эътиборга олиш;
- г)асар мазмунини ва мусиқавий ифода воситаларини болалар ҳиссиётини ва онгига етказа билиш;
- д) болаларни активлаштириш, уларнинг этиборини мусиқа садосига торта билиш;
- е) таълим бериш жараёнида болаларда мусиқавий образни идрок этиш қобилиятини тарбиялаш.

Юқорида келтирилган методларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқайлик:

**КЎРГАЗМАЛИ МЕТОД.** Бу метод болаларга турли ҳодисаларни, атроф-муҳитдаги воқеаларни, киши ва ҳайвонларнинг ҳиссиёти, ҳаракатни ёрқин ва бадиий образларда кўрсатишга, уларни ҳаёт ва турмуш жиҳозлар билан таништиришга асосланади.

1) эшитишга асосланган кўргазмалик. Бунда болани ўргатиш бевосита мусиқа эшитиш орқали бўлади. Мусиқа эшитиш маҳсус машғулот пайтида ёки бола томонидан қўшиқ ва мусиқавий – ритмик ҳаракатларнинг ижро этилиши пайтида бўлиши мумкин.

2) кўришга асосланган кўргазмалилик. У мусиқа садолари билан қўшиб олиб борилади. Бу усулга қўйидагилар киритилади: қўшиқ айтиш усуллари, йўлларидан, турли ўйин, рақс, машқ ҳаракатларидан намуналар кўрсатиш; муайян мусиқа асари билан боғлиқ ўйинчоқларни, расм, костюм ва бошқа предметларни кўрсатиш ва ҳ.к.

**СЎЗЛАБ БЕРИШ МЕТОДИ.** Бу метод бола онгига мўлжалланган бўлиб, унинг фаолиятини маъноли ва мазмундор қилишга қаратилади. Бунда педагогнинг сўзи мусиқа асарининг программасини тушуниб олишда болага ёрдам беради: унинг тасаввурини жонлантиради, ижодий активлигини оширади.

Сўзлаб бериш методини қўйидаги усуллари бор:

**1) тушунтириш.** Бу усулдан янги асарни тинглаш, қўшиқ айтиш, ўйин ва рақсларни қўйиш, машқ қилиш пайтида фойдаланилади. Тушунтириш аниқ ва қисқа, ортиқча қайтариқларсиз бўлиши керак. Мусиқа материал ва топшириқлар болалар томонидан ўзлаштирила бошланган дастлабки (биринчи) даврда тушунтириш яна бир бор такрорланади. Образли ҳикоя қилиш типидаги тушунтиришлар программали мусиқа асарларини тинглашда ва сюжетли мусиқавий ўйинларни ижро этишда кўлланиши мумкин. Образли ҳикоя болаларнинг қизиқишини, уларнинг эмоқионал кечинмаларини кучайтиради, образларни англаб олиш қобилиятини орттиради, тасаввурни ривожлантиради. Образли ҳикоя мусиқа асарининг сюжет йўли ривожига айнан мос бўлиши керак. Қуйида композитор Е.Тиличёванинг «Қуёнча» ва «Айик» асаридан «Қуён» ва «Айик» мусиқасини сюжетли ижро этиш бўйича образли ҳикоя қилишга мисол келтирамиз: «Ўрмонда қиши тонги. Ялангликда қуёнлар чопишади, айланишади, сакраб-сакраб ўзларини иситишади, Улар ўйинга шу даражада берилиб кетишиди, ҳатто ўз уясида ухлаб ётган айикни уйготиб юборишиди. Айик ўрнидан туриб, уйқусига ким ҳалақит бераётганини кўргани кетди. Қуёнлар айикни кўриб тумтарақай қочишиди, буталар орасига беркинишиди. Айик кетгандан сўнг яна ялангликка чиқиб сакрай бошлашиди»;

**2) изоҳлаш.** Бундай изоҳлар ижро, рақс, машқ ҳаракатларни, қўшиқ айтишнинг турли йўлларини кўрсатишда қисқа ва аниқ шаклда берилади. Изоҳларнинг ноаниқ бўлиши кўпинча тушунмасликка ва ёмон ижро этишга сабаб бўлади. Изоҳлаш кўрсатиш билан узвий боғланган бўлиши керак. Педагог болаларни изоҳни охиригача тинглашга ўргатади. Масалан, болалар бирор нарсани ўрганиш жараёнида педагог кўрсатаётган ҳаракатларни у билан изма – из такрорлай бошласа, педагог уларга «ҳаракат қилмай, эътибор билан тингланг ва бу ҳаракатларнинг қандай бажарилишини олдин

күриб олинг» дейди, қўшиқ айтиш ўргатилаётган бўлса (масалан, «Котя, Котёнка, Коток») ва бунда чўзиқ ноталарни қандай айтиш кераклиги тушунтирилиши лозим бўлса унда педагог болаларга «қани, келинг, ўзимизни бир тинглаб кўрайлик, охирги нотани ҳамма чўзиб куйлаганмикин, котик ҳам эшитсин учун бу нотани узоқ чўзишдимикин» деб изоҳ беради;

**3) кўрсатма бериш.** Кўрсатмалар одатда болалар турли ўйин, рақс ва машқларни бажараётган пайтда берилади. Масалан, «Ўнг елка томондан айланиш керак», «Оёқ бармоқларини пастга чўзинг» каби. Бундай кўрсатмалар у ёки бу ҳаракатни қандай бажариш кераклигини англаб олишга, ҳаракатларни бажариш усувлари билан боғлиқ тушунчаларни аниқлашга ёрдам беради;

**4) поэтик нутқ.** Программали мусиқа асарини ижро этишдан олдин кичикроқ прозаик ёки поэтик асарни ёхуд улардан бирор парчани ўқитиш (ўқиб бериш) болаларнинг мусиқа асари образини чуқурроқ хис этиш ва тушуниб олишга ёрдам беради. Масалан, П.И.Чайковскийнинг «Тўрғай» («Жаворонок») асарини ижро этишдан олдин болаларга В.А.Жуковскийнинг куйидаги тўртлигини ўқиб бериш мумкин:

Куёшда қора ўрмон қизғиши тус олди, Водийдаги сийрак буғ бир оз оқаргай. Шунда тонг қўшигини куйлашга тушди, Мовий осмонда учган овоздор тўрғай.

Баъзан янги қўшиқ тинглашдан олдин педагог қўшиқ текстини болаларга ўқиб бериши ҳам мумкин;

**5) сұхбат.** У одатда мусиқа тинглаб бўлганидан сўнг ўтказилади. Сұхбат жараёнида болалар мусиқадан олган таъсуротлари ҳақида гапиришади, унда ифодаланган образлар ва ҳодисаларга муносабат билдиришади, унда ифодаланган образлар ва ҳодисаларга муносабат билдиришади, баҳо беришади. Болалар билан ўтказиладиган сұхбатлар қисқа лўнда ва таъсирчан бўлиши керак;

**6) саволлар.** Болалар билан ўтказиладиган сұхбатлар доимо саволлар ёрдамида бўлади. Педагог асар мазмуни билан боғлиқ ҳолда болаларга саволлар берар экан, бу саволларни ортиқча деталлаштирмаслиги қерак. Саволлар ёрдамида бадиий образнинг мазмуни, ҳарактери ойдинлаштирилади, мусиқа асарларининг таъсир кучини таъминловчи шакл ва воситалар аниқланади. Масалан, рақс куи ижро этилгандан сўнг педагог болалардан «Мен ижро қилган куй рақс куйими ёки маршми?», Бу мусиқанинг ҳарактери қанақа?», «Бу куйга қандай ҳаракат мос келади?» деб сўраши мумкин;

**7) танбех бериш.** Бу усулдан боланинг маълум сабабларга кўра диққати бўлинганда ва хаёли асосий вазифадаи четга чиққанда фойдаланилади. Танбех бериш жиддий бўлиши, аммо одоб доирасидан четга чиқмаслиги керак.

**АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ МЕТОДИ.** Болаларнинг конкрет фаолияти маълум мақсадларга йўналтирилган ҳамда системали машғулотлар тарзида олиб бориладиган таълим – тарбия сифатида қаралади.

Кўшиқ айтиш ва мусиқали – ритмик ҳаракатларни бажаришда болаларга шундай раҳбарлик қилиш керакки, улар топширикни мумкин қадар таъсирили ва ифодали қилиб бажаришга интилишсин. Болаларни ўргатиш жараёнида уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб топшириқларни аста – секин муракқаблаштириш мумкин. Бундай муракқаблаштириш болаларнинг кўникма даражасига ва таълим программасига хилоф бўлмаслиги керак. Баъзи қийин ҳолатларга дуч келганда эса болалар билан алоҳида индивидуал ишлаш тавсия қилинади.

Мусиқавий тарбиянинг барча методларидан педагог бир бутун система сифатида фойдаланади. Сўз болани асарнинг мазмунини ҳис этишга ва тушинишга ундайди, мусиқа эса болада пайдо бўлган тассуротни эмоционал жиҳатдан чуқурлаштиради. Мусиқа ҳиссиётга таъсир қиласи, айни пайтда фикр ҳам туғдиради.

Болалар мусиқа асарини, айниқса, программасиз (маълум сюжет мазмунига эга бўлмаган) асарни тушуна олиши учун педагог мусиқани идрок қилиш, ҳис этиш жараёнида бевосита бошчилик қилиш, бунинг учун мусиқа асарининг мазмунини тушунтириб бориши, бадиий образларни тушунтиришда эса ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши керак. Сўз ва мусиқа бола фаолиятини йўналтириб боради. Масалан, педагог қўшиқ айтишнинг баъзи усулларини болаларга кўрсатиш ва тушунтириш билан бирга баъзи фразалар, нақорот ёки овозларни эшиттириб ҳам беради. Маълум мусиқа – ритмик топшириқни ўзлаштириш ва бажариш учун болалар шу мусиқа ва топшириқни эшитибгина қолмай, балки унинг қандай ижро этилишини кўриши ҳам керак. Мусиқа асарларининг бадиий образи шу даражага таъсиричан бўладики, педагог тушунтириш жараёнида бу образ таъсирини сўндиրмаслиги, мусиқа асарининг мазмунини тўсатдан узиб қўймаслиги, балки аксинча юксак педагогик тект ва маҳорат билан уни янада чуқурлаштириш ривожлантириши керак. Буни мусиқавий тарбия методларидан аралаш фойдаланганда доимо ёдда тутиш зарур бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, мусиқа асбоби билан чалинадиган куйни тинглашдан олдин педагог томонидан сўзланадиган тушунтириш нутқи поэтик, образли ёки шархловчи характерда бўлиши мумкин. Кўшиқ

айтишга ўргатиш жараёнида сўзланадиган нутқ мазмуни мусиқа ва адабий текстларнинг узвий боғлиқлиги билан белгилангади. Қўшиқ адабий текст орқали ўз мазмуни ҳақида ўзи маълумот беради, шуниси билан мусиқа асбобида чалинадиган куйдан фарқ қиласди. Шунинг учун педагогнинг қўшиқ ҳақидаги кўрсатма ва сухбатлари шу қўшиқнинг бадиий образига мос бўлиши керак. Қўшиқнинг адабий тексти, айниқса у мураккаб поэтик оборотлардан таркиб топган бўлса, алоҳида тушунтиришни талаб қиласди. Маълум мусиқа асари бўйича болалар билан ишлашнинг мақсадга методик усулларини топиш учун педагог бу асарни яхши билиши, бадиий таъсир воситалари билан танишиб чиқиши, асар мазмуни ва характеристини чукур ўрганган бўлиши шарт. Шундагина мусиқа ижросида болаларнинг англаб олишини таъминловчи оддийлик ва таъсирчанликка эришиш мумкин бўлади.

## **2.2. Мактабгача ёшдаги болаларни мусиқага ўргатишнинг босқичлари**

Энди мактабгача ёшдаги болаларни мусиқага ўргатишнинг қандай босқичлари борлигини кўздан кечирайлик:

**1– босқич** – мусиқа асари билан дастлабки танишиш босқичи. Асар билан дастлабки учрашув пайтида (1-босқичда) қўшиқчининг овози ва мусиқа асбобининг садоси ҳамда машқ ёки рақс пайтидаги ҳаракатлар бола идрокининг обьекти бўлади. Бу босқичда болани мусиқа асари билан танишириш, уни мусиқа тинглашга, мусиқада ифодаланаётган ҳистийгуларга ҳамдард бўлишга эришиши асосий мақсад қилиб олинади. Мусиқани тинглай олишга ўргатишнинг биринчи босқичида болаларда мусиқа асарига қизиқиш уйғотиш иррадақияси содир бўлади. Бу пайтда болаларнинг умумлаштириш ва фарқлай олиш қобилияти ҳам анча кучсиз бўлади.

Янги мусиқа материалини ўзлаштиришда эшитиш, кўриш ва ҳаракат қилиш анализаторлари қатнашади. Бу босқичда боланинг бош мия қобиғи унга таъсир қилаётган ҳодисаларни вақтинча ўзаро боғлай олиши мумкин, шунинг учун ҳам материални парчаларга бўлмасдан яхлит ҳолда берган мақкул. Уларни парчаларга ажратиб ўргатиш вазифаси иккинчи босқичга қолдирилади. Педагог ҳаракатларни бевосита мусиқа садоси ёки куй жўрлигида кўрсатади.

Янги қўшиқни ўргатиш жараёнида педагог баъзи куни турли мусиқа асбобларида чалдириб, шу асбобларда ижро этилган куйни ўзаро таққослайди, шу йўл билан унинг хотирада яхши ўзлашиб қолишини таъминлади. Биринчи босқич унча катта бўлмаслиги – бир ёки икки машғулотдан ортмаслигикерак. Бунда мусиқа тинглаш, қўшиқларни ижро

етиш ёкимусиқали – ритмик ҳаракатларни бажаришдан, образли ва поэтик нутқдан намуналар кўрсатиш, болалар билан савол –жавоб орқали сұхбатлашиш, педагог томонидан тақдим этилган материални болаларга бажартириб кўриш каби усуллардан фойдаланилади.

**2 – босқич** – қўшиқ ёки мусиқали – ритмик ҳаракатларни ижро эта оладиган бўлишни шакллантириш, идрок қилиш босқичи. Иккинчи босқичнинг вазифаларига қуйидагилар киради: мусиқани чуқур идрок этиш учун зарур бўлган қувноқ меҳнат шароитини яратиш, ўз-ўзини назорат қила олиш, қўшиқ айтганда овоз меъёрини ва эшитишни уйғунлаштира билиш ёки, рақс ва машқларда эшитиш билан ҳаракатни ўзаро уйғунлаштира олиш қобилиятини тарбиялаш, бунинг учун узлуксиз машғулотлар ўтказиб туриш; топшириқларни тўғри ва аниқ бажара оладиган бўлишларига эришиш. Бу босқичда болалар ижросида учрайдиган барча камчиликлар аниқланади ва тузатиб борилади. Ўргатишнинг иккинчи босқичида педагог материални қайта-қайта мустаҳкамлайди, натижада болаларнинг бош мия қобигида қўзғалиш (уйғониш) конқентрацияси анча кучаяди, улар аста – секин топшириқни тўғри бажара оладиган бўлиб боришади. Умуман, бундай билимнинг шаклланиши босқичи узок вақт давом этади. Масалан, болалар баъзи қўшиқларни 9 – 12 машғулотдан сўнггина мустақил равища таъсирили қилиб айтадиган бўлишади.

Иккинчи босқичда қўлланадиган методик усулларга қуйидагилар киритилади: мусиқани қайта тинглаш, қўшиқ ижросида ёки мусиқали – ритмик ҳаракатлардан намуналарни қайта кўрсатиш, қўшиқ айтишнинг ёки ўйин – рақс ҳаракатларининг баъзи усуллари ва элементларини кўрсатиш, болалар билан сұхбатлашиш, уларга салом бериш, образли ва поэтик нутқ, турли кўрсатмалар, изоҳлар, танбеҳлар, топшириқни бажариш усулларини қайта машқ қилдириш ва ҳ.к. Хуллас, бу босқичда ўргатишнинг барча усулларидан фойдаланиш мумкин бўлади.

**3 – босқич** – кўникмалар ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш босқичи. Бунда топшириқни автоматик равища бажара оладиган, қўшиқ, ўйин – рақс ва машқларни мустақил ижро этадиган даражага эришилади.

Учинчи босқичда кузатилган мақсад топшириқларни эмоқионал-таъсиран қилиб бажаришга ўргатишдан, болаларда мустақилликни, ижодий активликни ривожлантиришдан иборатдир. Бу босқичда болаларда диференцияловчи (фарқловчи) тормозланиш юзага келади, иккинчи босқичда олинган ва педагогик томонидан қайта-қайта тушунтирилган материалдан ва машқлардан учинчи босқичда мустаҳкам кўникма ҳосил бўлади, кераксиз, ортиқча нарсалардан тормозланади. Шундай қилиб, шартли рефлексларнинг бир бутун системаси юзага келади, куйлаш ва

музиқали – ритмик ҳаракатларни ижро этиш билан боғлиқ топшириқларни бажаришда изчилликка эришилади. Эшитиш ва кўриш назорати билан мустаҳкамланади, тўлдирилади. Боланинг у ёки бу топшириқни бажариш усули автоматлашади, айни пайтда, у ўз олдига қўйилган вазифани онгли равишда идрок қиласи ва ҳосил бўлган кўникмага таянган ҳолда ижодий активликка ҳам интилади.

Болалар билан ишлашнинг учунчи босқичида педагог куй ва мусиқали –ритмик ҳаракатлар ижросини такомиллаштиради, уларда мусиқани идрок этиш қобилиятини тарбиялашда, муайян мусиқа асарининг бадиий хусусиятларини тушунтиришда давом этади. Болаларга топшириқлар оғзаки берилади. Баъзан вазифани кўрсатиш учун болалар чақирилади. Учинчи босқичда педагог ўйин вариантидан фойдаланади, топшириқларни бир оз ўзгартириб мураккаблаштиради, шундай қилиб болаларни ижодий активликка даъват этади, бунда ўргатишнинг турли – туман методларидан фойдаланади. Шундай қилиб мактабгача ёшдаги болаларга мусиқа таълими бериш турли методик усулларнинг барчасидан фойдаланишини тақозо қиласи.

Энди метод ва методик усуллардан турли ёшдаги группаларда қандай фойдаланиш кераклигини кўриб чиқайлик.

**Кичик ёшдаги гурух.** Бу гурухда сўзлаб бериш методини қўллашда педагог кўпроқ тушунтириш усулидан фойдаланади. Тушунтириш аниқ бўлиши керак. Масалан, болалар «Бармоқлар ва қўллар» ўрганмоқда (халқ мусиқаси, куйи А.Қодиров томонидан қайга ишланган). Бундан педагог баланд овозли музикага икки қўлнинг кафтларини бир-бирига уриб чапак чалиш кераклигини, паст овозли мусиқага эса бармоқларни бармоқларга аста-секин уриш лозимлигини тушунтиради. Қайта ижро этилганда, педагог стулчаларда ўтирган болаларга паст овозли мусиқада бармоқларни бармоқларга уришни, баланд овозли мусиқада эса чапак чалишни таклиф қиласи, сўз билан тушунтириш ва амалий фаолият ўзаро қўшиб бажарилади, болаларнинг вазифани яхши ўзлаштириши ҳам таъминланади. Кўрсатмалар болалар ўйинга ёки рақсга тушаётганда бериб борилади.

Масалан, байроқчалар билан машқ бажарилаётганда мусиқа раҳбари «Болалар, байроқчаларни Азиза Ахмедовна тутганидек тўғри тутинг» – деб кўрсатма беради. Кичик ёшдаги группада поэтик нутқ ҳам кенг қўлланилади. Масалан, «Мушук» деб номланган қўшиқни (В.Вялшин мусиқаси) ижро этишдан олдин «кул ранг мушукча ойна ёнида мағурур ўтиради, думини ликкиллатиб, болаларни кутарди» деган мисраларни ифодали қилиб ўқиб бериш мумкин.

Тинглаш пайтида ҳам, ўйин, рақс ва машқлар ўрганаётганда ҳам педагог болалар билан сұхбатлашиб туради, уларга «мусиқанинг харктери қанақа?, мусиқаны суръати тезми ёки секинми?, бу мусиқанинг мұқаддимаси



борми?» тарзда саволлар беріб боради, бу саволларға қўпинча ўзи жавоб қайтаради, чунки болаларнинг тажрибаси, мусиқа соҳасидаги билим етарли бўлмаганидан улар юқоридаги саволларга мустақил савол–жавоблар жараёнида болаларни мусиқа терминалогияси билан мумкин қадар танишириб бориши керак, бу ҳол уларнинг келажак терминалогиясидан мустақил равишда фойдалана оладиган бўлишлари учун замин ҳозирлайди.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, болаларга берилаётган саволларнинг мазмуни уларга тушунарли бўлиши керак. Масалан, «Мушукча (В.Вялшин мусиқаси) қўшиғи тинглангандан сўнг, педагог болалардан қўшиқда нима ҳақида гапирилганини, мушукча нима қилганини, у кимни кутганини сўрайди. Образли ҳикоядан кичик ёшдаги болалар гурухларида анча кенг фойдаланилади. Бундай ҳикоя одатда сюжетли ўйин ижросидаи ва программали мусиқа тинглашдан олдин бўлади.

Болалар билан ишлашда кўргазмалилик усулларига, айниқса, эшитишга асосланган кўргазмалиликка катта ўрин берилади. Бусиз таълимнинг кўргазмалилик методи деярли қўлланмайди. Болалар ижро этиши керак бўлган ҳар қандай мусиқа асари аввал педагог ижросида тингланади. Кичик ёшдаги болалар гуруҳида кўришга асосланган кўргазмалиликка ҳам кенг ўрин берилади. Шу мақсадда машғулотларга расм ва ўйинчоқлар олиб кирилади. Бундай машғулотлар одатда ўйин тарзида ўтказилади. Масалан, янги йил байрамидан сўнг гуруҳга кичкина арча билан ўйинчоқлар олиб кирилади. Мусиқа раҳбари: «Кор бобо бу арчани бизга совға қилиб қолдирган. У жуда меҳрибон. Қани қор бобо ва арчажон ҳақидаги қўшиқни бир тинглайликчи! Бу қўшиқни қор бобонинг ўзи келтирган» дейди. Бундан ташқари, болаларни куйлашга ва мусиқали – ритмик харакатларга ўргатиш пайтида педагог ўзи қўшиқ айтиш усуллари ва ҳаракат усулларини кўрсатади. Болаларнинг куйлаш санъати, мусиқали – ритмик харакатлари бу даврда ҳали анча номукаммал бўлади, уларда катталар ижросига тақлид сезилиб туради.

**Ўрта гуруҳ.** Бу гурухда сўзлаб бериш методи ўз ичига куйидаги усулларни қамраб олади:

1) Тушунтириш. Бу усул ўрта гурухда анча кенгайтирилган тарзда бўлади. Масалан, «Пуржинка» номли асарни машқ қилиш пайтида мусиқа раҳбари болаларга қараб «мусиқанинг биринчи қисмида биз тиззаларни букиб ўтирамиз, пуржинка бўлади унда мусиқа секин чалинади, мусиқанинг иккинчи – кучли садоли қисмида биз турган жойимизда икки оёқлаб енгилгина сакрай бошлаймиз» дейди;

2) Изоҳлаш. Масалан, болалар белгиланган вақтдан олдин қўшиқ айта бошласа, педагог ҳамма баравар қўшиқ айта бошлиши учун олдин муқадимманинг сўнги аккордини тинглаб бўлиши, шундан сўнг қўшиқ айта бошлиши керак деб изоҳ беради;

3) Кўрсатма бериш. Бу усулдан болалар ҳаракатда бўлган пайтда фойдаланилади, Масалан, болалар марш садосига юраётганда педагог: «Илҳом, елкангни тўғри тут», «Нодира, мусиқага эътибор қил» деб кўрсатма бериш мумкин;

4) Поэтик нутқ. Бу усулдан одатда қўшиқ айтишдан олдин тез–тез фойдаланиб турилади. Масалан, «Қиши ўтиб кетди» қўшиғини (Н.Метлов мусиқаси) айтишдан олдин шу қўшиқ текстидан қўйидаги парчани ифодали қилиб ўқиб бериш мумкин:

Қайин шоҳдан чаққон,  
Ерга сакради чумчуқ,  
Йўқдир бўлак изғирин,  
Сайрайман «чуруқ-чуруқ».

5) Ўрта гурух болаларининг фикр доираси анча кенг, сўз бойлиги бир мунча кўп бўлиб, улар мусиқа билимидан ҳам маълум тажрибага эга бўладилар. Шунинг учун мусиқа асари тинглаб бўлингандан сўнг, улар билан кенгайтирилган сұхбат ўтказилади. Масалан, А.Филлипенконинг «Қиши келди» қўшиғи тинглангандан сўнг қўйидаги сұхбат ўтказилади: Қўшиқда нима хақида гапирилган?, қўшиқда муқаддима борми?, қўшиқнинг характеристи қанақа?, қўшиқ суръати тезми ёки секинми?, ва х.к.

Сұхбат одатда саволлар ёрдамида ўтказилади. Баъзан саволлар болаларга қўшиқ тинглашдан олдин, ҳатто топишмоқ тарзида берилиши ҳам мумкин. Масалан, мусиқа раҳбари болаларга: «Мен қўшиқнинг муқаддима қисмини чаламан, сиз эса бу қўшиқнинг қандай номланишини эсланг» деб топшириқ беради.

Эшитишига асосланган кўргазмалилик (бадиий – мусиқа асарини идрок этиш) кичик ёшдаги болалар группасида қандай ўрин тутса, ўрта группада ҳам шундай ўрин тутади. Фақат асарнинг ўзи, унинг шакли, характеристи, ифода воситалари бирмунча мураккаблашган бўлади, холос. Кўришига асосланган кўргазмалилик ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Аммо

ўрта группада қўшиқ айтишдан ёки асар ижросидан олдин ўйинчоқларни кўрсатиши бирмунча камайтирилиб, болаларнинг амалий фаолиятига кўпроқ эътибор берилади, улардан сухбат пайтидаги саволларга аниқроқ жавоб берилиши, ўйин ва рақс ҳаракатларнинг аниқроқ бажарилиши талаб этилади.

**Катта ва мактабга тайёрловгурухлари.** Бу гурухларда биз кўпроқ бола онгига таяниб. сўзлаб бериш методи ва унинг барча усулларини қўллаймиз, қисқа ва аниқ тушунтиришлар берамиз. Масалан, мусиқа раҳбари болаларга «Ким тезроқ?» (А.Шварқ мусиқаси) ўйинини ўйнаймиз – дейди. Мусиқа тинглаб бўлингач, болалар мусиқа асарини таҳлил қилишади, мусиқа неча қисмдан иборатлиги, характеристери хақида тушунчаларини айтишади, шундан сўнг педагог қоидаларни тушунтиради. Бунда тез – тез изоҳлардан фойдаланиб, намуналар кўрсатади. Болалар бундай тушунтириш ва изоҳларни охиригача тинглашлари керак. Масалан, юқорида айтиб ўтилган «Ким тезроқ» ўйинида (А.Шварқ мусиқаси) педагог «Бошловчи доирачага икки марта уриши керак» деб тушунтиради ва ўзи қандай уришни кўрсатиб беради.

Кўрсатмалар болалар бирор ўйин ёки машқ бажараётганда ҳамда маълум бир вазифани бажаришга тайёргарлик кўраётганда берилади. Чунончи, қўшиқ айтишдан олдин педагог «Болалар тўғри ўтиринг, ҳозир қўшиқ айтамиз» деб кўрсатма бериши мумкин,

Поэтик нутқ мусиқа асари образни идрок этиш ва ойдинлаштиришга ёрдам беради, шунинг учун ундан ҳам тез – тез фойдаланиб турилади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1.Кўргазмали метод
- 2.Эшитишга асосланган кўргазмалилик
- 3.Кўришга асосланган кўргазмалилик
- 4.Сўзлаб бериш методи
- 5.Танбех бериш усули
- 6.Амалий фаолият методи
- 7.Мусиқали – ритмик ҳаракатларни ижро этиш малакаси
- 8.Болалар билан ишлашда кўргазмалилик усуллари
- 9.Кўрсатма бериш.
- 10.Поэтик нутқ.
11. Машғулотларда мусиқа фаолиятини ўргатиш босқичлари

## **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАРИ**

- 1.Кадыров Р. Музыкальная педагогика.- Ташкент:ЎзДК,2013.
2. Ливиев А.Х.Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик. Тошкент: Мехнат, 2001.
- 3.Тютюнникова Т. Уроки музыки в системе Карла Орфа.-М:,2000
4. Rejametova N.O'zbek xalq cholg'u asboblarini chalishni o'rgatish metodikasi.- Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2014.
5. Мурадова З. Детская песня в творчестве композиторов Узбекистана. -Ташкент: Baktriapress, 2015.
6. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. “Таълим ва тарбияда инновақион педагогик технологиялар.-Т.: “Ниҳол”, 2013й.269бет.
7. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие.-СПб.:Питер.-316 е.:ил.- (Серия «Учебное пособие»). 2004.
8. «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Тошкент, 2002 й.
9. Каримов М., Икромова М. “Рақс элементлари орқали болаларни жисмоний ривожлантириш” Т.: “Илм зиё” нашриёт уйи, 2008 й.
10. Намозова Д.Т., Носиров Д.Т. “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий таълим методикаси” Кўқон: 2006 й.
11. Гогоберидзе А.Г. Теория и методика музыкального воспитания детей дошкольного возраста: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений /А. Г. Гогоберидзе, В.А.Деркунская. — М.: Издательский центр «Академия», 2005. — 320 с
- 12.Шарипова. Г. «Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа ўқитиш методикаси». «Чўлпон» Т.: 2007.

## **КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ**

## **1-амалий машғулот: Кичик ёшдаги болаларни мусиқий тарбиялашнинг долзарб муаммолари**

**Ишдан мақсад –** Таълим тизимида кичик ёшдаги болаларни мусиқий тарбиялашнинг долзарб муаммолари ўрганиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Кичик ёшдаги болаларни мусиқий тарбиялашнинг юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

### **Ишни бажариш учун намуна**

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлаш вақтини эълон қиласди.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Мусиқа раҳбари ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди.

### **Гурухда ишлаш қоидалари**

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким фаол, биргаликда, берилган топшириқقا масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

### **Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.**

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Мұхомама қилиш –3 минут.
3. Презентация (тақдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (тақдимот) қилиш –5 минут.
5. Гурұхлар бошқа гурұхларни презентация (тақдимот)лари вақтида уларни бақолаш.
6. Бақолаш нәтижаларини раҳбарга айтиш.

### **1-илова**

#### **Биринчи гурұх учун вазифа.**

Саволлар	Түшүнчөштөрүштөр	Изох
Кичик ёшдаги болаларни мусиқий тарбиялашнинг долзарб муаммолари		
Кичик ёшдаги болаларни мусиқий қобилятиини ривожлантиришда етакчи фаолиятлар		
Күшик ва күйларни танлашда мазмуннаның фарқы ва умумиийлиги		

#### **Иккинчи гурұх учун вазифа.**

Саволлар	Түшүнчөштөрүштөр	Изох
Катта гурұх болаларни мусиқий тарбиялашнинг долзарб муаммолари		
Катта гурұх болаларни мусиқий қобилятиини ривожлантиришда етакчи фаолиятлар		
Болалар ҳаётида күйларнинг ахамияти, узига хос вазифалари		

### **2-илова**

#### **Гурұхни бақолаш жадвали.**

Гурұх-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиғи	Ахборотнинг ишончлилігі	Гурұх аъзосининг фаоллиғи	Умумий баллар	Баҳо
1-гурұх					
2-гурұх					

## **2-амалий машғулот: Болаларнинг маънавий ривожлантиришда мусиқий таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштиришда муаммо ва ечимлар.**

**Ишдан мақсад** – Таълим тизимида Болаларнинг маънавий ривожлантиришда мусиқий таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштиришда муаммо ва ечимларни мазмунини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Мавзу юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

### **Ишни бажариш учун намуна**

Ўқитувчингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қиласди.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошкаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Мусиқа раҳбари ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги тинглочилар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

### **Гуруҳда ишлаш қоидалари**

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким фаол, биргалиқда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиш ёки бирга чўкамиз.

## **Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.**

Индивидуал ўқиши – 2 минут.

2. Мұхомама қилиш – 3 минут.
3. Презентация (тақдимот) варағини тайёрлаш – 5 минут.
4. Презентация (тақдимот) қилиш – 5 минут.
5. Гурұхлар бошқа гурұхларни презентация (тақдимот)лари вақтида уларни бақолаш.
6. Бақолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

### **1-илова**

#### **Биринчи гурұх учун вазифа.**

<b>Саволлар</b>	<b>Түшүнчө ва шарх</b>	<b>Изох</b>
Миңдегі қадрияттар болалар тарбиясида ажралмас қисми		
Ойлада илк тарбиявий қүшик		
Болаларни Буюк симолар изидан йўналтиришда қўшиқларнинг аҳамияти		

#### **Иккинчи гурұх учун вазифа.**

<b>Саволлар</b>	<b>Түшүнчө ва шарх</b>	<b>Изох</b>
Композитор ва фольклорнинг ўзаро боғлиқ томонлари нимада?		
Болалар фольклорларнинг турлари ва аҳамияти?		
Бастакорнинг вазифаси нималардан иборат?		

### **2-илова**

#### **Гурұхни бақолаш жадвали.**

<b>Гурұх-лар</b>	<b>Жағобларнинг аниқ, равшанлиги</b>	<b>Ахборотнинг ишончлилиги</b>	<b>Гурұх аъзосининг фаоллиги</b>	<b>Умумий баллар</b>	<b>Баҳо</b>
1-гурұх					
2-гурұх					

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ  
МАВЗУЛАРИ**

1. Бола ривожланишида мусиқанинг ўрни.
2. Болалар мусиқавийлиги структураси ва улар ривожланишининг ёш хусусиятлари.
3. Мактабгача ёшдаги болаларга мусиқавий таълим – тарбия бериш методлари ва усуллари.
- 4.Мусиқавий сенсор қобилият
- 5.Мусиқа товушларининг турли-туманлиги:
- 6.Уларни ифодали муносабатлари турлилиги:
- 7.Мусиқа ҳодисалари сифатини текшриш
- 8.Товушларнинг қарама – қарши ва ўхшашлиги ўртасидага муносабатлар алмашинувини фаҳмлашга ўргатиш.
- 9.Мусиқавий товушларни текшириш қобилиятини ўстириш.
- 10.Мусиқавий эшитиши; Ритм тушунчаси;
- 11.Маҳсулдор фаолиятнинг қобилияти;
- 12.Ижодий ижро этувчанлик қобилият.
- 13.Барча қобилияtlар эмоқионал ва эшитиши компонентлари
- 14.Эмоқионал эшитиши компонентлари
- 15.Мусиқавийлик қобилияtlар комплекси каби турли мусиқавий фаолият жараёнида
- 16.Қўшиқ куйлаш фаолиятида мусиқий дунёқараш, мусиқий дид шакллантириш
- 17.Мусиқа саводи фаолиятида мусиқий тафаккур, тасаввур ва мусиқий дунёқараш шакллантириш
- 18.Мусиқа тинглаш фаолиятида мусиқий идрок, мусиқий дунёқараш шакллантириш
- 19.Мусиқа остида ритмик ҳаракат бажариш фаолияти
- 20.Болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш фаолиятида мусиқий дунёқараш, мусиқий дид, мусиқий тафаккур, мусиқий идрок, мусиқий ритм ҳисси ва мусиқий хотирани шакллантириш
- 21.Мусиқий қобилияtnи ривожлантиришнинг шарт – шароитлари.
- 22.Машғулотни режалаштириш.
- 23.Мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини режалаштириш, лойиҳалаштириш
- 24.Қобилият – кўникма, малака ва билим эмас, балки уларни ўзлаштириш динамикаси
25. Мусиқа тинглашда расмлардан, бастакор ва композитор портретларидан, хилма-хил рангдаги шакллардан фойдаланиш
- 26.Овоз созлаш машқларида мусиқали зинача кўргазмали куроллардан, тарқатма расмлардан фойдаланиш;

- 27.Кўшиқ айтишда расмларга қараб қўшиқ номини топиш;
- 28.Мусиқавийликнинг ривожланиши туфайли болалар мусиқа образларини яратиш
- 29.Таълим мақсадига мос келадиган таълим жараёнининг натижалари қайси жараёнларга боғлиқ бўлади?
30. Таълим жараёнининг таълим мақсадига мос келишини таъминлаш учун нималарга эътиборни қаратиш зарур?
- 31.Мусиқа машғулотларида интеграллашган машғулотларни ташкил қилишда қайси жараёнларга амал қилиш зарур.
- 32.Интеграллашган машғулотларни ташкил қилишда қайси жараёнларга амал қилиш зарур.
- 33.Таълим мазмунини интеграллашнинг моҳияти ва мақсади ўз ичига қайси жараёнларни қамраб олади?
- 34.Интеграллашган таълим мазмунидаги ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурми?
35. Педагогнинг профессионал компонентлик даражасига қандай талаблар қўйлади?
36. Кўргазмали методи;
37. Сўзлаб бериш методи;
38. Амалий фаолият методи.
39. Болаларга тавсия этилаётган мусиқа материалининг бадиийлигини ва унинг сифати ижросини таъминлаш;
- 40.Муайян болалар колективининг ўзига хослигини, унинг умумий ва мусиқавий тараққиёт даражаси, уюшқоқлигини ҳисобга олиш;
- 41.Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқани образли ва аниқ идрок эта олишини эътиборга олиш
- 42.Асар мазмунини ва мусиқавий ифода воситаларини болалар ҳиссиётини ва онгига етказа билиш;
- 43.Болаларни фаоллаштириш, уларнинг этиборини мусиқа садосига торта билиш;
- 44.Таълим бериш жараёнида болаларда мусиқавий образни идрок этиш қобилиятини тарбиялаш

## **ГЛОССАРИЙ**

**Машқ** –талаб қилинган ҳатти–ҳаракатларни кўп марталаб қайтариш, уларни автоматик бажарилиш даражасига етказилишдан иборат амалий тарбия методи; бирон ҳатти–ҳаракатнинг (ақлий ёки амалий) яхши ўзлаштириб олиш мақсадида режа асосида ташкиллаштирилган қайта бажарилиши. У ёки бу кўникмаларни эгаллаш асосида машқ ётади. Турлари: *даврий машқлар* (муаян ҳатти–ҳаракатларнинг изчил кетма–кетликда узлуксиз қайтариш); *даврий бўлмаган машқлар* (такрорланмайдиган ҳатти–ҳаракатлар қаторини бажариш).

**Мусиқа**–турли-туман товушлар билан образ яратиб берувчи, ғоявий эмоционал мазмунга эга бўлган санъатнинг тури.

**Мусиқа эстетикаси**- мусиқа санъатининг моҳияти, бадий шакллари ва услубларни ўрганадиган фан.

**Мусиқа тарихи**- мусиқа санъатининг пайдо бўлишидан ҳозирги замон қадар тараққиёти.

**Мусиқа асбоблари**– мусиқанин жро этишга, баландлиги бўйича ритмик ташкил этилган ва муайян ҳолатларда маҳкамланган товушларни тиклашга мўлжалланган. Қадим замонларда ёк пайдо бўлган (мугузлар, энг содда найлар ва бир томонлама дўмбиралар палеолит ва неолит даврларидан маълум). Мусиқа асбоблари шартли равишда халқ мусиқа асбоблари ва профессионал мусиқа асбобларига (улар одатда халқ асбобларини такоминлаштириш йўли билан яратилган бўлади) бўлинади. Профессионал мусиқа асбоблари: одатда симфоник (опера) ва эстрада оркесторлари таркибига кирган асбоблар, шу жумладан орган, фортепиано каби торли клавишиали асбоблар. Турли: пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари, торли мусиқа асбоблари, уриб чалинадиган мусиқа асбоблари.

**Мусиқа зали**- мусиқа машғулотларини ўтқазиш ва бўш вақтни мазмунли ташкил этиш учун мўлжалланган катта хона. Мусиқа зали таркибида одатда фортепиано, мусиқа маркази, магнитафон ва аудиоёзувлар, проигрователь пластинкалари билан, расмлар ва иллюстрациялар, болалар мусиқа асбоблари тўплами, мусиқали ўйинчоқлар, театр пардаси, театр қўғирчоқлари, театрга тегишли нарсалар ва костюмлар бўлади. Эшитища камчилиги бўлган болалар учун мўлжалланган маҳсус мактабгача таълим муассасасидаги мусиқа зали юқоридагилардан ташқари яна товушни кучайтириб берувчи аппаратура учун индукция илгаги билан таъминланган бўлиши керак.

**Мусиқа зинапояси**- мусиқали товуш қаторларига эга бўлган саккиз пиллапояли зинапоя, ёғоч ёки пластмасса асосдан ва металл пластиналар маҳкамланган олинадиган зиначилардан иборат. Металл пластиналарга

болғача билан урилганда, маълум баландликдаги товуш хосил бўлади. МТМда ўтқазиладиган дидактик мусиқа ўйинларида кўлланади.

**Мусиқа машғулотлари**- мусиқий нутқ ва мусиқа тилининг ўзига хос хусусиятларига бағишлиланган машғулотлар тури. Мавзулари: «Қаттиқ-секин», «Баланд-паст», «Мусиқанинг учта жанри», «Мусиқа нима ҳақда ҳикоя қиласди? » ва ҳ.қ.

**Мусиқа раҳбари**- МТМ жамоаси таркибига кирадиган педагогик ходим, мусиқа фаолиятининг ташкил этишнинг турли шакллари ва кўринишларидан фойдаланиб, тарбияланувчиларнинг мусиқага бўлган иқтидорларини ривожлантириш, эстетик таъбини шакллантириш ишлари билан шуғулланади. Мусиқа раҳбари битта ёки бир нечта мусиқа асбобларини чалишни билиши, амалга ошириладиган педагогик фаолият йўналишларини тарбияланувчиларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини, уларнинг ижодий қобилияtlарини ҳисобга олган ҳолда белгилаши лозим.

**Мусиқа ритмини сезиши**- мусиқадан чуқур таъсирланиш ва бунинг натижасида мусиқанинг ритмик ифодалигини ҳис этиш қобилияти.

**Мусиқа тарбияси**- этетиктарбия соҳаларидан бири; МТМ ва мактабларда амалга оширилади. Болада ижодкорлик қобилиятини шакллантириш мақсадида унинг мусиқа маданиятини тарбиялаш ва мусиқавий майлларини ривожлантиришга қаратилган маҳсус ташкил этилган педагогик жараён. Мусиқа тарбиясининг вазифалари: болага мусиқани севиш ва тушунишни ўргатиш, унинг мусиқани эшлиш қобилиятини ва мусиқага ҳавасини ривожлантириш, унга энг содда ижрочилик кўникмаларини сингдириш (куйлаш, ҳиргойи қилиш).

**Мусиқа терапияси**- психотерапевтик методлардан бири, мусиқанинг ўзига хос хусусиятларидан даволаш воситаси сифатида фойдаланишга асосланган Мусиқашуносларнинг мусиқа назарияси, мусиқа тарихи, мусиқа эстетикаси, мусиқа танқиди, мусиқа фолғклоршунослиги каби соҳаларининг ютуқларига таянади.

**Мусиқа товуши**- мусиқа бирлиги, у ўзининг маълум баландлиги, қаттиқлиги, давомийлиги ва тембри билан ажралиб туради.

**Мусиқа фаолияти**- мусиқа воситасида ривожлатириш жараёнида мусиқа фаолиятинингбарча турларини қўллаш. Болалар мусиқа фаолияти турлари: мусиқани, унинг ҳаракати, ўзига хос оҳанглари, образлилигива бетакрор мусиқа санътини «кузатиш», яъний идрок этиш; мусиқани тинглаш, фаол мусиқа амалиёти (қўшиқ айтиш, мусиқа асбобларини чалишдан фойдаланган ҳолда); мусиқани яратиш, яъний мусиқани тинглаш ва ижро этишдан билан боғлиқ бўлган болалар ижодиёти. МТМда мусиқа фаолиятини ташкил этиш турлари: фронтал мусиқа машғулотлари

(комплекс, мавзу бўйича, етакчи (доминант), анъанавий); гурухий индивидуал мусиқа машғулотлари (ижодий, мусиқани эштиш иқтидори ва овозни ривожлантириш, рақс ҳаракатлари ни ўзлаштириш, болаларга мусиқа асбобларини чалишни ўргатиш); мусиқа залидан ташқарида ташкил этилган мусиқа муҳити (мустакил мусиқа фаолияти, мусиқа садолари остида уйғониш, мусиқали хордик, эрталабки бадантарбия, физкультура машғулотлари); байрам ва кўнгилхушликлар (мавсумий, мавзувий, фольклор, ўйинга асосланган).

**Мусиқа шакли-** 1)мусиқа асарида муаян ғоявий- бадий мазмунни ўзида мужассамлаштирган ифода воситалари мажмуи. 2)Мусиқа асрининг тузилиши. Ҳар бир асарда мусиқа шакли ўзига хос, индивидуалхарактерига эга, бироқ унинг турли кўламдаги нисбатан турғун мавжуд- давр, оддий ва муракаб икки қисимли шакли, уч қисимли шакли, вариациялар шакли, рондо, соната шакли ва ҳ.қ.. Мусиқа шаклининг мазмун ва тузилиши жиҳатидан энг кичик шакли бу оҳангдир, битта ва ундан ортиқ оҳанглар мусиқавий бирикмани ҳосил қиласди, бирикмалардан жумлалар ҳосил бўлади, иккита жумла кўп ҳолларда дарни(у одатда 8 ёки 12 тактдан иборат бўлади)ташкил қиласди. Давр шаклида одатда мусиқа асарининг мавзуси баён этиласди. Шундай қилиб, мусиқа шаклининг таркибий қисимлари ўзаро чамбарчас боғлиқ.

**Мусиқага бўлган қобилиятни ривожлантириш-** боланинг табиий қобилиятига таянган ҳолда. Унда мусиқа маданиятининг асосоларини, ижодий фаолликни шакллантириш орқали қобилиятини ривожлантириш жараёни.

**Мусиқагалаёқатлилик-** айнан мусиқа фаолияти билан шуғулланиш учун талаб қилинадиган индивидуал-психологик хусусиятлар мажмуи.Мусиқага лаёқатлиликнинг бош белгиси- мусиқани хис қилиш,ундан таъсирланиш, мусиқага дилини оча билиш, мусиқа оҳангини нозик ва чуқур идрок этиш.

**Мусиқани эштиш қобилияти-** мусиқа товушларнинг айрим сифатларини идрок этиш ва улар ўртасидаги функционал алоқаларни сезиш қобилияти. Мусиқани эштиш қобилияти баланд ва паст товушларни идрок этиш, мусиқа оҳангинитўғри эслаб қолиш ва қайтариш каби хусусиятларда намоён бўлади.Мусиқанинг эштиш қобилияти мусиқадаги қобилиятнинг таркибий қисмидир.

**Мустаҳкамлаш-** эсда қолдирилган муаян материални турли усуллар билан онгимизда янада мустаҳкамлашга қаратилган хотира жараёни.

**Динамика** –товушларнинг қаттиқ-секин ижро қилиниши.

**Оҳангдошлиқ**-бир неча товушларнинг бир йўлга солиб куйланиши.

**Чолғучи-мусиқачи**, созандачолғуасбоблардаижро этувчи.

**Тафаккур** – киши онгининг билиш объектлари ҳисобланмиш нарса ва ходисалар ўртасида мураккаб, ҳар томонлама алоқаларнинг бўлишини таҳминловчи умумлашган ва мавхумлашган акс эттириш шаклидир.

**Сенсор (билиш)** – ҳиссий жихатдан билишдир.

**Ўспириинлик даври** – ёш даври бўлиб, йигитларда 17-21 ёш, қизларда эса 16-20 ёшларга тўғри келади.

**Адоптация-** (*optatio- хоҳии, танлов*), киши томонидан профессионал тараққиётнинг босқичи танланиши.

**Идрок** - предмет ва ҳодисаларнинг сезги органларига бевосита таҳсир этиши жараёнидир.

**Идрок константлиги**– олам биз томонимиздан нисбатан доимий, ўзгармас сифатида идрок этилади.

**Мустаҳкамлаш-** эсда қолдирилган муаян материални турли усуллар билан онгимизда янада мустаҳкамлашгақаратилган хотира жараёни.

**Динамика** –товушларнингқаттиқ-секинижроқилиниши.

**Оҳангдошлиқ**-бирнечатовушларнингбирйўлгасолибкуйланиши.

**Чолғучи-мусиқачи.созандачолғуасбоблардаижро этувчи.**

**Аккорд**(ит. *Accordo*, фр. *Accord* - бирдамлик)– турли баландликдаги уч ва ундан ортиқ товушларнинг қўшилиб, яхлит ҳолда янграши. Аккорд одатда терқия интервали бўйича тақсимланадиган товушлардан ҳосил бўлади. Тўрт товушли аккорд – септаккорд, беш товушли аккорд – нонаккорд, олти товушли аккорд – ундеқимаккорд дейилади.

**Ансамбль** (фр. *Ensemble* - биргаликда)- 1. Вокал ёки чолғу мусиқа асарининг бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши. 2. Бир тўда санъаткорларнинг бир бутун бадиий жамоа ҳолда чиқиши. 3. У қадар катта бўлмаган хонанда ёки созандалар жамоаси учун яратилган мусиқа асари. Ижрочилар сонига қараб бу ансамбллар турлича аталади. Икки ижрочи – дуэт, уч ижрочи – трио ёки терқет, тўрт ижрочи – квартет, беш ижрочи – квинтет, олти ижрочи – секстет, етти ижрочи – септет, саккиз ижрочи – октет ва ҳ.к. Баъзан ансамбль сўзини оркестр ёки хор жамоасининг кичрайтирилган турига ҳам айтилади.

**Аппликатура** (нем. *Applicatur* - қўймоқ, босмоқ) – мусиқа чолғу асбобларини ижро қилганда бармоқларни тўғри қўйиш ва алмаштириш тартиби. Бу тартибининг ноталарда кырсатилиши ҳам аппликатура дейилади. Аппликатура араб рақамлари билан ноталарнинг ости ёки устига қўйилади.

**Диапазон** (юн. *Diapason* – барча (торлар) орқали)– хонанданинг овози, чолғу асбобининг товуш ҳажми. Мусиқий методаги энг пастки ва энг юқориги товуш оралифи.

**Диатоника**(юн. Diatonikos – бир тондан иккинчи тонга ўтиш) – ладнинг асосий босқичлари изчиллигидан вужудга келадиган мусиқий товушлар тизими. Табиий мадор, минор ва ўрта аср ладлари учун асос бўлган асосий етти поғонадаги тон ва ярим тонлар диатоникага киради.

**Диатоник гамма** – ладдаги асосий товушларнинг бирин-кетин изчиллиги. Тўлиқ диатоник гаммада еттита товуш бўлади.

**Динамика** (юн. Dinamikos - кучли) – мусиқий товушларнинг қаттиқ-секин ижро қилиниши. Динамика товушни турлича ифодалаш, яъни бир йўла қаттиқ ёки секин, аста-секин қучайтириш ёки секинлаштириш, айрим товушларни алоҳида таъкидлаб эшиттириш в.б. билдиради. Динамиканинг асосий турлари: forte - қаттиқ, кучли; piano – секин; crescendo – товушни аста-секин қучайтириш; diminuendo – товушни аста-секин пасайтириш.

**Интервал** (лот. Intervallum – оралиқ, масофа) – икки мусиқий товуш ўртасидаги оралиқ. Бунда товушлар бир вақтда янграса гармоник интервал, бирин-кетин янграса – мелодик интервал деб аталади. Асосий интерваллар – прима, секунда, терқия, квтарта, квинта, секста, септима, октава.

**Лад**– тургун ва нотурғун мусиқий товуш поғоналарининг ўзаро боғлиқлигига асосланган товушлар тизими. Замонавий мусиқада етти поғонали мажор ва минор ладлари асосий ладлар ҳисобланади.

**Оркестр** (юн. Orchestra - қадимги юонон театри саҳнаси олдидағи майдонча) - турли чолғу асбобларда чалиб, ижрочиларнинг ушбу гурухи учун ёзилган мусиқа асарини биргалиқда ижро этувчи созандаларнинг катта жамоаси. Чолғу асбобларининг таркибига кўра оркестрларнинг турлари: симфоник – тўлиқ таркибдан иборат, торли – камонли чолғулар, дамли - ёғоч ва мис дамли чолғулар, шовқинли - урма-зарбли чолғулар, ёки эстрада-симфоник – юқорида санаб ўтилган чолуларга электр-чолгулар, яъни гитаралар, синтезаторлар кабиларнинг қўшилиши асносида .

**Партитура** (ит. partitura – бўлинган, тақсимланган) – ансамбль, хор, оркестр учун ёзилган кўп овозли мусиқий асарнинг нота ёзуви. Унда барча овозларнинг партиялари жамланган. Партитурада партияларнинг тақсимланиб келиши юқоридан қуий томон турдош чолғу асбоблар бўйича келади. Ўз навбатида, бир турдаги чолғуларнинг энг юқори регистрга мансуби юқорида, қолганлари регистри бўйича пастки сатрларда ёзилади.

**Партия** (музиқада)– 1. Ансамбль қатнашчиларидан бирининг нота ёзуви. 2. Соната шаклининг экспозициясида асосий мавзулар бош партия, ёрдамчи партия, якунловчи партия сифатида келади.

**Регистр**(лот. Registrum – рўйхат, ёзиб, қўйиш) – мусиқий матонинг ошанггини юқори, ўрта ва пастки қисмларга мансублиги бўйича ажратиш.

**Реконструкция** (лот. Re – «янгиланиш» маъносини билдирувчи сўз ясовчи қўшимча, ва constructio - тузилма) - қадимий мусиқий чолғуларни қайта тиклаш. Ушбу атама замонавий мусиқий чолғушуносликда халқ чолғу асбобларини тиклаш ва оркестрга мансуб турлари (пикколо, альт, бас ва б.)ни яратиш маъносига қўлланилади.

**Соз-** 1. Товушларнинг баландлик ҳолати ва муносабати. Чолғу асбобларидаги соз уларнинг товуш қатори тузилиши ва баланд-пастлигини аниқлайди. Оркестр ва ансамбллар сози шу жамоадаги чолғу асбобларнинг бир-бирига бўлган баландлик муносабатларига кўра созланади. 2. Торли чолғу асбоб.

**Тембр** (фр. tembre - кўнғироқ, ажратиш белгиси) – товуш туси, ҳар бир мусиқий чолғу ёки хонанда овозининг ўзига хос товуш характери. Чолғу асбобининг тузилиши ва шаклига кўра унинг тембри турлича бўлади.

**Темперақия** (лот. Temperatio – тўғри муносабатда, бир ўлчамда) – мусиқий поғоналар оралиғидаги интерваллар муносабатининг тенглиги. Октава оралиғининг teng 12 ярим тонга бўлиниши бир текис темперация бўлади.

**Товуш қатор** – чолғу асбобида чалиниши ёки киши овозида айтилиши мумкин бўлган товушқатор. У юқори кўтарилаётган ёки қуий тушаётган қатор товушлар тизмасига тузилади.

**Транспозиция** (лот. Transponere – жойини ўзгартмоқ) – товушларни бошқа баландликка кўчириш. Транспозиция турли шароитда қилинади: ёзилган мусиқа асари хонанда овозига нокулай бўлса; бир чолғу асбобдан иккинчисига кўчириш зарурати бўлса; ёзилган ноталар ўқиш учун нокулай бўлса. Мазкур ҳолларда мусиқа асарини бир тоналликдан иккинчи тоналликка транспозиция қилинади; бунда унинг характери, ритми ва бошқа унсурлари ўзгармайди.

**Транспозицияланувчи чолғулар** – куй ижро этилганида нота ёзуvida ёзилганига кўра паст ёки баланд товуш билан янграйдиган чолғулар. Масалан, қашқар рубоби, афғон рубоби янграшига нисбатан бир октава юқори ёзилади. Най пикколо эса янграшига нисбатан бир октава паст ёзилади.

**Унисон** (ит. unisono – бир хил садо) – бир хил баландликдаги икки (ёки бир неча) товушнинг бир вақтда янграши.

**Хроматизм** (юн. Chroma -ранг) – диатоник ладдаги поғоналарнинг ярим тондан ўзгариши. Улар альтерация белгилари – диеz ёки bemоль билан

күрсатилади. Хроматик ярим тон бир поғонадаги икки турли товушдан тузилади. Масалан, «до» ва «до-диез».

**Хроматик гамма** – куйнинг ярим тонлар бўйича баланд-пастга изчил ҳаракати. Тўлиқ хроматик гамма 12 товуш (ярим тон)дан иборат. Гаммадаги хроматик ва диатоник ярим тонларни тартибли алмашиниб келиши лад тузилиши (мажор ва минор) ва ҳаракат йўналиши (юқориланиши ёки пасайиши)га боғлиқ. Хроматик гамма диатоник гаммадаги бутун тон поғоналарини кўтариш ёки пасайтириш йўли билан тўлдирилади.

**Ad libitum** – хошишга қўра, исталганча

**A2, A3** – иккала, уччала (чолғу)

**Archi** – торли чолғулар гурухининг белгиланиши

**Arco** – камон

**Arpa** – арфа

**Attacca** – кейинги асарни танаффусиз чалиш

**Bachetta** – таёқча (зарбли чолғуларда чалиш учун)

**Bassklarinette** (немисча) – бас-кларнет

**Basso, bassi** – бас, баслар; контрабас

**Batterie** (французча) – зарбли чолғулар гурухининг белгиланиши

**Becken** (немисча) – тарелкалар

**Bratsche** (немисча) – альт

**Campana** – қўнғироқ

**Campanelli** – қўнғироқчалар

**Cassa** – катта барабан

**Castagnetti** – кастаньетталар

**Celesta** – челеста

**Cello** – виолончель

**Cembalo** – клавесин

**Chitarra** – гитара

**Corno inglese** – инглиз сурнайи

**Clarinetto** – кларнет

**Clavicembalo** – клавесин

**Cloche** (французча) – қўнғироқ

**Col** – билан

**Col legno** – камоннинг тахта томони билан чалиш

**Con** – билан

**Con sordini** – сурдина билан

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Созандалик</b>	Маълум бир созни (рубоб, танбур, дойра, най ва х.к) мукаммал эгаллаган, ҳам жўрнавоз, солист ва жамоавий ижроларда қатнашиб, мумтоз санъатни тарғиботчисидир.	This is player of Uzbek national instruments like rubob, tanbur, doyra, nay and ets. He can play with soloists, he solo player and play with other instruments.
<b>Анъанавий ижрочилик</b>	Миллий мусиқаларимизни асосини ўрганувчи соҳа	Traditional performing arts learning basic of nationale music of Uzbekistan.
<b>Воҳага мансуб жанрлар</b>	Катта ашула Фарғона-Тошкент воҳаси, Мавригий ва Бухорча Самарқанд-Бухоро воҳаси, Суворийлар Хоразм воҳаси. Бундан ташқари достончилик, жировчилик, ҳалфачилик, яллачилик, лапарчилик ва бошқалар.	Janrs from Fergana-Tashkent Katta ashula (Big song), from Samarkand and Bukhara Mavrigi and Bukhorcha, from Khorezm Suvoriy and also janrs like doston (play epos), jirov (play epos an another stile), khalfa (womans epos players), yalla (melodies for the dans), lapar (sing a song in competition) and ets.
<b>Уч воҳа мумтоз мусиқа и</b>	Булар Хоразм мумтоз мусиқа лари, Шашмумтоз мусиқа ва Фарғона-Тошкент мумтоз мусиқа йўлларидир.	That is Khorezm's makom, Shashmakom and Fergana-Tashken's makom ways.
<b>Устоз-шогирд тизими</b>	Устоз шогирд тизими анъанавий ижрочилик соҳасида энг сермаҳсул дарс бериш услуби.	From teacher to student systems effect way for learning traditionale performing arts.
<b>Мукаммал ижро</b>	Барча жиҳатлари тўлиқ, чиройли, беҳато ижро мукаммал ҳисобланади.	All parameters is full and beutefull plays is the original perform.
<b>Номукаммал ижро</b>	Камчиликлари мавжуд бўлган ижро номукаммал ижро дейилади.	Perfom with the mistakes we call unoriginal perform.
<b>Ижрочилик мактаблари</b>	Маълум бир устоз ижрочи томонидан яратилган ижро мактаби дейилади. Ҳозирги кунда бундай мактабларнинг жуда кўп намуналари мавжуд.	Performing schools belded from one of masters. Now in our contry many of performing schools

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Mishael Pilhofer and Holly Day “Music Theory for dummies” Indiana USA 2007. Wiley Publishing Inc.
2. Cat’rine Sadolin. Complete vocal technique. 2012.  
[www.Completevocalinstitute.com](http://www.Completevocalinstitute.com)
3. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
4. Толипов. Ў.Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
5. Уразова. М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойихалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.
6. American popular music. Larri Star & Christop’er Waterman. Oxford Universite Press. Inc. 2007.
7. Қаҳҳаров Н.В. Вокал асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. Иқтисодмолия. 2008. 314 б.
8. Мирзаева Н.А.Хонандалик услубиёти асослари. Махрузалар матни. Тошкент. 2008. 48 б.
9. Кадыров Р. Музыкальная педагогика.- Ташкент:ЎзДК,2013.
10. Rejametova N.O’zbek xalq cholq’u asboblarini chalishni o’rgatish metodikasi.- Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2014.
11. Мурадова З. Детская песня в творчестве композиторов Узбекистана. -Ташкент: Baktriapress, 2015.
12. Ишмухamedov R., M.Юлдашев “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.-Т.: “Ниҳол”, 2013й.269бет.
13. Сергеев И.С.. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие.-СПб.:Питер.-316 стр.- (Серия «Учебное пособие»). 2004.
14. «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Тошкент, 2002 й.
15. Намозова Д.Т., Носиров Д.Т. “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий таълим методикаси” Кўқон: 2006 й.
16. Гогоберидзе А.Г. Теория и методика музыкального воспитания детей дошкольного возраста: А. Г. Гогоберидзе, В.А.Деркунская. — М.: Издательский центр «Академия», 2005. — 320 с
17. Шарипова Г.«Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа ўқитиши методикаси». «Чўлпон» Т.: 2007.

18. Зимина А.Н. Основы музыкального воспитания и развития детей младшего возраста.- М., 2000
19. Радынова О. Настроения, чувства в музыке. М;2009
- 20 Зацепина М.Б. “Музыкальное воспитание в детском саду.” Москва.: “Мозайка – Синтез”, 2008.
21. Панжиев Қ. Б., Уалиева Г.И., Режаметова Н.И., МТМ мусиқа раҳбарлар учун Мажмуа -Т.-2017

### **Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).
2. Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази: [www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz)
3. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: [www.giu.uz](http://www.giu.uz)
4. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
5. Мактабгача таълим вазирлиги: [www.mtv.uz](http://www.mtv.uz).
6. Республика болалар кутубхонаси: [www.kitob.uz](http://www.kitob.uz).
7. «Мактабгача таълим» журнали: [www.jlmt.uz](http://www.jlmt.uz).